

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ**

йўналиши

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИК
ТИЗИМЛАР МЕНЕЖМЕНТИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ-2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ

йўналиши

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИК
ТИЗИМЛАР МЕНЕЖМЕНТИ”
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ-2016

Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: А.Обидов- техника фанлари номзоди, доцент.

Такризчи: Томас Бон- Америка давлати “North Dakota State Univ” профессори.

**Ўқув-услубий мажмua ТошДАУ Кенгашининг 2016 йил _____ даги
____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	33
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	79
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	135
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	143
VII. ГЛОССАРИЙ	144
VIII. АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ	147
IX. ИЛОВА	148

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастур Америка ва бошқа ривожланган давлатларнинг соҳага оид технологиялар ҳамда илм-фан ютуқлари, адабиёт маълумотлари асосида, чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда яратилганбўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида аҳоли ва саноатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни эл дастурхонига фақат мавсумда эмас, балки йил давомида узлуксиз тарзда етказиб туриш, маҳсулотларни сақлаш ва уларга ишлов беришда сифат қўрсатгичларини таъминлаш каби жараёнларни замонавий машина-трактор агрегатларидан, турли қурилма ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар ва комплекс агрегатлар ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил этилиши, замонавий техник сервиснинг шаклланиши каби тизимларни бугунги самарали фаолияти олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари ва бошқа масалаларнинг баёни келтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” модулининг мақсад ва вазифалари:

қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларида, уларнинг уюшмаларида ҳамда туман машина-трактор паркларида мавжуд

бўлган машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва қонуниятларини ўрганиш ва шу асосда ишлаб чиқариш воситаларини оптимал-мақсадли таркибини шакллантириш ва маҳсулот таннархидаги механизацияланган жараёнларни бажаришда бўладиган маблағ сарфини энг кам миқдорига эришиш бўйича билим, кўникумга ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” маҳсус фанидан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – унинг мақсадидан келиб чиқиб, мутахассис-педагогда чукур билим ва амалий кўникумларни шакллантириш, замонавий, интенсив ишлаб чиқариш технологияларини, уларни бажарилишида ишлатиладиган машина трактор агрегатларидан оптимал таркиб ва ўлчамларда фойланишни, энг кам маблағ ва энергия сарфи бўлиши йўлларини ўргатиш,

Машина трактор агрегатларини ишлаб чиқаришда бўладиган ишончлилигини ошириш, ўз вақтида ва сифатли техник сервис амалиётларини ўтказиш, замонавий диагностика усул ва жиҳозларини танлаш ва амалда фойдалана билиш, мамлакатимизга киритилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини синовдан ўтказиш, механизацияланган жараёнларни бажариш, иш хажми ҳамда ёқилғи-мойлаш маҳсулотларнинг миқдорий сарфи меъёрларини (нормаларини) аниқлаш каби мураккаб мухандис масалаларини еча оладиган билимларни курс битирувчиларида шакллантиришга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникумаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- мутахассислик фанларини ўқитишидаги илғор хорижий тажрибаларни;

- машина трактор агрегатларининг ҳаракатланиш усулларини, ресурс тежамкор услубларини танлашни; механизациялашган дала ишлари бажарилишининг операцион технологияларини; ерларни мелиорациялаш ва дехқончилиқда тупроқни ҳимоялаш тизимида машина трактор агрегатларини ишлатишнинг хусусиятини;
- машина-трактор паркининг оқилона таркибини асослаш услубини; машина-трактор паркидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлашни ва таҳлил қилишни;
- қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларини самарали ишлатишни ташкил қилишнинг асосларини;
- қишлоқ хўжалиги ишларни машина-трактор паркида ўтказиш технологиясини, материалларни ва техник хизмат кўрсатиш тизимининг манбаасини, техник хизмат курсатишни режалаштириш ва ташкил қилишнинг услубини, хўжалик юритишнинг турли янги шаклларида машиналарга ташхис қўйишни;
- қишлоқ хўжалигида техникаларни сақлаш бўйича технологик ишларни ўтказиш учун материалларни ва жиҳозларни;
- нефт маҳсулотларининг талаб қилинадиган миқдорини ҳисоблаш услубини, ташкилотнинг нефт хўжалиги учун жиҳозларини танлашни ва фойдаланиш қоидаларини;
- машина-трактор паркидан фойдаланиш бўйича инженерлик-техника хизматини ташкиллаштиришнинг асосий принципларини;
- давлат техника назорати бўлимларида машина-трактор паркини ҳисобга олиш ва техник кўрикдан ўтказиш тартибини билиши **билиши** керак.

Тингловчи:

- машина-трактор паркининг оқилона таркибини асослаш услубини; машина-трактор паркидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлашни ва таҳлил қилишни;
- қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларини самарали ишлатишни ташкил қилишнинг асосларини;
- қишлоқ хўжалиги ишларни машина-трактор паркида ўтказиш технологиясини, материалларни ва техник хизмат кўрсатиш (техник хизмат кўрсатиш) тизимининг манбаасини, техник хизмат кўрсатишни режалаштириш ва ташкил қилишнинг услубини, хўжалик юритишнинг турли янги шаклларида машиналарга ташхис қўйишни;

- қишлоқ хўжалигида техникаларни сақлаш бўйича технологик ишларни ўтказиш учун материалларни ва жиҳозларни;
- нефт маҳсулотларининг талаб қилинадиган миқдорини ҳисоблаш услубини, ташкилотнинг нефт хўжалиги учун жиҳозларини танлашни ва фойдаланиш қоидаларини;
- машина-трактор паркининг фойдаланиш бўйича инженерлик-техника хизматини ташкиллаштиришнинг асосий принципларини;
- давлат техника назорати бўлимларида машина-трактор паркини ҳисобга олиш ва техник кўрикдан ўтказиш тартибини билиши ва қўллай олиши керак.
- табиий ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор паркини юқори даражада ишлатиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- табиий ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор паркини юқори даражада ишлатиш;
- машина-трактор агрегат ларини жамлаш бўйича ҳисоблашлар;
- машина-трактор агрегатларга техник хизмат кўрсатиш ва техник хизмат кўрсатишни ўтказиш техник воситаларини аниқлаш; ёнилғи ва мойлаш материалларини талаб қилинадиган миқдорини аниқлаш; машиналарга техник хизмат кўрсатишни ўтказиш графигини тузиш;
- машиналар носозликларини аниқлаш ва уларни тузатиш; машина-трактор парки таркибини ва техник воситаларини ишга яроқли ҳолда ушлаб туриш учун янгилаб бориш келажак режасини тузиш **малакаларига** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- машина-трактор паркидан фойдаланиш ҳисоблашларида замонавий компьютерларни қўллаш;
- тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарнинг асосий бўлаклари ва тизимларига ташхис қўйиш ва ростлаш; ижодий фаолият асосида машиналарни ишлатиш бўйича ва бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самара берадиган янги техник ечимларни яратиш **компетенцияларни** эгаллаши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билин боғлиқлиги ва узвийлиги

“Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хўжалиги мобил энергетик воситалари” ва “Қишлоқ хўжалигида технологиялар ва машиналар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлиқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланиш уларни техник сервисни ташкил этиш техникаларнинг техник русурсларини аниқлашда диагностикалаш усулидан фойдаланиш. Янги техникаларнинг техник – потенциал имкониятларидан Ўзбекистон шароитида тўлиқ фойдаланишга эришиш.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан	
			жами	назарий	амалий машғулот	кўчма машғулот	
1.	Энергетик воситаларнинг тортиш кучини шакллантириши ва ундан смарали фойдаланишини назарий асослари.	2	2	2			
2.	Қишлоқ хўжалик техникаларидан ресурс тежамкорлик асосида фойдаланишда тизимли ёндошув принциплари.	2	2	2			
3.	Энергетик воситаларни оптимал параметр ва иш режимларини замонавий математик дастурлаш усули ва ахборот коммуникацион технологик тизимларидан фойдаланиб асослаш.	2	2	2			
4.	Серунумли мураккаб ананавий ва хорижий қишлоқ хўжалик техникалари техник сервиси муаммолари ва истиқболлари	2	2	2			
5.	Машина техник ҳолатини ўрганишда диагностика усуллари ва улардан фойдаланиш	2	2		2		

6.	Янги техникаларни синаш ва техник меъёрларни белгилаш асослари	2	2		2		
7.	Қишлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиладиган машиналар тизими параметр ва құрсақтичларини аниклаш	2	2		2		
8.	Энергетик воситаларидан фойдаланишда бўладиган харажатларни замонавий математик дастурлаш усули ва АКТ фойдаланиб аниклаш	2	2		2		
9.	Қишлоқ хұжалик машиналари ишчи қурилмаларини тиклаш усуллари	2	2		2		
10.	Республика техникаларни синаш марказида илмий-амалий тажриба, эксперимент ўтказиш ва улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш.	2	2		2		
11.	Қишлоқ хұжалик маҳсулотлари етиштиришдаги технологик ва техник тизимларни иқтисодий самарадорлигини аниклаш.	2	2				2
Жами:		24	22	8	10	4	2

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Энергетик воситаларнинг тортиш кучини шакллантириши ва ундан смарали фойдаланишни назарий асослари

Мобил энергетик воситасининг тенгламаси. Таъсир этувчи кучлар. Етакчи ғилдиракдаги айланма момент. Юритувчилар (ғилдирак, занжир) нинг тупроқ билан тишланшиши ва уни тортиш кучи миқдорига таъсири. Агрегатни ҳаракатга келтирувчи кучнинг шаклланиши ва ундан смарали фойдаланиш усуллари. Двигателни юкланиш даражаси ва уни энергия сарфига таъсири.

2- мавзу: Қишлоқ хўжалик техникаларидан ресурс тежамкорлик асосида фойдаланишда тизимли ёндошув принциплари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятлари. Маҳсулот етиштиришнинг технологик ва техник тизимини-технологик ҳаракатларини яратиш. Иш хажми, бажариш муддатлари, зарурӣ техник тизим ва уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Иш бирлигига сарфланган энергия. Мехнат ва маблағ сарфлари. Тизимни рентабеллик кўрсаткичлари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг лойиҳалаш принциплари.

3- мавзу: Энергетик воситаларни оптимал параметр ва иш режимларини замонавий математик дастурлаш усули ва ахборот коммуникацион технологик тизимларидан фойдаланиб асослаш

Машина-трактор агрегатларининг параметр ва режимларини оптималлаштириш машина трактор агрегат параметри ва режимларини оптималлаштириш кўрсаткичлари критериялари ва улардан фойдаланиш шароитлари. Технологик жараённи бажаришда бўладиган эксплуатацион ва келтирилган ҳаражатлар. Энергетик воситаси томонидан ишлаб чиқилган қувват мувозанати техник ва иқтисодий кўрсаткичлари.

**4-мавзу: Серунумли мураккаб ананавий ва хорижий қишлоқ хўжалик
техникалари техник сервиси муаммолари ва истиқболлари**

Илм-фан, техника ва технология тараққиётининг ривожланиш босқичларини, чет давлатлар тажрибаси асосида республикамиз аграр секторида ташкиллаштирилаётган замонавий техник сервис, фирмали таъмирлаш, менежмент, маркетинг, лизинг ва дилерлар бўлимларининг маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалик техникаларининг яшаш циклининг мохиятини, уни замонавий ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш истиқболлари тўғрисида янги билимларга эга бўладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот:
Машина техник ҳолатини ўрганишда диагностика
усуллари ва улардан фойдаланиш**

Машиналарнинг техник ҳолатини ўрганишда диагностика усулидан фойдаланишни амалда қўллаш имкониятлари. Диагностикалаш усуллари ва улардан фойдаланиб машинани техник ҳолатини аниқлаш. Динамик методдан фойдаланиб катта босимли ёқилғи насосини техник ҳолатини ва тормозсиз диагностикалаш усули бўйича двигателни техник ресурсини аниқлаш.

**2-амалий машғулот:
Янги техникаларни синаш ва техник меъёрларни
белгилаш асослари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, маҳсулотлар етиштиришда технологик жараёнларни бажараётган агрегатларнинг бажарадиган иш меъёрини тўғри белгилаш шу соҳанинг тараққиёт даражасини аниқлашда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида машина ва механизmlардан кенг фойдаланиш, ўз навбатида, қўл меҳнати билан бажарилаётган технологик жараёнларнинг камайишига олиб келади. Натижада маҳсулотнинг таннархидаги қўл меҳнатининг салмоғи қисқаради.

3-амалий машғулот:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиладиган машиналар тизими параметр ва кўрсаткичларини аниқлаш

Фермер хўжалигида етиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш шароитлари таҳлили. Маҳсулот тури бўйича машина тизими таркибини аниқлаш. Бажариладиган ишлар хажми,муддат ва техникага бўлган талабни аниқлаш. Ёқилғи ва меҳнат сарфлари ҳамда маҳсулот таннархидаги механизмлар улишини ҳисоблаш. Машина тизимини техник-иктисодий кўрсаткичлари таҳлили.

4-амалий машғулот:

Энергетик воситаларидан фойдаланишда бўладиган харажатларни замонавий математик дастурлаш усули ва АКТ фойдаланиб аниқлаш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги техник тизимнинг оптимал таркибини иқтисодий кўрсаткичлар бўйича аниқлаш билимига ва амалий кўнижасига эришиш Энергетик воситаси томонидан ишлаб чиқилган қувват мувозанати техник ва иқтисодий кўрсаткичлари

5-амалий машғулот:

Қишлоқ хўжалик машиналари ишчи қурилмаларини тиклаш усувлари

Қишлоқ хўжалик машиналари ишчи қурилмаларининг ейилиш сабаблари ва уларни тиклш усувлари тўғрисида янги билимлар бериш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (ўрганилаётган мавзу бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (мавзу бүйіча далиллар ва асослы аргументларни тақдим қилиш, әшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятиини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари		1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«Машиналарнинг техник ташхиси» модулини ўқитишаинтерфаол таълим методларидан фойдаланиб, дарс ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу методлар модулни ёритишида энг қулай, тушунарли, қизиқарли ҳамда эсда қоларли хисобланади.

Қуйида «Қишлоқ хұжалигыда техник тизимлар менежменти» модулига мослаб интерфаол таълим методлари келтирилган.

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Машиналарнинг техник ташхиси SWOT тахлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Машиналарнинг техник ташхиси кучли томонлари	Қишлоқ хұжалигыда техник тизимлар менежменти аграр секторда технологик жараёнларни жадаллаштириш, тиклаш, лойихалаш ва технологик аснолар ясаш технологияларини такомиллаштиради ва техник сервисни сифатли ташкил этади
---	---	--

W	Машиналарнинг техник ташхиси күчсиз томонлари	Конструкторліктайёрлашни регламент-лаштирувчи конструкторлік хужжатлари ишлаб чиқылмаганлиги, ишлаб чиқаришга етарли даражада жорий этилмаслиги
O	Машиналарнинг техник ташхисидан фойдаланишинг имкониятлари (ички)	Деталларни ажратиш, йиғиши, тиклаш, таъмирлаш объектларини диагностика ёрдамида лойихалашға оид техник топшириқлар ишлаб чиқарылғанлиги
T	Тұсиқлар (ташқи)	Қишлоқ хұжалигидамашиналарнинг техник ташхиси бүйіча тизимларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинмаганлиги, мәхнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш, фермер хұжалигіда янги техник тизим бүйіча маълумотлар етарли әмаслиги.

“Хулосалаш” (Резюме, Veer) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бүйіча бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бүйіча ўрганилади.

Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзуу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ұқытывчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурұхларға ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурұхға умумий муаммони тақлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича тақлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан тақлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Қишлоқ хұжалик техникасининг техник ҳолатини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган диагностик усуллар ёрдамида ТХК учун сарфланган маблағларни камайтириш йўллари?

Субектив ташхислаш		Обектив ташхислаш		Конвергент	
афзаллиги	камчиллиги	афзаллиги	камчиллиги	афзаллиги	камчиллиги
Хулоса:					

“Машиналарнинг техник ташхиси” мавзуси бўйича кейс-стади

Кейс методи

Үқув предмет номи: “Қишлоқ хұжалиги техник тизимлари менежменти”

Мавзу: Машиналарнинг техник ташхиси

Қатнашчилар: Тошкент давлат аграр университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тингловчилари

Кейс-стадининг асосий мақсади: Қишлоқ хұжалигидаги техник тизимларни ташхислаш усулларини танлаш, машиналарнинг техник холатини аниқлашда диагностик усуллар ёрдамида техник хизмат құрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун сарфланадиган маблағтарни камайтириш асосий муаммолардан бири бўлиб, бу-сарф харажатларни камайтириш йўлларини топиш. Машиналарга техник хизмат құрсатиш турлари ва усулларини топиш, техник ташхислаш параметрларини аниқлаш, ташхислашнинг объектив ва субъектив усулларини қўллашни билиш. Ташхислаш ишларида дуч келадиган ҳар қандай муаммоларни олдини олиш, камчиликсиз, тез ва қулай бўлган ташхислаш усулларини топиш, муаммоларни таҳлил қилиш ва сабабларни аниқлаш ҳамда машиналарнинг бузилишларини олдини олиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиши.

Үқув фаолиятидан кутиладиган натижалар: Ташхислаш усуллари ва қайси усулни қўллаш орасидаги муносабатларнинг ижобий ва салбий томонларини қўрсатиб беради; энергетик воситалар, ишчи машиналар ва ускуналарнинг техник холатини аниқлашда ташхислашнинг аҳамиятини очиб беради; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилиш ечимларини топади.

Ушбу кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан тингловчилар қуидаги билим ва қўниқмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Тингловчи билиши керак: машиналар тизимидағи агрегатларнинг түзилиши, техник- иқтисодий қўрсаткичларини, уларнинг оптималь параметрларини аңқлаш усулларини, технологик жараёнга қўйилган агротехник талаблар ва уларни ижро этиши қодаларини, диагностика ўтказишга зарур бишган жиҳозларни ва улардан фойдаланиши.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; вазиятларни тўғри ажратади; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослади, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

Тингловчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейс-стадининг тавсифномаси:

Ушбу кейс-стадининг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, фундаментал ва умум техника фанлари, трактор ва автомобиллар тузилиши, қишлоқ хўжалиги машиналари каби фанларидан олган билим ва кўникмалари асосида баён этилган. Кейс-стадининг асосий обьекти машина-трактор агрегатлари техник ҳолатини ўзгариши ва қодик ресурсни аниқлаш учун ташхислаш жараёни оралиғидаги муносабатларга йўналтирилган. Бу ташкилий институционал кейс-стади бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, назарий машғулотга мўлжалланган ўқув мавзуу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Ушбу кейс-стадидан “Қишлоқ хўжалиги техник тизимлари менежменти” модулининг “Машиналарнинг техник тавсифи” мавзусидаги дарсда фойдаланилади.

Кейс-стадидан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-методик таъминоти ўзгарганида қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлар рўйхати: қишлоқ хўжалиги машиналари, трактор ва автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш.

II. Кейс-стади:

«Ташхислаш – машиналарнинг техник ҳолтини аниқлаш ва унинг ишлаш муддатини узайтиришга таъсирини илмий асослаш»

Техник ташхислаш – илмий фан йўналишларининг бири бўлиб, у ҳар қандай обьектни ўрганиш асосида унинг техник ҳолатини кўрсатадиган параметрларини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш ва машиналарни қисмларга бўлмасдан яхлит ҳолда техник баҳолашга қаратилгандир.

Техник ташхиснинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши деталларни тайёрлашда, таъмирлашда техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Бугунги кунда ташхислаш усуллари ўзининг амалийлиги билан машиналарга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш обьектларида кенг қўлланиб келинмоқда. Энг оддий механик ташхислашдан бошлаб мураккаб-электрон комплекс ташхислаш ускуналари яратилганки, улар машиналарни носозликлар сабабли туриб қолишларини 1,5...2 марта, таъмирлаш харажатларини эса 1,3...1,5 баробар камайтиришга олиб келган бўлса, двигателларнинг ишлаш муддатларини 5000 мотосоатга оширди. Сўнгги йилларда механик ташхислаш ускуналарида мавжуд бўлган камчиликлар (катта меҳнат сарфи, агрегатларни, механизмларни қисман бўлсада бўлакларга ажратиш зарурияти) туфайли янги динамик усуллардан, электрон жиҳозлардан фойдаланиш асосида ривожланиб бормоқда.

Техник ташхислаш тизими ва кетма-кет назорат қилиш, деталларни тайёрлаш давридан то машиналарни йиғиши ва улардан фойдаланиш ва таъмирлашгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Бунда, ҳар бир босқичда алоҳида, бир-бiri билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилади ва биринчи босқич кўрсаткичи иккинчи босқич учун асос вазифасини ўтайди.

Деталлар ишлабчиқараётган завод ва таъмирлаш обьектларида техник ташхислашнинг асосий вазифаси деталларни талаб даражасида тайёрланиши, механизм-агрегатларнинг йиғилиши ва чиниқтирилиши сифатини аниқлаш, ташхис параметрлари қийматларининг қўйилган талабга мослигини назорат қилишдир.

Янги ёки таъмирдан чиқсан машиналарни баҳолашнинг кетма-кетлиги қуидагида бўлади: **биринчи** даврда – механизм ва алоҳида олган узелларнинг техник кўрсаткичларининг назорати; **иккинчи** даврда – машина агрегатлари (двигател, трансмиссия, юритиш тизими, бошқарув тизими ва ш.к.)нинг техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар қийматларининг назорати; **учинчи** даврда эса машинанинг яхлит техник ҳолати кўрсаткичлари назорат қилинади ва шу кўрсаткичлар асосида тайёрланаётган ёки таъмирланган машинанинг техник сифат кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда улар машинанинг техник паспортига бошланғич қийматлар сифатида киритилади.

Ташхисланаётган машина параметрларининг чиниқтиришдаги ва ундан фойдаланиш давридаги динамикаси техник тавсифланишда муҳим аҳамият касб этади.

Машинадан фойдаланиш даврида ўтказиладиган ташхислаш, биринчи навбатда, унинг техник ҳолатини талаб даражасида энг кам вақт ва маблағлар сарфи асосида ушлаб туришга қаратилган. **Ташхислаш машинани чиниқтиришида, ундан фойдаланиши даврида, техник хизмат кўрсатиши, таъмирлаш ва сақлашига қўйши-чиқаришида ўтказилади.**

Ўрганилаётган тизим (механизм, машина) нинг техник ҳолатини пасайишга олиб келаётган (деталларнинг емирилиши, ростлашларнинг бузилиши, ишчи органларнинг ўтмас бўлиши) параметрлар қийматларининг ўзгариш қонуниятлари асосида тизимнинг ўз функциясини ишончли бажариш имкониятлари олдиндан аниқланади – башорат қилинади. Тизимни-машинанинг техник ҳолатини тўлиқ башорат қилиш уч босқичдан иборат: ўтмишни ўрганиш, ташхислаш ва башорат қилиш. Биринчи босқичда машина параметрларининг ўтмишда ўзгариши ўрганилади. Иккинчисида-ташхислаш асосида машина параметрларининг номинал, рухсат этилган ва охирги-чегара қийматлари аниқлаб берилади. Учинчи босқичда эса машинанинг техник таъмир ёки техник хизмат кўрсатиш каби ишлар ҳажми аниқланади. Шу асосда таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш турини ўтказишга қарор қилинади ёки машинанинг қолдиқ ресурси башорат қилинган вақтдан то

күрсатилған охирги-чегара қийматларига етиб боришига олиб келадиган иш ҳажмини (ишлаш соатини) белгилайди.

Ташхислашдан олинган натижа (параметр қиймати бүйича) параметрнинг тақрибий, олдиндан белгиланған оптималь, рухсат этилған қиймати билан солиширилади. Ўлчанадиган параметрнинг қиймати катта бўлса ва вақт ўтиши билан у ошиб борса (деталларнинг ейилиши, подшипниклар орасидаги тирқишининг ошиши, солиширма ёқилғи сарфининг кўпайиши) ёки вақт ўтиши туфайли параметрнинг қиймати камайиб борса (валнинг диаметри, форсункадан ёқилғини пуркашдаги босим, двигателнинг қуввати, агрегатнинг иш унуми), параметрнинг номинал қийматини (деталларни алмаштириш, тирқишларни созлаш, босимни тиклаш орқали) тиклашга қарор қилинади.

Саволлар:

1. Башорат қилиш усулини бирма-бир келтириңг.
2. Башорат қилишда ташхис натижалариға қандай ёндашиллади?
3. Башорат қилиш усулларида бўладиган маблағ харажатларини айтинг.
4. Диагностика - ташхис тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
5. Ташхислашни қўллаш ҳолатларини келтириңг.
6. Ташхислашда техник ҳолатни белгиловчи кўрсаткичлар (параметрлар)ни санаб ўтинг.
7. Ташхислаш жиҳозлари турларини айтиб беринг.

III. Матнни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар.

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқинг. Ўқишида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.
2. Биринчи саволга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,

“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммони олдини олиш йүллари.

4. Ушбу белгилар 2,3,4,5 саволларға ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларға жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гурұхларда кейс-стадини ечиш бүйіча йүриқнома.

1. Индивидуал ечилған кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гурұх сардорини танланг.
3. Ватман қоғозларда қуидаги жадвални чизинг

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммони келиб чиқыш сабаблари	Муалиф тамонидан таклиф қилинган ечим	Гурұх ечими

**Аудиторияда бажарылған иш учун баҳолаш мезонлари ва
күрсаткичлари**

Гурұхлар рўйхати	Гурұх фаол макс. 1 б	Маълумотлар күргазмали тақдим этилди макс. 2 б	Жавоблар түлиқ ва аниқ берилди макс. 2 б	Жами макс. 5 б
1.				
2.				
3.				
4.				

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

IV. Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил

қилиш варианти

Кейс-стадидаги асосий муаммо: Қишлоқ хұжалик техникасининг техник холатини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган диагностик усуллар ёрдамида машинадан техник фойдаланишда сарфланган маблағтарни камайтириш йўллари?

Муаммони тасдиқловчи далиллар

Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини топамиз:

- диагностика- ташхис тушунчаси моҳиятини очиб бериш лозим;
- ташхислашни қандай холларда қўллашни келтириш;

- ташхис қўйишни бевосита параметрларини аниқлашни бир механизм мисолида тушунтириш лозим;
- ташхислаш усулларини таҳлил қилиш;
- 5. башорат қилиш усулларида бўладиган маблағ харажатларини келтиринг.

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқши сабаблари:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган энергетик воситалар ва машиналарнинг техник ҳолатининг пасайиб бориши;
2. Деталларни техник талаб даражасида тайёрланмаслиги, сифат кўрсатгичларининг пастилиги.
3. Ташхисланаётган машина параметрларининг чиниқтиришдаги техник тавсифномасининг номутаносиблиги

Мавзу матнида шаклланадиганмуаммони олдини олиш қўйидаги йўлларини кўрсатиб берган:

машинанинг техник ҳолатини башорат қилишда, унинг ҳолатига таъсир этадиган комплекс-жами факторлар, биринчи навбатда, бошқариш кўрсаткичларига таъсир этадиганлари ҳисобга олинади. Бу кўрсаткичлар сифатида, юқорида қайд қилинганидек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга қўйиладиган техник талаблар: параметрларнинг рухсат этилган қийматлари, шу жумладан, рухсатли емирилишлар, техник хизмат кўрсатиш даврийлиги ва б. Машинанинг ҳақиқий техник ҳолатини кўрсатувчи параметрларнинг функционал ўзгариши бўйича, жумладан, даражали функция асосида:

$$t_m = T_y - \delta, \quad (1)$$

бунда, t_m – техник хизмат ўтказилиши шарт бўлган вақт давомийлиги ёки назоратлар оралиғидаги вақт;

T_y – техник инкорлар орасидаги вақт-давомийликнинг ўртача қиймати ёки ўртача ресурс;

∂ – давомийликнинг ўртача квадрат оғиши.

Техник инкорлар орасидаги вақт қийматларининг тасодифий жойлашуви нормал қонун асосида амалга ошириладиган бўлса, 50 % машиналар эмас, балки 13,5 % машиналарнинг техник инкорликка учраш эҳтимоли бўлади. Ёки машиналарнинг 86,5 % и техник инкор қилиш ҳолатига етмасдан, олдиндан-огоҳлантирувчи техник хизмат кўрсатилади. Албатта, бу усулнинг аниқлик даражасини баланд деб бўлмайди ёки машинанинг ҳамма қисмларида бўладиган техник ҳолатларни тўлиқ ифодалай олмайди.

Машинанинг техник ҳолатини башорат қилишда, асосан, икки усулдан фойдаланилади:

- бир хил детал, механизмлар параметрлари ўзгарувчан қийматининг статистик ўртача кўрсаткичи бўйича;
- аниқ бир қисм, механизм параметрларининг ўзича-индивидуал ўзгариши бўйича.

Биринчи усул оддийлиги сабабли ундан машиналарни ташхислашда кенг фойдаланиб келинмоқда. Бунда, аввало, параметрларнинг ўзгартириб у билан боғлиқ бўлган функцияни тақрибий кўрсаткичлари белгиланади, машинанинг ўз вазифасини бажаришини инкор қилиши ва огоҳлантирувчи техник хизматлар, техник ҳолатини тиклаш билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади. Натижада, машина қисмларининг техник ҳолатини ифодаловчи параметрнинг оптимал қийматини, туркумининг эҳтимоллик хусусиятидан келиб чиқиб, шу пайтдаги фойдаланилаётган ҳақиқий ўртача ресурси ва назоратлар оралиғидаги вақт (наработка) қуидагича аниқланади:

$$G = \min \left\{ \frac{A \cdot Q(D, t_m)}{T_y \cdot (D, t_m)} + \frac{C[1 - Q(D, t_m)]}{T_y(D, t_m)} + \frac{BK_n(D, t_m)}{T_y(D, t_m)} \right\},$$

$$d < u_n$$

$$a < t_m$$
(2)

бунда, A, B, C – техник инкорга ва шу сабабли машинанинг бекор туриб қолишига, параметрни тақрибий тиклаш ва уни назорат қилишга сарф бўлган маблағ, сўм;

$Q(D, t_m)$ – параметр бўйича инкор эҳтимолини унинг номинал қийматидан рухсат этилган оғиши – D ва назоратлар оралиғидаги (наработка) вақт – t_m ;

$T_y(D, t_m)$ – техник инкорлар оралиғидаги ўртача вақтнинг номинал қийматидан оғиши – D ва назоратлар оралиғидаги вақт (наработка) – t_m ;

$K_n(D, t_m)$ – параметрнинг $T_y(D, t_m)$ давомийлигига назорат қилишлар сони.

Катта қавс орасидаги биринчи қўшма-ҳад солиштирма харажатни, техник инкорни бартараф этишдаги эҳтимоли, иккинчиси-параметрни тақрибий тиклашда солиштирма харажатининг бўлиш эҳтимоли, учинчиси эса – параметрни ўлчашларда содир бўладиган солиштирма харажатнинг эҳтимолидир. Техник талаблар – D ва t_m қийматларини ўзгартириб, изланаётган солиштирма харажатнинг G минимал қиймати белгиланади. Бунда, албатта, D ва t_m энг мақсадли, оптималь ўлчамда бўлиши назарда тутилади.

Ташхислашдан олинган натижа (параметр қиймати бўйича) параметрнинг тақрибий, олдиндан белгиланган оптималь, рухсат этилган қиймати билан солиштирилади. Ўлчанадиган параметрнинг қиймати катта бўлса ва вақт ўтиши билан у ошиб борса (деталларнинг ейилиши, подшипниклар орасидаги тирқишининг ошиши, солиштирма ёқилғи сарфининг кўпайиши) ёки вақт ўтиши туфайли параметрнинг қиймати камайиб борса (валнинг диаметри, форсункадан ёқилғини пуркашдаги босим, двигателнинг қуввати, агрегатнинг иш унуми), параметрнинг номинал қийматини (деталларни алмаштириш, тирқишларни созлаш, босимни тиклаш орқали) тиклашга қарор қилинади.

Шундай қилиб, биринчи усулдан фойдаланган ҳолда параметр қиймати ва унинг ўзгариш тезлиги ҳисобга олиниб, башорат қилинади ва

моделлаштирилади. Диагностика-ташхислар натижаси асосида эса параметр қиймати унинг рухсат этилган миқдори билан солиширилади.

Иккінчи усул – аниқ бир қисм, механизм параметрлари ўзича-индивидуал үзгариши бүйіча башорат қилинганда, ўтказилған ташхислаш натижаларига кўра, шу қисм ёки механизм параметрларининг ишлаш даврида үзгариш тезлиги аникланади. Бу усул, одатда, машинанинг белгиланган муддатда ишончли даражасида ўз функциясини бажариш қобилиятини аниклашда ва капитал таъмирлашгача бўлган унинг қолдик ресурсини белгилашда қўлланилади. Иккінчи усулнинг биринчи усулга нисбатан берадиган иқтисодий самараси юқори бўлади. Бунга сабаб ҳар бир механизм, қисмнинг параметрларини ўзича индивидуал үзгаришини ўлчашда, ташхис қўйишда бўладиган хатолик қийматининг пастлигидир. Ёки, бошқача қилиб айтганда, иккінчи усул бўйича башорат қилишнинг биринчи усулга нисбатан аниқлиги, реаллик-ишончлилигининг юқорилигидир.

Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари:

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниклангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Т - схема” жадвалини тўлдирамиз.

Кейс саволлари

- **Муаммо:**
- Машинани техник ҳолатини башорат қилишда фойдаланилган усулларда бўладиган маблағ ҳаражатлари ортиб кетди.
- Бунга сабаб нима?
- Муаммони қандай ечиш керак?
- Муаммо:**
- Ташхислаш усули нотўғри танланган.
- Бунинг оқибатида нималар келиб чиқиши мумкин?
- Муаммони қандай ечиш керак?

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиландыру (индивидуал ва кичик гурұхда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажарыладагина ишлар кетма-кетлигини белгиландыру (жуфтликтердеги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “Бирор бир техник тизимнинг ҳолатини ўрганиш учун оптималь ташхислаш усулини танланг”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1. Бевосита ташхислаш усулларини белгиланг?
- а) Иссиқли
 - б) Энергетик
 - в) Пневмогидравлик
 - г) Оптикалы
 - д) барчаси түғри



Қиёсий таҳлил

- Билвосита ёки субъектив ташхислаш усулларини қиёсланг?



Тушунча таҳлили

- Иссиқлик холатини таҳлил қилишда механизм параметрларини таҳлил қилиш бу ...



Амалий күнікма

- Техник инкорлар оралиғидаги ўртача аниқликни таққосланг?

“Инсерпт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида күлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайды.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилған инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот күринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот күринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, үз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Қишлоқ хұжалиги техник тизимлари менежменти фанидан
“Машиналарнинг техник ташхиси” мавзусини инсерт жадвали асосида
ўрганиш**

Мен билган маълумотларга мос «V»	Мен билган маълумотларга зид «-»	Мен учун янги маълумот «+»	Мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади «?»
5	2	8	2

“Венн Диаграммаси” методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан груп аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникумаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида кўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг,

иштирокчиларга түғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурұхларга бирлаштиради ва гурұх аъзоларини ўз фикрлари билан гурұхдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир түхтамга келиб, жавобларини «гурұх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишини топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурұхлар ўз ишларини тугатгач, түғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «түғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Түғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гурұх баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурұх хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурұх хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Бевосита ташхислаш усули»да жараёнлар кетма-кетлигини жойлаштириң. Үзингизни текшириб қўринг!

Ҳаракатлар мазмуні	Якка баҳо	Якка хато	Түғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Иссиқлик ёки табранму товушли					
Энергетик ёки спектр ёзувчанлик					
Пневмогидравлик					
Оптикалли ёки оҳанрабо электрили					

Топшириқ

Мақсад: Башорат қилиш усулларида бўладиган маблағ харажатларини камайтириш йулларини топиш

№	Тингловчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ассисмент топшириқлари	Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар
	Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб, қуидаги саволларга жавоб тайёрланг, топшириқларни бажаринг	тингловчилар билан ҳамкорликда ишланг
1.	Бевосита ташхислаш усулларини кетма-кетлиқда таърифланг	
2.	Билвосита ташхислаш усулларини кетма-кетлиқда таърифланг	
3.	Машина механизмларини ташхислашда қандай параметрларга асосланади?	
4.	Башорат қилиш усулларида бўладиган маблағ харажатларини айтинг?	

1-топшириқ

Башорат қилишда ташхис натижаларига қандай ёндошилади, үзаро фикр алмашинг

2-топшириқ

Башорат қилиш усулларини танлаш ва фойдаланища муқобил натижаларга эришишни ролли үйинлар орқали ифодаланг.

Қуидаги берилған саволларга кўра үзаро фикр алмашинг

1. Машиналарни тайёрлашда, фойдаланища ва ТХК да ташхислаш.
2. Ташхис натижаси бўйича машинанинг техник ҳолатини олдиндан билиб олиш. Ташхислашнинг иқтисодий самарадорлиги.
3. Деталларни, агрегатларни ҳамда машинанинг яхлит техник ҳолатини аниқлашда ташхис қўйиш аҳамиятини айтинг.
4. Ташхислашда техник ҳолатни белгиловчи кўрсаткичлар (параметрлар)ни санаб ўтинг.
5. Башорат қилиш усулларида бўладиган маблағ харажатларини айтинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Энергетик воситаларнинг тортиш кучини шаклланиши ва ундан самарали фойдаланишини назарий асослари

Режа:


- 1.1. Агрегатнинг ҳаракат тенгламаси.
- 1.2. Тракторнинг тортиш кучлари баланси ва юритгичлардаги уринма куч.
- 1.3. Тракторни ҳаракатлантирувчи кучининг графигини қуриш.
- 1.4. Тортиш балансини ташкил этувчилари.

Таянч иборалар: кучлар баланси, уринма куч, айланма момент, қаршиликлар итегиндиси, инерция, тишилашишининг етарлы бўлиши.

1.1. Агрегатнинг ҳаракат тенгламаси

Машина-трактор агрегатни бир бутун система десак, унинг узеллари, қисмлари ўзаро бикир (жесткий) ва эластик алоқада бўлади. Бу системани ҳаракатга келиши ва ишлиши унга таъсир этувчи кучларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасидир. Бунда двигател цилиндрларида ёнаётган ёқилғи энергия манбай бўлиб, у агрегатни ҳар хил юкламаларда ишишини таъминлайди. Двигателда пайдо бўладиган иссиқлик энергияси унинг механизмлари ёрдамида механик энергияга айланади ва тирсакли валдаги айланма моментни ҳосил қиласди.

Айланма момент тракторнинг куч узатувчи механизмларидан ўтиб, унинг етакловчи фидиракларига (юлдузчаларига) узатилади ва агрегатни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. У тракторни ва ишчи машинани



1-чизма. Қияликда ҳаракатлананаётган тракторга таъсир этадиган кучлар.

харакатта келтиради, натижада улар ўз жойларидан құзғаладилар, ҳаракат тезликлари ўзгаради, уларга таъсир этувчи қаршиликларни енгишга сабабчи бўлади.

1- чизмада қиялик (α - бурчаги) бўйлаб ҳаракат қилаётган тракторга таъсир этаётган ташқи кучлар кўрсатилган. Уларни қўйидагича ифодалаш мумкин:

a) тракторнинг етакчи гилдираклари билан тупроқ орасидаги ишқаланиш натижасида пайдо бўладиган, агрегатни ҳаракатта келтирувчи куч (тупроқ реакцияси) F ; қаршилик кучлари агрегатни тортишга кўрсатган қаршилиги R_a бўлиб, у ишчи машинани шатаклашдан ва ишчи машина технологик жараённи бажаришида пайдо бўладиган қаршилиқдан иборат. Трактор массасининг ғилдираклари орқали тупроққа таъсири ва унинг деформацияланиши, юритувчи қисмлардаги ишқаланишлар қаршилиги тракторнинг ҳаракатланишига кўрсатилган қаршилик P_f ; трактор ҳаракатланаётганида қиялик ҳисобига пайдо бўладиган қаршилик P_α ; тракторнинг инерция кучи P_j ;тракторга таъсир этаётган ҳавонинг қаршилиги P_x . Ушбу қаршиликларнинг йиғиндиси P_c кўйидаги кўринишда бўлади:¹

$$P_c = R_a + P_f + P_x \pm P_\alpha \pm P_j \quad (1)$$

Келтирилган қаршиликлар йиғиндисида уларнинг асосини агрегатнинг иш жараёнидаги қаршилиги ташкил этади.

б) Агрегатнинг, тракторнинг юришига перпендикуляр бўлган текисликда унга қўйидаги ташқи кучлар таъсир қиласи:

1) тракторнинг массаси – $G \cos \alpha$;

2) тупроқнинг трактор юритувчи қисмига (ғилдиракли трактор учун R_u , R_e) кўрсатган реакцияси R ;

Ишчи машинанинг қаршилиги:

¹Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson . USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign,(pp 31-32)

$$R_m = P_{kp} \cdot \operatorname{tg} \beta \cdot (2)$$

Агрегатнинг ҳаракатга келиши ва иш бажариши унинг тезлиги V , келтирилган массаси m , агрегатнинг қаршиликлари йиғинди кучи P_c ва агрегатнинг йұналиши бўйлаб таъсир этадиган куч F ларнинг қийматларини маълум бир нисбатидагина амалга ошиши мүмкін, яъни:

$$\frac{dv}{dt} = \frac{F - P_c}{m} \quad (3)$$

1. *Уибұ нисбаттнинг айнан шу күриниши агрегатнинг ҳаракат тенгламаси дейилади.* Агрегат иш шароитининг ўзгариши тупроқнинг хоссалари, ишлов бериш чуқурлигининг ҳар хиллиги, ишлов берилаётган майдоннинг нотекислиги, микрорельефларнинг мавжудлиги ва улар қийматларининг ўзгариши эхтимоллиги агрегатнинг ҳаракат тенгламасидаги кўрсаткичлар (параметрлар)ни ўзгарувчан ҳарактерда бўлишидан дарак беради.

1.2. Тракторнинг тортиш кучлари баланси ва юритгичлардаги уринма куч

Тракторнинг ҳаракат тезлиги маълум бир вақт ичida ўзгарувчи ёки ўзгармас бўлиши мүмкін, яъни:

$$V \neq \text{const} \text{ ёки } V = \text{const} \quad (4)$$

Кўп йиллик илмий изланишлар ва амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, МТА технологик жараёнларни бажараётган вақтида асосан бир текис, барқарор тезликда (тракторнинг маълум тезликка эга бўлишидаги тезланиши ва сусайиши бундан мустасно) ҳаракат қиласи.

a) Агрегат барқарор ҳаракат (ўзгармас ўртача тезлик $V=\text{const}$) қиласи деб қабул қиласиз, у ҳолда агрегатнинг ҳаракат тенгламасининг чап қисми нолга тенг бўлади, яъни:

$$m \frac{dv}{dt} = 0 \quad , \text{ унинг ўнг тарафи эса: } F - P_c = 0 , \quad F = P_c \quad (5)$$

Агрегат ҳаракатланиши учун $F_{\max} > P_c$ бўлиши шарт, унда унинг қиймати ғилдиракка қўйилган уринма куч миқдорига тенглаштириб олинади, яъни:

$$F_{\max} = P_k ,$$

бунда, P_k – трактор юриткичларидағи уринма куч, кН;

F_{\max} – трактор юриткичларининг тупроқ билан тишланиши натижасида пайдо бўлган максимал куч, кН.

Трактор қияликда ҳаракатланаётганда таъсир этувчи қучларнинг чизмасидан қўриниб турибиди (1.8- чизма), етакчи ғилдиракларга қўйилган уринма куч қуидагиларга сарфланади:

$$P_k = P_f \pm P_\alpha \pm P_x + P_u \quad , (6)$$

бунда, P_f – тракторнинг юришига кўрсатиладиган қаршилик кучи, кН;

P_α – қиялик бурчаги α га тенг бўлган $\alpha > 0$ майдонда тракторнинг ҳаракатига кўрсатиладиган қаршилик, кН;

P_x – ҳаракатланаётган тракторга таъсир қиладиган ҳаво мухитининг қаршилик кучи, кН;

P_u – тракторнинг илмоғидаги тортиш кучи, кН.

Бутенгламат тракторнинг (трактор барқарор биртекистезлиқда ҳаракатланганда) тортиш баланс итенгламаси дейилади.

б) $V \neq \text{const}$ бўлганда, яъни агрегатнинг ҳаракат тезлиги биртекис барқарор бўлмагандан, унга – инерция кучи таъсир килади, яъни:

$$m \frac{dv}{dt} \neq 0 \quad . \quad (7)$$

Агрегат ҳаракат тенгламасининг чап қисми нолга тенг әмас (*агрегатнинг ҳаракатида тезланиши ёки секинлашы ҳолатлари мавжуд*). У ҳолда тракторнинг етакчи ғилдиракларига қўйилган уринма кучнинг маълум бир қисми пайдо бўлган инерция кучини енгиш учун сарф бўлади, яъни:

$$P_k = P_f \pm P_\alpha \pm P_x \pm P_j + P_u , \quad (8)$$

бунда, P_f – агрегатнинг инерция кучи, кН.

Бу тенглама агрегат нотекис тезликда ишлагандаги тракторнинг тортиши баланси тенгламаси дейилади. Маълумки, двигателнинг тирсакли валидаги моменти M_e трансмиссия ёрдамида етакловчи юриткич аппаратларига узатилади. Натижада назарий механика қоидасига биноан момент M_0 ғилдиракларда жуфт кучларга бўлинади ва уринма куч P_k ҳосил бўлади (1.9-чизма). Уринма кучнинг ҳосил бўлишини билиб олиш учун қўйидаги шартларни қабул қиласиз: етакловчи ғилдирак текис ва қаттиқ, ҳаракатланаётган юза ҳам текис ва қаттиқ.

Етакловчи ғилдиракка қўйилган буровчи момент (M_o) ни жуфт горизонтал (P_k , P_c) кучлар билан белгилаймиз. Булардан бири ғилдирак марказига, иккинчиси эса ғилдиракка уринма шаклида қўйилган бўлади.

Етакловчи ғилдиракдаги уринма куч P_k тупроққа таъсир кўрсатиб, натижада тупроқ томонидан унга қарши кучни (P_c) юзага келтиради. Бу куч ғилдирак ҳаракатига акс таъсир кўрсатади, бу ташқи куч тупроқ реакцияси дейилади.

Уринма куч ва тупроқ реакцияси ўзаро тенглашиб қолса назарий механика қоидасига биноан қараганда агрегат ҳаракатга келмайди. Уни факат юриш аппаратининг тупроқ билан ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган ташқи куч юргизиши мумкин. Айланма моментни жуфт кучга бўлишдан пайдо бўлган иккинчи куч P_k эса, етакловчи ғилдирак ўки ёрдамида трактор рамасига берилиб, агрегатнинг ҳаракатини таъминлайди.

Шундай қилиб, трактор (автомашина, ўзиюрар шасси) нинг уринма кучи P_k илгарига йўналган бўлиб, тупроқнинг горизонтал реакцияси мавжуд (қаршилик кучи P_c) бўлгандаги ташқи куч P_k тушунилади. Унинг

қиймати агрегатнинг энергетик режимлари билан белгиланади. Етакловчи ғилдиракка қўйилган моментнинг қиймати қуйидаги факторларнинг таъсирида бўлади: [2]

$$M_o = M_e \cdot i_{tp} \cdot \eta_{tp} \quad \text{бу ердан} \quad M_e = \frac{10^4 N_e}{n} \quad (9)$$

Формула (1.39) асосида ғилдиракдаги уринма кучни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$P_k = \frac{M_o}{r_k} = \frac{10^4 N_e i_{tp} \cdot \eta_{tp}}{r_k \cdot n} \quad , \quad (10)$$

бунда, N_e – двигателнинг эффектив қуввати, кВт;

i_{tp} – двигательнинг тирсаклидан тракторнинг етакловчи ғилдиракларига ҳаракат узатиш нисбати, $i_{tp} = n / n_k$;

η_{tp} – трансмиссиянинг механик ФИК (занжир шарнирларининг ишқаланиши натижасида исроф бўладиган қувватни ҳисобга олинган ҳолда);

n – двигатель тирсакли валининг номинал тезлик режимида айланиш частотаси, мин^{-1} ;


r_k – етакловчи ғилдирак (юлдузча) нинг думалаш радиуси, м.

2.-чи зама. Етакчи ғилдиракка таъсир этувчи кучлар.

Агарда двигатель тирсакли валининг айланиш частотаси 1/с да ўлчанса, у ҳолда уринма куч қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P_k = \frac{0,159 N_e i_{tp} \eta_{tp}}{r_k \cdot n} \quad (11)$$

Формула (1.41) дан кўриниб турибдики, ҳосил бўладиган уринма



кучнинг миқдори факат тракторнинг конструкцияси ва двигателдан келаёттан моментта боғлиқ бўлади. Унинг миқдори ғилдирак ҳаракат қиласидиган ернинг ҳолатига боғлиқ эмас. Шундай қилиб, етакловчи ғилдиракка қўйилган жуфт кучларнинг (P_e , P_k) бири тупроқнинг қаршилигини енгишга сарфланади, иккинчиси эса ғилдиракнинг ўқида бўлиб, ғилдирак тупроқ тишлашувидаги Θ нуқтага нисбатан r_k елка билан ғилдиракни айлантиришга сарфланади.

1.3. Тракторни ҳаракатлантирувчи кучининг графигини куриш

Двигателда пайдо бўлган энергиядан фойдаланиш даражаси трактор конструкциясининг такомиллашганлигидан ташқари агрегатнинг иш шароитига ҳам боғлиқ. Юқорида кўриб чиқилганидек, тирсакли валдаги айланма момент (M_e) етакловчи ғилдиракларда уринма кучга (P_k) айланади. Бу кучдан фойдаланиш даражаси эса ғилдирак билан тупроқнинг тишлашиши натижасида вужудга келадиган куч (P_c) миқдорига боғлиқдир. Бу куч эса агрегат ишлаётган майдондаги тупроқнинг зичлигига, етакловчи ғилдираклар шиналарини тупроқ билан тишлашиш қобилияти қўрсаткичи – μ нинг қиймати орқали ифодаланади:

$$P_c = \mu G_t \quad (12)$$

бунда, μ – тишлашиш коэффициенти;

G_t – тракторнинг етакловчи ғилдиракларига тушадиган оғирлиги, кН.

1- жадвал

μ-қийматининг ўзгариши

Майдоннинг ҳолати	μ	
	Ғилдиракли трактор	Занжирли трактор
Кўп йиллик бўз ер	0,8...0,9	1,0...1,2
Хосили йигиб олинган ер	0,7...0,8	0,9...1,0

Шудгорланган дала	0,5...0,6	0,7
Янги шудгор қилинган ер	0,4...0,5	
Экишга тайёрланган	0,50...0,55	0,67
Бедапоя: үрилган үрилмаган	0,7 0,5...0,6	0,8 0,6...0,7
Қумлоқ; нам камнам	0,4 0,3	0,5 0,4

Трактор юриткичларининг тупроқ билан тишилашии максимал кучи (P_{cmax}) деб, юриткич аппаратларининг энг катта рухсат этилган шатаксирашидаги тупроқнинг реакцияси (қаршилик кучи) га айтилади. Унинг міңдори қуйидаги факторларга боғлиқ:


- тупроқнинг зичлигига (тупроқ қанчалик зич бўлса, P_{cmax} нинг киймати шунча катта бўлади);
- етакловчи ғилдиракларга тушаётган вертикал кучга;
- шиналар тишиларининг ҳолати ва шаклларига;
- тишилашиб юзасига.

Етакловчи ғилдираклардаги уринма кучнинг (P_k) міңдори айни пайтда тупроқнинг ҳолатига, шиналарнинг тишилари ва турларига боғлиқ бўлмайди. У двигателнинг турига, конструкциясига, узатувчи механизмларнинг фойдали иш коэффициентига, ҳосил бўлган энергия міңдорига, тирсакли валдаги айланма моментга ва шу кабиларга боғлиқдир.

Бўш тупроқларда $F \leq P_{cmax} \leq P_k$

Зич тупроқларда $F \leq P_k \leq P_{cmax}$ (13)

Шунинг учун ҳам агрегат бўш тупроқли ерда ишлаганда агрегатнинг етакловчи



ғилдиракларидаги вазнини орттириш, етакловчи ғилдиракларнинг тишлишиш юзасини кенгайтириш мақсадида олдинги күприкдаги ғилдиракларни құшиш, кейинги ғилдиракларга құшимча яна биттадан ғилдираклар үрнатиш, ишчи машинанинг оғирлигини маҳсус қурилма ёрдамида етакловчи ғилдиракларга үтказиш P_k дан түлиқ фойдаланиш борасида ўта зарур чора-тадбирлардан ҳисобланади.

Етакловчи ғилдиракларнинг тишлишиш қобилиятлари экспериментал йўл билан аниқланади ва етакловчи ғилдиракларнинг тупроқ билан тишлишиш коэффициенти (μ) орқали ифодаланади:

$$\mu = \frac{P}{G_t^{c_{\max}}} , \quad (14)$$

бунда, G_t – тракторнинг тишлишиш оғирлиги (етакловчи ғилдиракларга бериладиган вертикаль юклама), кН;

Занжирли ва ғилдиракларининг ҳаммаси етакловчи бўлган тракторларнинг тишлишиш вазни ҳаракатсиз ҳолатдаги тракторнинг оғирлигига тенгдир, яъни $G_t = G$.

Битта кўприги (ўки) етакловчи бўлган ғилдиракли тракторлардабу кўрсаткични ҳисоблаб топиш жоиз:

$$G_t = \frac{G(L - a_t) \cos a + M}{L} = \frac{2}{3} G , \quad (15)$$

бунда, L – тракторнинг бўйлама базаси, м;

a_t – тракторнинг оғирлик марказидан етакловчи ғилдиракларнинг геометрик ўқидан ўтган вертикаль текисликгача бўлган оралиқ, м;

Шундай қилиб, G_t қанчалик катта бўлса, шунчалик уринма кучдан түлиқ фойдаланишга эришилади. Юқоридаги (1.45) формуладан кўриниб турибдики, тракторнинг бўйлама базаси кичик бўлиши ва ернинг қиялиги минимал ёки умуман бўлмаслиги мақсаддага мувофиқдир.

1.4. Тортиш балансини ташкил этувчилари ва гидро-трансформаторни хисоблаш

Технологик жараённинг бажаришида тракторнинг ғилдираклари (занжири) маълум равишда тупроқни деформациялайд үа чуқурроқ из қолдиради. Тракторнинг оғирлигини енгиб уни ҳаракатга келтиришга сарф бўлган куч P_f ушбу формула билан топилади:

$$P_f = f G , \quad (16)$$

бунда, f – тракторнинг ғилдираб юришига кўрсатиладиган қаршилик коэффициенти, кН/т.

Занжирли тракторларда f нинг қиймати ғилдиакли тракторларнига қараганда кам. P_f нинг сон қиймати қуйидаги факторларга боғлиқ:

- юриткич аппаратларининг типига;
- тракторнинг оғирлигига;
- агрегат ишлаётган майдон юзасининг ҳолатига.

Занжирли тракторларда P_f қийматининг кам бўлишига асосий сабаб трактор ҳаракатланганда таянч роликлари ернинг юза қисмига ёйилиб бораётган занжир устида ғилдираши ва занжир қоплаган майдоннинг катталиги учун тракторнинг солиштирма оғирлигининг камайиши, натижада тупроқнинг эзилиши (деформацияланиши) нисбатан озлигидир.

Майдоннинг қиялик бурчаги ага teng бўлган жойда тракторнинг ҳаракатига кўрсатиладиган қаршиликни енгиш учун сарф бўлаётган куч P_α қуйидагича аниқланади:

$$P_\alpha = \pm G \sin \alpha = \pm G \frac{i}{100} , \quad (17)$$

бунда, α , i – трактор ҳаракатланадиган юзанинг қиялик бурчаги градус ёки % лар ҳисобида бўлиб, (+) белгиси трактор бурчак бўйлаб юқорига юраётганда, (-) белгиси эса пастга тушаётганда қабул қилинади.

Ҳаракатланаётган агрегатга таъсир қиласиган ҳаво оқими қаршилигини енгиш учун сарф бўлаётган тракторнинг кучи P_w шундай ифодаланади:

$$P_w = \pm C S V^2 , \quad (18)$$

бунда, С – машина шаклининг силлиқлиги ва ҳаво оқимининг унга таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент
 $C=(7...8)3,6^{-4} kN \cdot c^2/m^4$;

S – машинанинг олдинга ҳаракатланишидаги вертикал текислик бўйича кесим юзаси, м²;

V – агрегатнинг ҳаво оқимига нисбатан юриш тезлиги (шамолнинг йўналиши ва тезлигини ҳисобга олганда), м/с.

Агрегатнинг вертикал текисликдаги кўндаланг кесим юзаси унча катта бўлмаганлигидан ва агрегатнинг тезлиги ($v_{max} \approx 8$ м/с) кам бўлганлиги сабабли P_w қиймати унчалик катта бўлмайди, шунинг учун ҳам унинг таъсири, одатда, эксплуатацион ҳисобларда инобатга олинмайди.

Маълумки, агрегат технологик жараённи бажаришда бир текис, доимий тезликда ҳаракат қилмайди ва натижада инерция кучининг P_j пайдо бўлишига сабаб бўлади ва у шундай аниқланади:

$$P_j = 0,16 j K_k G , \quad (19)$$

бунда, j – тўғри чизиқли илгариланма ҳаракат тезланиши, м/с²;
 K_k – агрегат массасининг келтириш коэффициенти ($K_k = 1,1 \dots 1,1 c^2/m$) [2].

Эксплуатацион ҳисобларда агрегатнинг ўрнидан қўзғалиш қаршилигини енгиш учун зарур бўлган тезланиш j (м/с²) қўйидагicha ҳисобланади:

$$j = \frac{\xi \cdot V_n}{3,6 G} , \quad (20)$$

бунда, ξ – коэффициент (7.14 кН/с);

V_n – трансмиссиянинг берилган узатмасида агрегатнинг назарий тезлиги, км/соат.

Тракторнинг илмоғидаги тортиш кучи P_u агрегат барқарор (яъни $\nu = const$) ҳаракатланганда қўйидаги ифодадан топилади:

$$P_u = F - P_f \pm P_\alpha \pm P_w \quad (21)$$

Маълумки, тишлишиш етарли бўлганда, $F = P_k$ ва ҳаво қаршилиги ҳисобга олинмаса, у ҳолда трактор илмоғидаги куч:

$$P_u = P_k - P_f \pm P_\alpha \quad (22)$$

Юқорида келтирилған ўзаро боғлиқликларнинг аналитик ифодалари трактор ва қишлоқ хұжалиги машиналарининг тортиш хоссалари, механизациялашган ишларнинг сифатли ва энг кам меңнат ҳамда маблағ сарфлаб технологик жараённи бажариш учун машина-трактор агрегатларининг таркибини(3 - чизма.) гидростатик узатмадаги моментни анықлашда ва тузишда қўлланилади

Гидростатик узатмадаги моментни анықлаш.

Барча Гидростатик узатмаларни тўрта турларга булиш мумкин [2]:

2

1. Қўзғалмас ўрнатилған насос ва моторли
- 2.Кўзғалувчан насос ва қўзғалмас ўрнатилған моторли
3. Қўзмалмас ўрнатилған насос ва ўзгарувчан ўрнатилған моторли
4. Ўзгарувчан ўрнатилған насос ва моторли

Қуйидаги тенгламалар тармоқлараро алоқалар гидростатик узатиш бошқариш. тезликни нисбати

$$N_m = (e_{mv} e_{pv}) \frac{D_p}{D_m} N_p$$

Қуйидаги икки тенгламалар муносабатларини бошқариш:

-
1. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois
Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster
The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the. (pp331-333). ²

$$T_m = (\epsilon_{pt} \epsilon_{mt}) \frac{D_m}{D_p} T_p$$

$$T_m = \frac{\epsilon_{mt} D_m \Delta p}{2\pi}$$

Бу ерда

Н_n -насос (киритиш) тезлиги, айл/м(м/с);

Н_m -Двигател (чиқиши) тезлиги, айл/м(м/с);

ϵ_{xc} - насоснинг ҳажмий самарадорлиги;

ϵ_{mc} – двигалтепнинг ишлаш самарадорлиги;

ϵ_{nc} – насоснинг буровчи моменти самарадорлиги;

ϵ_{dc} – двигателнинг буровчи моменти самарадорлиги;

D_c –насоснинг сифими, см³;

D_m –двигателнинг сифими, см³

Δp - насос ва двигатели босимлари ўртасидаги фарқ МПа;

T_n - насоснинг буровчи моменти;

T_m - двигателнинг буровчи моменти;

1-тоифа Гидростатик узатиш насос оқими қисми двигател юз қайтган бўлса, бу имконсиз тезлиги натижаларини ўзгартиришга қиласи; Шундай қилиб, 1-турдаги узатиш камдан-кам ҳолларда ишлатилади.


Расмда 4 кўрсатилгандек 5-тоифа- Гидростатик ва адабиётлар гидростатик узатиш, тезлик ва йўналишини назорат қилиш имконини беради. Насоси

ишилаш этказиб бериш қарама-қарши йүналишда этказиб бажариш учун нолга бир йүналишда түлиқ этказиб бериш бүйича фарқ қилиши мумкин. Трансфер 2-тоифа доимий момент узатиш түлиқ тезлиқда максимал электр узатиш қувватига учун, узатиш максимал рухсат этилган босим фарқи, П. да оператсия қилиниши керак.


Д.П.Маковитский чиқиши тезлигини камайтириш камаяди бўлса, чиқиши момент оширишни (4-расм) кўрсатади эмас. Шундай қилиб, тизимда узатиш қобилияти кам камаяди.

2 турдаги узатиш тезлиги билан. бундай трансфер оғир-транспорт воситалари учун фойдаланиш учун бўлса эди, жуда катта насос ва мотор паст тезлик билан етарли куч таъминлаш учун зарур бўлади. 2-тоифа трансмиссион кенг тарқалган электр талаблар чекланган газон тракторлар, ишлатиладиган. Оғир йўл транспорт воситалари мунтазам электр узатиш линиялари учун зарур. Бундай доимий электр узатиш каби барчаси илгари муҳокама қилинди.

Гидростатик узатиш тури 4 трактор узатиш, масалан, шиддатли шароитларда ишлатилади. Ўзгармайдиган депласманли насоси ажойиб тезлиги назорат ва фарқли равишда беради. насос ўзгариш тезлигини камайтириш камаяди бўлса,



4-чизма. Гидростатик трансмиссиянинг узгарувчан урнатилған насоси ва узгармас урнатилған дөвгателининг тезлик ўзгариш тавсифи



5-чизма. Гидростатик трансмиссиянинг узгармас урнатылган насоси ва узгарувчан урнатылган дөвгателининг тезлик ўзгариш тавсифи

Рухсат этилган бир жой ўзгартириш насоси ва ўзгармайдыган мотор билан Гидростатик узатиш хусусиятларини тезлиги ўзгариши.

Трактордаги буровчи моментнинг ўзгариши билан унинг тезлиги ҳам ўзгаради. Гидросттик транмиссиянинг 3 турида ҳам буровчи моментни түғри ростлаш мұхим ақамиятга эга. 3-чизмада гидростатик транмиссиянинг назарий жиҳатдан тезлик ўзгариши көлтирилген. Насос ва двигателнинг фойдали иш коэффициенти паст тезликларда буровчи момент ҳисобига юқори тезликларга қараганда камроқ бўлади. Транмиссиянинг самарадорлиги факатгина юқори тезлик ўзгариши билан баҳоланмайди. 6-чизмада тракторларда фойдаланиладыган гидростатик транмиссияларнинг узатмали серияли тури кўрсатилган. Гидростатик транмиссияларнинг бу турида тезлик ўзгаришини танлаш қолган турларига нисбатан фарқланади. Бунда насос ва двигателнинг қай даражада жойлашиши мұхим ақамиятга эга. 3-чизмада айнан шу турдаги транмиссиянинг узатмаларининг бурилишдаги тезлик ҳолати кўрсатилган. Ушбу чизмада кўрсатилган бурилиш тезлигини оператор белгиланган ўзгариш даражаси бўйича ростлайди. Тракторларда бу трасмиссияларни қўллагандан фойдали иш коэффициенти юқори бўлмайди. 0 Гидростатик транмиссияларнинг самарадорлиги қуйидаги кўринишда бўлади. $e_t = e_{tk} * e_{mk} * e_{my} * e_{mt}$. Агар шу турдаги трасмиссияга кираётган қувватдан фойдаланиш 0.95 бўлса, транмиссиядан чиқаётган қувватдан фойдаланиш даражаси 0.81 ни ташкил этади. Гидростатик транмиссияларда тезлик миқдорини ўзгариши билан унинг қувват самарадорлиги ҳам камайиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Агрегатни ҳаракатта көлтирадыган кучни ошириш омиллари?
2. Ҳаракатдаги тезликнинг ўзгариши қандай оқибатларга олиб келади?
3. Юритувчи ғилдиракка қўйилган кучнинг миқдори двигател қувватига түғри пропорционал, шу түғрими?

4. Етакловчи ғилдиракларнинг сирпанишини камайтирувчи омилларни айта оласизми?
5. Нима сабабдан занжирли тракторнинг тупроқ билан тишлашиши ғилдиракли тракторнидан яхшироқ?
6. Изоҳлангчи, нима сабабдан ғилдиракли тракторлар тупроқни кўпроқ зичлайди, унинг сон миқдорини биласизми?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the. (pp331-333).
3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Обидов А. Машина-трактор паркидан фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

2-мавзу: Қишлоқ хўжалик техникаларидан ресурс тежамкорлик асосида фойдаланишга тизимли ёндошув принциплари

Режа:

- 2.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиб олиш технологик хариталарини тузишнинг назарий асослари.
- 2.2. Комплекс механизациялашдаги машиналар тизими.
- 2.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини лойиҳалаш принциплари.

Таянч иборалар: комплекс механизациялаш, машиналар тизими, индивидуал механизациялаш, энергия, меҳнат ва маблағлар сарфи, оптимал мухлат, узлуксиз оқим, энг кам юқ оқими, жараёнларни лойиҳалаши.

2.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиб олиш технологик хариталарини тузишнинг назарий асослари

Қишлоқ хўжалигига турли хил маҳсулотлар (пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари, мева ва ш.к.) етиштирилади. Бу эса шундай маҳсулотларга бўлган ахоли ва саноат ишлаб чиқариши эҳтиёжларини қондириш зарурияти билан изоҳланади. Етиштириладиган маҳсулотларнинг сифатли ва катта миқдорда, кафолатланган бўлишини таъминлаш, ўз навбатида, фан ва техника ютуқларидан тўлиқ фойдаланган ва илмий асосланган режаларни ишлаб чиқишиңи тақозо этади. Шундай режалардан бири – бу маҳсулот етиштириш ва уни йиғиб олиш технологик харитаси бўлиб, уни намунавий шаклда ишлаб чиқиши марказий илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари томонидан амалга оширилади. Бу хаританинг амалийлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш шароитининг (ер майдонининг ўлчамлари, тупроқ тури ва шўрланганлик даражаси, сизот сувларнинг юзага яқинлиги, иссиқлик ва сув билан таъминланганлиги ва х.к.) ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш минтақавий сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаларида ишлаётган олим ва мутахассислар томонидан унга аниқ ўзгартиришлар киритилиб, минтақада ишлаб чиқариш, кафолатланган ва юқори ҳосил олиш, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган маблағ миқдорининг кам бўлиши каби кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Технологик харита (2.1-жадвал) қўйидаги маълумотлардан ташкил топган:

- айнан бир экин маҳсулотини етиштириш ва йигиб олишда кетма-кет бажариладиган технологик жараёнлар;
- ҳар бир технологик жараённи бажаришда амал қилинадиган агротехник талаблар, уларнинг меъёрий миқдорлари, ишнинг физик ва шартли ҳажмлари ҳамда ўлчов бирликлари;
- технологик жараённи бажариш муддати, давомийлиги ва иш кунлари;

2.1. Пахта (дон, сабзавот,) етиштириш ва ҳосилни йигиб олиш технологик харитаси

Ер майдони, га - , ҳосилдорлик, га/ц - , ялпи ҳосил, т -

Т/р.	Техноло- гик жараёнлар	Агротехник талааблар	Технологичи- ки балансарни, %, даражаси	Технологик жараённинг ни ҳадоди улоғи байранни		Шартни этакони, техника указани көнфирмени- шил ҳозяйни, шартни т. т.з.	Агрегат таркиби, русуми	Агрегатни бончарувларни	Технологияни бажариш		Агрегатнинг иш унуми, га , т ва х.				
				ни ҳадоди	улоғи байранни				трактор	ишчи машина					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Жараённи бажариш учун зарур						Мехнат сарфи киши, соат			Ёқилғи сарфи кг			МТА дан фойдаланишдаги маблағ сарфи мингсүм					
трактор	Ишчи машинаси	механикатор	ёрдөлсон инчи	трактор	кути	корнек-сынсан	баландланған инчи бончарнига	инновонг түзүлүк хозяйства	бір сұхбата	инчи боржимат	инновонг түзүлүк хозяйства	автоматикалык шартынан	шартынан	даражаси	МММ матерналарни	МТА сақтана	Жами
17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34

Технологик хаританинг асосий кўрсаткичлари. Бир э. га сарф бўлган: - мөхнат, - ёқилғи мойлаш материаллари, - эксплуатацион харажатлар. Машина-трактор агрегатларининг йиллик юкланмаси: - э. га, физик ўлчамда.

- технологик жараённи бажаришда фойдаланиладиган трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобил тамғалари, уларни бир соатда, сменадаги иш унумлари, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- технологик жараённи бажаришдаги меҳнат ва ёқилғи, мойлаш материалларининг сарфи[4], иш бирлигига ва тўлиқ ҳажмига кетган эксплуатацион (механизатор ва ёрдамчи ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳаки, амортизацион ажратмалар, агрегатга техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмир ўтказиш ва сақлашдаги маблағ сарфи ва ёқилғи, мойлаш материаллар сарфининг қиймат кўриниши) харажатлар.

Марказий илмий-тадқиқот институтлари ва минтақаларда жойлашган уларнинг бўлимлари, жойлардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш мутахассислари билан ҳамкорликда келажакка, яъни 5йилга мўлжалланган истиқболли технологик хариталарни ишлаб чиқадилар. Уларда янги, истиқболли технология ва техникаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кейинги йилларда пайдо бўлган тажрибалар натижаларидан самарали фойдаланиш каби масалалар ўз ифодасини топади.

Технологик харита турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда машина-трактор агрегатларидан фойдаланишни режалаштиришга асос яратади. Бунда ҳар бир технологик жараённи бажариш учун энг қулай, оптималь таркибли ва кўрсаткичга эга бўлган агрегатларни тузиш имкониятидан фойдаланиб, турли мезонлар бўйича (иш бирлигига минимум маблағ сарфи, меҳнат ёки энергия сарфи, максимал иш унумига эришиш, тупроқни минимум зичлаш ва х.к.) уларнинг зарурий миқдорлари ва келажакда олинадиган машина механизмлар турлари аниқланади. Технологик харитани ишлаб чиқишида ҳар бир экинни етиштириш учун қўлланиладиган илғор технологиялар асосан экинларни тезпишарлиги, касалликка чидамлилиги, серҳосиллигини таъминлаш каби талабларга жавоб бериши керак.

Бажарилиши зарур бўлган технологик жараёнларнинг тартиб рақами (1-устун), жараёнларнинг ўзи эса 2-устунда келтирилади ва улар экин етиштириш ва йифиб олишда бажариладиган жараёнларнинг намунавий технологик харитасидан қабул қилинади. Агротехник талаблар (3-устун) хар

бир технологик жараён учун адабиётлардан фойдаланиб ёзіб борилади. Режалаштириладиган технологик жараённи бажарилиш даражаси (4-устун) аник шароитни ҳисобға олган ҳолда белгиланади. Ҳар бир технологик жараённи иш ҳажми (5-устун) берилған әкін майдонига боғлиқ бўлиб, унинг микдори бўйича аниқланади ва ўлчов (6-устун) бирлиги кўрсатилади. Йил давомида тракторларнинг агрегат таркибида бажарган ишларини ягона ўлчовга келтириш учун шартли этalon гектар (э.га) иш ҳажми қабул қилинган. Ана шу иш ҳажмини бажаришга сарфланган қувватдан (40-45 кВт·с/га) кам ёки кўп энергия сарфланишига қараб физик иш ҳажмини шартли этalon гектарга ўтказиш коэффициентини микдори аниқланади, яъни:

$$\Omega_{\text{э.га}} = \Omega_{\Phi} \cdot K_{\text{э.га}}, \quad (1)$$

бунда $\Omega_{\text{э.га}}$ – иш ҳажми этalon гектарда, э.га;

Ω_{Φ} – иш ҳажми физик ўлчовда (га; т; т·км; м³);

$K_{\text{э.га}}$ - физик иш ҳажмини этalon гектарга ўтказиш коэффициенти бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

Ушбу харитани ҳисоблари биргина технологик жараён мисолида бериб борилади. Қолган жараёнларнинг ҳисоб натижалари бира тўла технологик харита катакларига киритилади.

Шартли этalon гектарга ўтказадиган коэффициент $K_{\text{э.га}}$ қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{э.га}} = \frac{W_{is}}{W_{e:r}} \quad (2)$$

бунда W_{is} – i- ишни s-типпдаги агрегат томондан бажарилганидаги иш унуми;

$W_{e:r}$ – этalon трактор базасида тузилған агрегатни иш унуми.

Агрегатни бажарган иш ҳажми шартли этalon гектарда (8-устун) ишнинг физик ҳажмини (5-устун) шартли этalon гектарга ўтказадиган коэффициент ($K_{\text{э.га}}$) га кўпайтириш орқали (1) топилади.

Шартли этalon трактордеб шундай трактор қабул қилинганки ва унинг базасида тузилған шудорлаш агрегати бир соатда бир гектар ерни қуйидаги шароитда шудгор қиласи: кН тупроқни қаршилик кўрсатиш қобилияти

$K_o=50\text{кН/m}^2$; агрегатни харакат тезлиги $v_u=1,39 \text{ м/с}$; ишлов беріш чуқурлиғи $\alpha=0,20...0,22 \text{ м}$; ишлов берилеётта қатламдаги тупроқни намлиги $\omega=20...22\%$; қиялик даражаси бир градус (1°) гача; майдонни шакли түғри бурчакли түртбурчак; майдоннинг узунлиги $L= 800\text{м}$; майдоннинг деңгиз сатхидан баландлиги $h=200\text{м}$ бўлиб, унда тошлар ва ишловга зарари тегадиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Технологик жараённи бажариш учун агрегат ва унинг таркиби аниқланади. Агрегат танлашнинг асосий мезонлари талабларига риоя қилиш (эксплуатацион ҳаражатларни минимум бўлиши, максимум иш унумига эришиш, тупроқни зичлигини камайтириш, энергия тежамкор бўлиши ва б.) зарур. Қабул қилинган трактор ва уни базасида тузилган агрегат технологик жараёнга қўйилган агротехник талабларни тўлиқ бажариши керак. Агрегатни танлаш ва уни ҳисоблаш, таркибидаги машиналар сонини аниқлаш мавжуд усулларни биридан фойдаланиб мақсадга эришиш мумкин.³

Ҳисоблаб топилган агрегат таркибидаги танланиб олинган трактор ва қишлоқ хұжалик машинаси технологик харитани 9 ва 10 устунларига киритилиб қўйилади. Агрегатни бошқариш учун зарур бўлган механизатор ва ёрдамчи ишчилар (11-устун) сони бажирилаётган технологик жараённи ҳусусиятига боғлиқ ҳолда аниқланади ёки таълуқли адабиётлар ва тавсиялар асосида қабул қилинади.

Режадаги экин ҳосилдорлигига ўз навбатида ҳар бир технологик жараённи энг қулай пайтда ва аниқ муддатларда бажарилишини тақазо этади. Жараённи давомийлиги, яъни неча кунда амалга ошириш зарурияти технологик жараённи ҳусусиятидан келиб чиқиб аниқланади. Бу маълумот (12-13-устунлар) намунавий технологик ҳаритадан олинса ҳам бўлади. Жараённи бажараётган агрегатнинг бир соатлик иш унуми аналитик усулда аниқланиши мумкин [5]:

а) майдонга ишлов берәётган агрегатнинг иш унуми(W_c):

$$W_c = C_v B_k \cdot \beta \cdot V_h \cdot \varepsilon_v \cdot \tau; \text{ га/соат}, \quad (3)$$

³Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson . USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.(pp 1-5)

бунда C_v – тезликнинг ўлчов бирлигига бөглиқ бўлган коэффициент ($C_v=0,1$; $C_v=0,36$);

B_k - ишчи машинанинг конструкцион қамров кенглиги, м;

β – конструкцион қамров кенглигидан фойдаланиш коэффициенти; ($\beta=1$; $\beta<1$; $\beta<1$);

V_i –тракторни назарий ҳаракатланиш тезлиги, км/соат [4];

ε_v –назарий тезликдан фойдаланиш коеффициенти, $\varepsilon_v=V_i/V_h$, $\varepsilon_v<1$;

T – смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти, [4];

Масалан, маҳаллий ўғит учун қазиладиган чуқурни ПЭ-0,85 агрегати ёрдамида амалга оширилади. Унинг бир соатлик иш унуми қуйидагича аниқланади:

$$W_c = v \gamma \varphi n = 0,85 \cdot 10 \cdot 0,8 = 6,4 \text{ тонна/соатбўлади.}$$

v - юклагич ковшининг хажми m^3 ;

γ - тупроқнинг хажмий оғирлиги kg/m^3 ;

φ - юклагич ковши хажмидан фойдаланиш коэффициенти;

n - бир соатда бажариладиган юклашлар сони.

б) Агар майдонда ишлайдиган агрегат айни бир пайтда двигателни қувватидан машинани тортишга ва унинг ишчи органларини ҳаракатга келтириш учун сарфланса:

$$W_c = 0,36(N_e \cdot \xi_{(кем)} - \frac{N_s}{\eta_s}) \eta_t \tau / k \quad \text{ёки} \quad W_c = 0,36 N_e \cdot \xi_d (1 - \varepsilon_b) \eta_t \tau / k, \quad (4)$$

(масалан, маккажӯхори ўриб-йифиб олиш, бедани ўриб майдалаб йиғиш ва ш.к.), унда агрегатни иш унумини қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофик бунда N_e – двигателнинг самарали қуввати, кВт;

ξ_d – двигателни юкланиш коэффициенти;

N_b - қувват узатувчи валда сарфланган қувват, кВт;

η_b – қувват узатувчи вал тизмини ФИК бўлиб, шу тизимда сарфланаётган қувватни ҳисобга олади;

K - агрегатни солишишима қаршилиги, кН/м;

η_t –тракторнинг ФИК;

ε_b – қувват узатувчи вал орқали берилаётган қувват бўлиб, у самарали қувватни қанча бир қисмидир.

в) Қишлоқ хұжалиги маңсулотларини етиштириш ва йиғиб олишда албатта транспорт ишлари ҳам амалга оширилади, масалан: уруғларни, минерал ва органик үғитларни, экинлардан чиқкан ҳосилларни ва ш.к ташиш. Шунда транспорт агрегатларидан фойдаланилганда уларнинг бир соатлик иш унуми – W_c , транспорт воситасининг юк күтариш қобилиятига Q_{io} (т), юк күтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти миқдорига K_{io} , транспорт агрегатини юкландырып қалған қолдаги харакат тезлигига V_u (км/с), смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти миқдорига түғри пропорционал бўлиб, у шундай ифодаланади:

$$W_c = Q_{io} \cdot K_{io} \cdot V_u \cdot t, \text{ т·км/соат} \quad (5)$$

Агар транспорт воситасини иш унумини бажарилган иш ҳажмида талаб қилинса, у ҳолда агрегатни бир соатли иш унуми (т/соат) юк ташиладиган масофаларни ўртача күрсаткичи ($\ell_m = 4$ км дейилса) га бўлиш орқали аниқланади:

$$W_c^m = W_c / \ell_m, \quad (6)$$

бунда, W_c^m – транспорт воситасини бир соатдаги иш унуми, т/соат;

ℓ_m - юк ташиладиган масофаларни ўртача қиймати, км;

г) Юкларни ташишда бўладиган ортиш-тушириш ишларини механизм, машина-трактор агрегатлари ёрдамида бажарилса, уларни иш унуми қуидагича аниқланади:

- агар юк ортқич (масалан ПЭ-0.8, ПУ-0.5) даврий (цикл) ишлайдиган бўлса, унинг бир соатли иш унуми:

$$W_c = 3,6 V_c \cdot K_c \cdot \rho \cdot n_g / T_{cm} \quad (7)$$

бунда V_c – кўтарувчи-ортувчи ишчи орган (ковш) ни сифими, m^3 ; $V_c = 0.8 m^3$

K_c – ишчи орган сифимидан фойдаланиш коэффициенти; $K_c = 0.9$

ρ – юкнинг зичлиги, $\frac{kg}{m^3}$; $\rho = 0.8 \frac{t}{m^3}$;

n_g – бир сменада бажариладиган давр(цикл)ларнинг сони; T_{cm} – агар юк кўтаргич-туширгич узлуксиз оқимда юклайдиган (тасмали, шнекли, транспортёр) ёки тушириладиган бўлса, унинг иш унуми (т/с):

$$W_c = 3,6 q \cdot v_u \quad (8)$$

бунда q – юк туширувчи (ортувчи) транспортёр тасмасини бир метр узунлигіда жойлашған юкнинг оғирлиги, $\frac{kg}{m}$;

v_{tr} – транспортёр тасмасини чизикли теңлиги, м/с.

Технологик жараёнларни бажаришдаги зарур МТА ни анықлаш.

2-устунда келтирилгантехнологик жараёнларни бажариш учун зарур бўлган агрегатлар (17...22-устун) трактор, тиркагич, ишчи машина турлари ва уларнинг сони технологик жараённинг турига ва иш ҳажмига ҳамда иш бажарилишини ташкил этилишига, яъни режалаштирилган ишнинг бажариш муддати, ишчи кунлар ва иш кунининг давомийлигига боғлиқ. Берилган агро- муддатда режалаштирилган иш ҳажмини бажариш учун керак бўлган тракторлар сони n_{tr} қуидагича анықланади:

$$n_{tr} = \frac{\Omega_{\phi}}{W_c \cdot T_{cm} \cdot K_{cm} \cdot D_u} \quad (9)$$

бунда Ω_{ϕ} - режадаги ишнинг физик ўлчовдаги ҳажми, га; т; т·км; м³;

K_{cm} – иш кунини неча сменадан иборат эканлигини кўрсатадиган коэффициент, ($K_c = 1...3$);

$$K_{cm} = \frac{m_k}{m_{cm}}, \quad (10)$$

бунда t_k – агрегат ишләётган куннинг давомийлиги, соат;

T_{cm} – бир сменани давомийлиги, соат.

$n_{tr}=0,982$ натижани тракторга бўлган талаб 17-устунга киритамиз:

D_u – технологик жараённи бажаришдаги ишчи кунлар бўлиб у шундай анықланади:

$$D_u = D_k \cdot \alpha_m \cdot \alpha_g \quad (11)$$

бунда D_k – агромуддатдаги кунлар сони;

α_m – иш бажарилишига акс таъсир этадиган табиий ҳолатларни ҳисобга оладиган коэффициент;

α_g – агромуддатдаги дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга оладиган коэффициент;

Ҳисоб натижасида тракторлар сони n_{tr} бутун сон бўлмаслиги мумкин, уни яхлитлаш яъни бутун сонга келтириш тавсия этилмайди.

Агрегат таркибидаги тракторнинг ҳисоблаб топилған сони қишлоқ хұжалиги машиналари (ишчи қурилмалар) ва ёрдамчи тиркамалар сонини аниклашда асос бўлади яъни:

$$n_m = n_{mp} \cdot n_m^1 \quad (12)$$

бунда n_m – технологик жараённи бажариш учун зарур бўлган ишчи машиналар сони;

n_m^1 – бир агрегат таркибидаги ишчи машиналар сони;

Жараённи бажаришга қатнашаётган ишчи машиналар сонини катта бутун сонга ($0,982 \approx 1,0$ та) яхлитлаш мумкин. Агрегат таркибидаги машиналар сони n_m^1 уларни тракторга улаш учун зарур бўлган тиркамани турини, русмини танлашга асос бўла олади.

Харитадаги трактор куни (21) режалаштирилган жараённи бажариш учун битта трактор неча кун сарфлашини билдиради ва қуийдагича аникланади:

$$n_T = n_{mp} D_u \quad (13)$$

Агар ҳар бир технологик ва турли жараённи агрегат томонидан бир смена давомида бажарилиши маълум бир меъёр (норма) қўйилған бўлса, унда агрегатни неча норма-смен вакт сарфлаш кўрсаткичи (23-устун) ҳам аникланади. Бунинг учун ушбу ифодадан фойдаланамиз:

$$n_{nc} = \frac{\Omega\Phi}{W_{cm}} , \quad (14)$$

бунда W_{cm} – агрегат томонидан бажарилаётган ишда унинг бир сменали иш меъёри, га/см; т/см; м³/см;

Махсулот етиштиришда бажариладиган ишларга сарф бўлган меҳнат, маълум даражада, ишлаб чиқаришни механизациялашган даражасини ҳам ифодалайди. Унинг микдори бажарилған иш бирлигига (Н) ёки ишнинг тўлиқ ҳажмига (24-устун) аникланган бўлиши мумкин/5/:

$$H = \frac{m_m + m_{\delta}}{W_c} , \quad (15)$$

бунда Н – бажарилған иш бирлигига сарф бўлган меҳнат, киши·соат/га; киши·соат/т; киши·соат/м³;

T_m – агрегатга ҳизмат кўрсатувчи механизатор ва ёрдамчи ишчилар сони, киши.

W_c – агрегатнинг бир соатли иш унуми, $\frac{га}{с}; \frac{м}{с}; \frac{м^3}{с}$

Режалаштирилган ишнинг түлиқ ҳажмини бажарилишига сарфланган мөннен орналаған миқдори қуидаги аниқланади:

$$\sum H = H \cdot \Omega_\phi, \quad (16)$$

бунда Ω_ϕ -бажарилиши зарур бўлган иш ҳажми, га; т; тм; m^3 .

Технологик харитада бажарилиши режалаштирилган ишларнинг бажарилишида иш бирлигига (23 устун) сарфланган ёқилғи миқдори Θ қуидаги аниқланиши мумкин:

$$\Theta = \frac{G_u \cdot T_u + G_c \cdot T_c + G_o \cdot T_o}{W_{cm}}, \quad (17)$$

бунда G_u , G_c , G_o -мос ҳолда, асосий ишни бажаришда, бурилиш ва пайкалдан пайкалга ўтишда ҳамда двигател ишлаб турган вақтдаги тўхташларга сарфланган ёқилғи, кг/соат [а];

T_u , T_c , T_o -пайкалда агрегатни фойдали иш бажарилишига, салт юришларига ва тўхташларига смена вақтини сарфи, соат.

Ёқилғи сарфининг ишни түлиқ ҳажмини (27 устун) бажарилишидаги мөннен орналаған миқдорини аниқлаш учун иш бирлигига сарфланган ёқилғи (26 устун) ни режалаштирилган ишнинг түлиқ ҳажми (5-устун) га кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$Q = \Theta \cdot \Omega_\phi, \quad (18)$$

бунда Q - режалаштирилган ишнинг түлиқ ҳажми (га; т; т·км, m^3) ни бажаришга сарфланган ёқилғи миқдори, кг;

Агрегат қишлоқ хұжалигыда бир суткада қандай ишларни бажарганига қараб унинг сарфланган ёқилғи мөннен орналаған миқдорини (26 устун) қуидаги аниқлаш мумкин:

$$Q_{сут} = Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n, \quad (19)$$

бунда $Q_{сут}$ – бир суткада сарфланган ёқилғи миқдори, кг/сут;

Q_1 , Q_2 , Q_n – агрегат томондан биринчи, иккинчи ва n -ишларни бажариши учун сарфланган ёқилғи миқдорлари, кг.

Чуқур қазиш бир суткада амалга оширилади, унда $Q_{сут} = Q$ бўлади.

Технологик жараёнларни бажаришда бўладиган иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш. Машина-трактор агрегатидан фойдаланилганда бўладиган эксплуатацион харажатларнинг иш бирлигидаги миқдори технологик жараённи бажариш учун агрегатларни танлашда асосий иқтисодий мезон (критерия) бўлиб хизмат қилади ва шу кўрсаткичнинг минимал миқдорига эришишга харакат қилинади.

Сотиб олинган хар қандай қишлоқ хұжалик машинаси, трактор, автомобиль ва турли жиҳозларлардан фойдаланилганда амортизация ажратмалари, техник хизмат кўрсатиш, нефт маҳсулотлари харажати, механизаторга бериладиган маблағ, техникани сақлашта қўйиш ва сақлашдан чиқариш каби ишларни бажаришда маълум маблағларни сарф бўлишини талаб қилади. Машина-трактор агрегатидан фойдаланилганда амортизация ажратмаси C_a ўз навбатида икки мақсадда биринчидан, янги олинган машина ўзини сотиб олишга кетган маблағни хизмат қилиш муддатида йиғиб бериши, яъни 8-10 йил муддат ўтганда яна янги машина сотиб олиш мақсадида замин яратиш учун маблағ йиғими- реновация ажратмаси қуийдагича аниқланади:

$$C_a^1 = \frac{C_p}{M} \cdot 100\%, \quad (20)$$

бунда C_a^1 – реновация (қайта тиклаш) ажратмаси, %;

C_p – машина, трактор, M ларни хұжалик рўйхатида турган нархи, сўм;

M – машина, трактор, автомобиль ва жиҳозларнинг ҳизмат қилиш муддати, йил.

Машинадан фойдаланишда табиий емирилишлар натижасида унинг техник иқтисодий кўрсаткичлари, ресурси техник ҳужжатида келтирилган кўрсаткичлардан пасайиб боради [3,4], натижада машинани техник ресурсини тиклаш бўйича тўлиқ таъмирлаш зарурияти пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам уни тўлиқ таъмирлашга кетадиган маблағ жамғармаси яратилиб борилади. Унинг хұжаликда турган нархидан ҳар йили маълум бир миқдорда ажратма олинади.

$$C_2^{11} = \frac{C_p \cdot H_m}{100 \cdot T_o}, \quad (21)$$

бунда C_a^{11} – машинанинг түлиқ (капитал) таъмирлашга ажратилған маблағ миқдори, сұм/соат;

H_t – түлиқ таъмирлашга ажратма миқдори, %;

$T_{\text{ю}}$ – машинанинг йиллик юкламаси, соат.

Хисоб- китоб юритишида, аксарият вақт ҳар икки ажратма C^1 ва C^{11} бир аналитик ифода ёрдамида топилади:

$$C_a = \frac{C_p \cdot H_a}{100 \cdot T_{\text{ю}}}, \quad (22)$$

бунда H_a – машинаниң қайта тиклашга ва түлиқ таъмирлашга ажратма миқдори, %;

Агар технологик жараённи бажараётгандык агрегаттинг таркиби трактор, тиркама ва ишчи машиналардан иборат бўлса, унда, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида ажратма миқдори аниқланади ва уларнинг йифиндиши технологик харитани 28-устунига киритиб қўйилади:

$$C_a = \frac{C_p^m \cdot H_a^m}{100 \cdot T_{\text{ю}}^m} + \frac{C_o^m \cdot H_a^m}{100 \cdot T_{\text{ю}}^m} + \frac{C_p^1 \cdot H_a^1}{100 \cdot T_{\text{ю}}^1}, \quad (23)$$

бунда C_p^m, C_o^m, C_p^1 – ўз навбвида трактор, машина ва тиркамани хўжалик рўйхатидаги нархи, сұм;

H_a^m, H_a^o, H_a^1 – трактор, ишчи машина ва тиркама учун амортизация ажратма миқдори, %;

$T_{\text{ю}}^m, T_{\text{ю}}^o, T_{\text{ю}}^1$ – трактор, ишчи машина ва тикаманинг йиллик (норматив) меъёрий ишлаш соатлари, соат;

Технологик харитани 29-устунида келтирилған таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун йил давомида агрегатга бўладиган бир соатли маблағ сарфини қуидагича режалаштириш керак:

$$C_{pmxx} = \frac{C_p^m \cdot P_m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_o^m \cdot P_m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_p^1 \cdot P^1}{100 \cdot T_{10}^1}, \quad (24)$$

бунда P_t, P_m, P^1 – тракторга, ишчи машинага ва тиркамага техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлашга ажратма миқдори, % ;

Технологик жараённи бажаришда агрегатта хизмат күрсатадиган механизатор ва ёрдамчи ишчиларга ҳақ түлаш бажарилаётган ишнинг мураккаблигига, фойдаланаётган агрегат таркибидаги трактор гурухига ва механизатор ва ёрдамчи ишчиларнинг мохирлик даражаси (разряд) кабикүрсаткичлар асосида шаклланади, яъни

$$C_x = C_x^M + C_x^E + \sum C_x^K, \quad (25)$$

бунда C_x^M – агрегатта хизмат күрсатаётган механизаторга бериладиган маоши, сўм;

C_x^E – ёрдамчи ишчига бериладиган иш ҳақи, сўм;

$\sum C_x^K = C_x^{MK} + C_x^{EK}$ – агрегатта хизмат күрсатаётган механизатор ва ёрдамчи ишчиларга бериладиган қўшимча иш ҳақи [5].

МТА фойдаланишда бўладиган ёқилғи сарфи (31-устун) ёқилғининг бир суткадаги (25-устун) микдорий сарфини куннинг давомийлигига (14-устун) бўлиш орқали аниқлаш мумкин, яъни:

$$C_{\bar{e}} = \frac{Q_{cym}}{T_{cm} \cdot K_{cm}} \cdot \bar{\Pi}, \quad (26)$$

бунда $C_{\bar{e}}$ – жараённи бажаришда бир соатда мойлаш материалларига бўлган маблағ сарфи сўм/кг;

Q_{cym} – бир суткада сарфланган ёқилғи микдори, кг/сут;

T_{cm} – смена вақти, соат;

K_{cm} – сменалик коёффициенти;

$\bar{\Pi}$ – 1 кг ёқилғи ва мойлаш материалларини умумий нархи, сўм/кг;

Натижани 31 устунига киритамиз.

$$\bar{\Pi} = \bar{\Pi}_{\bar{e}} \cdot G_u + \bar{\Pi}_m G_u \cdot \gamma / 100, \quad (27)$$

бунда $\bar{\Pi}_{\bar{e}}$, $\bar{\Pi}_m$ -бир кг ёқилғи ва мойлаш материалларини нархи, сўм/кг;

G_u – агрегатнинг бир соатда ўртача сарфланган ёқилғи микдори кг/соат;

γ – ёқилғига нисбатан олинадиган мойлаш материалларининг сарфланадиган микдори, % [3], 108 б, жадвал 140.

$$\Gamma = (\gamma_1 + \gamma_2 + \dots + \gamma_n) / 100$$

бунда γ_1 , γ_2 , γ_n -асосий ёқилғи билан бир вактда сарфланадиган мойлаш (дизел мойи, авто-трактор мойи, солидол, трансмисия мойи, ўт олдиришдаги карбратор двигатели учун бензин) материаллари. Уларнинг микдорлари трактор ва унга ўрнатилган двигателга боғлиқ, %.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштириш мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли хұжаликда мавжуд бўлган машина-трактор агрегатларидан йил давомида бирдай фойдаланиб бўлмайди. Масалан, эккичлар факт уруғ экишда, ўриб-йигиб олинадиган машиналар ҳам ўриб-йигиб олиш даврида фойдаланилади. Қолган пайтларда уларни сақлашга қўйилади ва ишлаш мавсуми бошланишидан олдинроқ сақлашдан чиқарилади. Бу жараёнларни бажариш учун эса маълум маблағ сарфини тақазо этади.

Машиналарни сақлашга кетадиган маблағ сарфи қўйдагича режалаштирилади:

$$C_c = C_p \Psi / 100 T_{io} \quad (28)$$

бунда C_c – сақлашга сарфладиган маблағ микдори, сўм;

C_p – машинани хұжалик рўйхатида тураладиган нархи, сўм;

Ψ – машинани сақлашда бўладиган харажат микдори, % [4] 358 б. 2-жадвал;

T_{io} – машинани йиллик меъёрий ишлаш соати [5] 111-112 б. 1.51-1.52 жадвал.

Технологик жараёнларни бажараётган ҳар бир агрегат турига аниқланган сақлашдаги маблағ сарфи технологик харитани 32-устунига ёзилади.

Эксплуатацион харажатларнинг йифиндиси C_s (сўм/соат) қўйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$C_s = C_a + C_{ttkk} + C_x + C_e + C_c ,$$

бунда C_a – амортизация ажратмаси, сўм;

C_{ttkk} – агрегатни жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун ажратма микдори, сўм;

C_x – механизатор ва ёрдамчи ишчига бериладиган иш ҳақи, сўм;

C_e – ёқилғи-мойлаш материалларини олиш учун маблағ сарфи, сўм;

C_c – машинани сақлашга қўйиш сарфи, сўм;

Агрегат ишлаганда бажарилган ишнинг бирлигига сарфланган эксплуатацион харажат C_u миқдори (33-устун) бир соатда бўлган харажатни агрегатни бир соатли иш унумига W_c бўлиш орқали аниқланади:

$$C_u = C_c / W_c, \text{ сўм/га; сўм/т; сўм/m}^3.$$

Бажарилган ишнинг тўлиқ ҳажмига (34-устун) сарфланган эксплуатацион харажат иш бирлигига кетган харажатни ишнинг тўлиқ ҳажмига Ω_ϕ – қўпайтириб топилади, яъни:

$$\sum C = C_u \cdot \Omega, \text{ сўм.}$$

Маҳсулот (пахта, дон, ...) етиштиришда механизацияланган жараёнларни бажариш учун кетган маблағ миқдори қўидаги ифодадан топилади:

$$\sum_{i=1}^n C_i = C_1 + C_2 + C_3 + \dots + C_n$$

бунда $\sum_{i=1}^n C_i$ – қишлоқ хұжалиги маҳсулоти етиштиришда бўладиган жами харажатлар (34-устун) йифиндиси, сўм;

$i, i_1, i_2, \dots n$ – маҳсулот етиштиришда бажариладиган механизацияланган ишлар;

$C_1, C_2, C_3, \dots C_n$ – ҳар бир технологик жараённи (ишни) бажаришда сарфланган эксплуатацион харажатлар, сўм.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда (етиштиришда) бўладиган эксплуатацион харажатларни олинган маҳсулот ҳажмига нисбати аниқланади ва унинг сон қиймати маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бир-бирига нисбатан таққослаш ва ишлаб чиқаришни самарадорлик миқдорини (рентабеллиги) кўрсатади:

$$C_y = \frac{\sum_{i=1}^n C_i}{\sum U},$$

бунда C_y – етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бирлигига сарфланган маблағ, сўм/центнер;

$\sum U$ – етиштирилган (пахта, дон, ...) маҳсулотнинг тўлиқ ҳажми, центнер.

$$C_y = \frac{\sum C}{\sum U}, \quad C_{\bar{e}} = \frac{\sum Q_{\bar{e}}}{\sum U},$$

Етиштирилған маҳсулот бирлигига сарфланған ёқилғи мойлаш материаллари ишлаб чиқаришдаги энергия сарфи аниқлашда фойдаланилади:

$$C_y^{\ddot{e}} = Q_{\ddot{e}} / U \text{еки } C_y^{\ddot{e}} = \frac{C_{\ddot{e}}}{U}.$$

бунда $C_y^{\ddot{e}}$ - маҳсулот бирлигига сарфланған ёқилғи міндеттері кг/ң ёки маблағ міндеттері сүм/ң.

2.2. Комплекс механизациялашдаги машиналар тизими

Комплекс механизациялашнинг моддий-техник базаси асосини машиналар тизими ташкил этади. *Машиналар тизими-технологик жараёнлар ва иш унумлари бүйіча үзаро боғлиқ бүлгап, уйғунлашган турлы машина, механизмлар ва транспорт воситаларининг мажсусаи бўлиб, тугал технологик цикл-даврнинг барча ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар томонлама ва тўлиқ механизациялашни таъминлайди.*

Машиналар тизими қишлоқ хұжалик объектларининг ихтисослаштирилғанлығына ва қабул қилинған агротехникага, ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясыга, материалларни ташиш ҳамда ишлаётган агрегатларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш шароитига қараб танланади. Улар қўйидаги гурухларга бўлинади:

- айрим экинларни етиштириш ва ҳосилини ўриб-йифиб олиш учун (масалан, пахта етиштиришда);
- бир груп операцияларни бажариш учун (масалан, хашак тайёрлаш учун бир йиллик ва кўп йиллик ўтларни ўриб-йифиб олишда);
- қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришининг алоҳида тармоқлари учун (масалан, далачилик, сабзавотчилик, чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш);
- муайян қишлоқ хұжалик минтақасидаги ёки шу минтақа учун хос бўлган алоҳида хұжаликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш учун;

- муайян минтақа учун хос бўлмаган ёки ўзига хос ишлаб чиқариш йўналишига эга бўлган алоҳида қишлоқ хўжалик объектлари учун.

Дон етиштириладиган хўжаликларда ишлатиладиган машиналар тизими пахта, сабзавот ва ҳоказолар етиштириладиган хўжаликларда ишлатиладиган машиналар тизимидан фарқ қиласди. Машиналар фақат парвариш қиласди ва ҳосили йиғиб олинадиган экинга қараб эмас, балки шу экин экиладиган минтақанинг табиий-иктисодий шароитига қараб ҳам танланади. Масалан, суғориладиган ва лалмикор (суғорилмайдиган) ерларда буғдой, картошка, шоли ва бошқалар етиштиришни комплекс механизациялаш учун машиналар тизимида турлича талаб қўйилади, бироқ уларнинг ҳаммаси ягона шартга маҳсулот бирлигига энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, сифатли, кўп маҳсулот олишга жавоб бериши керак.

Агар алоҳида машиналар билан бажариладиган операциялар барча машиналар системаси билан амалга ошириладиган ягона технологик жараённинг бир қисмини ташкил этса ёки бу операцияларнинг ҳар қайсиси технологик жараёндаги мўлжалланган тартиб ва муддатда бажариладиган бўлсагина, у ёки бу экинга ишлов бериш ва ҳосилини ўриб-йиғиб олишни комплекс механизациялаш мумкин.

Маълум экин етиштириладиган ва ҳосил ўриб-йиғиб олинадиган пайтларда машиналар тизимидағи ҳар қайси машина ундан кейин иш бажарадиган машинага яхши шароит яратиб бериш учун мўлжалланган. Масалан, экишдан олдин майдонда шудгор сифатли бажарилган ва юзаси яхши текисланган бўлса, сеялка уруғни бир хил чукурликда экади; агар ерга ишлов беришда шудгор яхши текисланган бўлса, силосбоп масса ўриш комбайнлари ёрдамида маккажӯҳори поясини пастидан кесиб олиш имкониятига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳар бир мураккаб технологик жараёни изчиллик билан бажариладиган операцияларнинг узлуксизлигини кўзда тутиши керак. Бунинг учун такомиллашган машиналар ва уларга қўшимча мослама ҳамда механизмлар бўлиши керак. Масалан, пичан ёки похолни ғарамлаш жараёни қуидаги операциялардан: ғарамчани тўплаш, уни керакли баландликка кўтариш, катта қилиб ғарамлаш, уни ғарам бўйлаб тақсимлаш ва зичлашдан иборат.

Ушбу жараёнларни бажаришда зарурий мосламалар тўлиқ бўлсагина уларни машиналар ёрдамида бажаришга эришилади. Машиналар тизимининг шаклланишида ишлаб чиқаришга интенсив технологияларнинг жорий қилиниши алоҳида ўринга эга. Интенсив, энергия сарфини камайтирадиган технологик жараёнларнинг маҳсулот етиштиришда қўлланиши комплекс агрегатлардан фойдаланиш, ўз навбатида, машиналарни янада такомиллаштиришни талаб қиласди ва ривожланишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Масалан, ерга ишлов берувчи ва экувчи комплекс агрегатларнинг яратилиши бир неча жараёнларни алоҳида-алоҳида бажаришдан воз кечишга, бу жараёнларни бажариш муддатини бир неча бор қисқартиришга олиб келади. Комплекс агрегатлар таркибидаги энергия манбаси бўлган тракторнинг қувватли бўлиши, унинг энергиясидан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган қатор ишчи машиналар тизимининг вужудга келиши ва улардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқаришга, унда бўладиган меҳнат ва маблағ сарфларини кескин камайтиришга замин яратади. Мамлакатимизда комплекс агрегатлар тизимида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда 340–400 турдаги ҳар хил машиналардан фойдаланилмоқда. Технологик ва техник кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган машиналар ўрнини замонавий, юқори иш унумини таъминлайдиган, тезкор агрегатлар олмоқда. Масалан, АҚШ нинг “Кейс” фирмаси билан ҳамкорликда универсал чопиқ тракторлари ишлаб чиқарилмоқда. Германия давлатидан чорвага сифатли озуқа тайёрлайдиган “Морал-125” русумли комбайн, комплекслар сотиб олинмоқда. Республикадаги етакчи заводларда ишчи машиналарнинг янги такомиллашган турларини ишлаб чиқариш тобора катта суръатларда амалга оширилмоқда.

2.3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини лойиҳалаш принциплари

Технологик жараёнларни рационал, оқилона лойиҳалашнинг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишнинг ёки ишлов берилаётган материал ҳаракатларининг уз-луксизлигини;

- технологик жараёнларнинг бажарилиш муддати ва бажарилиш жойларини муайян, аниқ мувофиқлаштирилғанлиги, келишилғанлигини;
- технологик жараёнларни бажариш бўғинларида қатнашаётган ҳамма агрегатларнинг тўлиқ юкланишини таъминлашни;
- технологик жараёнларни бажаришда энг кам материал, машина ва юк айланишига эришишни. Бундан ташқари технологик жараёнларни бажариш (масалан, маккажўхорини силосга ўриш)да узлуксиз оқим талабини бажаришни.

Узлуксиз тамойили – бу кенг қамровли тушунча бўлиб, уни технологик жараённи бажараётган агрегатни унга кўрсатилаётган қаршилигига қараб энергетик кўрсаткичларни узлуксиз ўзгариб туришига қиёслаш, ишлов берилаётган материалнинг узлуксиз берилиб туриши деб тушуниш мумкин. Бу тамойилга мувофиқ технологик жараён шундай ташкил этилиши керакки, бунда ишлов берилаётган материал машинага ёки машина ишлов бериладиган материалга нисбатан узлуксиз ҳаракатда бўлиши таъминлансан. Узлуксизлик бажарилаётган технологик жараёнларнинг ҳамма бўғинларида вақт бирлигida материалларнинг бир хил миқдорда ҳаракатланишини тақозо этади. Қишлоқ хұжалигыда шундай технологик жараёнлар узлуксиз тамойилида ташкил этилғанлигига қарамай, вақт бирлигida материал ҳаракатда бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Ҳаракатдаги материал маълум вақт ичида тўп-тўп ҳолат (порция)да берилиши мумкин.

Вақт бўйича мувофиқлаш – келиштириш тамойили технологик жараёнларни ўз вақтида, энг оптималь шароитда бажарилишига эришишни назарда тутади. Технологик жараёнларнинг макон дала, пайкалларда бажарилиши режалаштирилган бўлиши лозим.

Технологик жараёнларни - бажариш бўғинларидаги ҳамма агрегатларнинг тўлиқ юкланиши тамойили, биринчи навбатда, тизимида агрегатларнинг юқори иш унумида ишланиши таъминлаш, энергетик воситалари ишлаб чиқараётган қувватдан самарали фойдаланишини тақозо этади.

Ишлаб чиқаришда энг кам материал, машина ва юк айланишини таъминлаш технологик жараёнларнинг бажарилишида ҳосил бўладиган (сарфланадиган) материалларни йиғиш, тақсимлаш ва ташишни

мувофиқлаштириш билан амалга оширилади. Бу тамойилнинг амалга ошишида әкинларни ҳудуд бүйича жойлаштириш, қабул қилиш ва тақсимлаш омборларининг энг қулай масофада бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Технологик жараёнлар, ишлов берилаётган материалнинг ҳаракатланиши ва бошқа кўрсаткичларига кўра қўйидаги тарзларда, кўринишларда бўлиши мумкин: бир текисли, узлуксиз-тўлқинли, узлуксиз-оқимли ва кетма-кетли.

Бир текисли технологик жараёнларга ишлов берилаётган материалнинг узлуксиз, бирдай ҳаракатда бўлиши билан характерли. Бунда ишлов берилаётган материал ва унинг сифати технологик жараённинг бўғинларида бирдай бўлади.

Узлуксиз-тўлқинли технологик жараёнларнинг бўғинларида ишлов берилаётган материал бирдай узлуксизликка эга эмас, масалан, дон ўриш комбайнни узлуксиз дон оқимини қабул қилиб, уни ўз бункерида йиғиб боради. Бункер тўлғандан кейин донни транспорт воситаларига узлуксиз (қисқа муддат бўлса-да) оқимда бўшатади. Бу жараён қайта-қайта такрорланиши маълум бир вақтдан сўнг амалга ошади. Мисолдан кўриниб турибики, технологик жараённинг ўриш, янчиш бўғинида ишлов бериладиган материал узлуксиз ҳаракатда бўлсада, бироқ уни транспорт воситаларига ортиш тўлқинли, маълум ҳажмларда, ишлов берилаётган материалнинг маълум вақтда ҳаракатини йўқотиши, сўнгра яна ҳаракатга келиши билан характерлидир.

Узлуксиз-оқимли технологик жараёнларнинг бажарилиши ишлов берилаётган материал жараённинг барча бўғинларида узлуксиз оқимга эга бўлмайди. Бунда жараённинг ҳар бир бўғинида ишлов берилаётган материал узлуксиз ҳаракатда бўлса-да, ишлов берилаётган материалнинг бўғинлар орасидаги ҳаракатида узлуксизлик бузилади ва у маълум вақтдан сўнг ўлчамли ҳажмларда ҳаракатга келтирилади.

Кетма-кетли кўринишда бажариладиган технологик жараёнлар алоҳида-алоҳида маълум вақт ўтгандан сўнг амалга оширилади. Масалан, пахта, дон каби маҳсулотларни етиштириш ва йиғиб олиш технологик жараёнларининг аниқ бир вақтларда кетма-кет бажарилишидир.

Тараққиёт босқичида технологик жараёнлар ҳам такомиллашиб, бирбири билан уйғунлашиб, сон жиҳатдан камайсада, сифат жиҳатидан

яхшиланиб боради. Комплекс агрегатларнинг бир ҳаракатида бир эмас, бир нечта технологик жараёнларнинг бажарилиши етиштириладиган маҳсулотнинг таннархи пасайишига, энергияга бўлган талабни сезиларли даражада қисқартиришга, тупроқ зичлашишини оптимал қийматларда сақлаб қолишга замин яратади.

Назорат саволлари:

1. Технологик харитани кимлар ишлаб чиқади?
2. Технологик хаританинг таркибини айтинг?
3. Комплекс механизациялашда машина тизимининг роли?
4. Машиналар тизимининг таркибий қисми қандай кўрсаткичлар асосида аниқланади?
5. Технологик жараёнларни аниқлашда нималарга эътибор берилади?
6. Лойиҳанинг самарадорлигини қандай кўрсаткичлар билан аниқлаш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson . USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.
3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Обидов А. Машина-трактор паркidan фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

З-мавзу: Энергетик воситаларни оптималь параметр ва иш режимларини замонавий математик дастурлаш усули ва ахборот коммуникацион технологик тизимлардан фойдаланиб асослаш

Режа:

- 3.1.Оптимальлик мезони ва унинг аналитик күренишидаги таркиби.
- 3.2. Двигател қувватини сарфланиши ва уларни аниқлаш.
- 3.3.Мақсад функциясини ечилиш алгоритми.

Таянч иборалар: Агрегат параметри, иш режими, математик модел, мақсад функцияли, келтирилган ва эксплуатациян ҳаражатлар, техник тизимини баланс нархлари, құвват тақсимоти, самарадорлик, тежсамкорлик.

3.1. Оптимальлик мезони ва унинг аналитик күренишидаги таркиби

Қишлоқ хұжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фермер хұжаликлари шароитида фойдаланилаётган машина тизими параметр ва иш режимларини аниқлашда албатта хұжаликни ривожланишини, ер майдони ва әкин турларини ўзгаришларини, интенсив, комплекс ижро этиладиган технологияларга ўтилишини, тезкор агрегатлардан фойдаланиш заруриятлари каби аник воқеаликни ҳисобга олиш зарур.

Агрегатни самарали күрсаткичини белгиловчи параметрларига қуйидагиларни киритиш мүмкін: двигательнинг қуввати ва тракторнинг оғирлиги, конструктив қамров кенглиги, машинани ўзидан маҳсулот ўтказиш қобилияты ва бошқалар.

Келажак даврда ишлайдиган машина тизими учун бу күрсаткичлар “Давлат янги машиналарни синаш маркази”да ўтказилған экспериент-синаш натижалари бўйича аниқланиши тақоза этади.

Техник тизимдаги машина-трактор агрегатларининг оптималь таркиб, параметр ва иш режимларини асослашда умумийлаштирувчи сифатида

келтирилған харажатларни минимум бўлиши мақсадлибўлиб, унинг қиймати бўйича фойдаланилаётган техник тизимини иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини олдиндан билиб олиш имкониятини беради. У ҳолда ушбу мақсад функциясининг аналитик қўриниши қўйидагича бўлади:

$$C_{\text{пр}} = \left[(C_{\text{ч}} + \frac{C_{\delta_m}}{T_m} + \frac{C_{\delta_m}}{T_m} + \frac{C_{\delta_c}}{T_c}) \right] \cdot \frac{E}{\square_{\text{ч}}}, \quad (1)$$

бунда $C_{\text{пр}}$ – келтирлган харажатлар, сўм/соат;

$C_{\text{ч}}$ - агрегатдан бир соатда фойдаланилганда бўладиган эксплуатацион харажатлар, сўм/соат;

E - капитал жамғармаларни самарали меъёри

$C_{\delta(m.m.c)}$ - фермер хўжалиги рўйхатида (хисобида) турган трактор, ишчи машина ва тиркамани йиллик ишлаш соати меъёрлари, соат;

$T_{(m.m.c)}$ - агрегат таркибидаги (трактор) энергетик восита, ишчи машина ва тиркамани йиллик ишлаш соати меъёрлари, соат;

$\square_{\text{ч}}$ - агрегатни бир соатли ишлашида бир соатли иш унуми, га/соат.

Ерга асосий ва экишдан олдин ишлов берадиган, йигиб-териб олидиган ва култивация қиласиган агрегатларни иш унумини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$W_{\text{ч}} = 0,36 B_p V_p \tau$$

бунда B_p - агрегатни ишчи қамров кенглиги, м;

V_p - агрегатни ишчи ҳаракат тезлиги, м/с

τ - смена вақтидан фодаланиш коэффициенти.

Агрегат ўз вазифасини бажаришда бир соат ишлашида бўладиган эксплуатацион харажатлар қўйидагича аниқланиши мумкин:

$$C_{\text{ч}} = C_3 + C_{\text{эм}} + C_a + C_{\text{то}} + C_x, \quad (2)$$

бунда C_3 - агрегатга хизмат қилаётган механизатор ва ёрдамчи ишчиларнинг бир соатли иш ҳақи, сўм / соат;

$C_{\text{эм}}$ – эксплуатацион (ёқилғи мойлаш) материалларига сарфланган маблағ, сўм/соат;

C_a – амортизация ажратмалариға келган маблағ, сұм/соат;

C_{to} – таъмирлаш ва техник хизмат күрсатишига сарфланган маблағ, сұм/соат;

C_x – техниканы сақлашта қўйиш ва ундан чиқаришига кетган маблағ, сұм/соат.

Механизатор ва ёрдамчи ишчи учун берилган иш ҳақи, маблағ қуидагида ифодадан топилади:

$$C_3 = C_t + C_v \pi_e \quad (3)$$

бунда C_t , C_v – тракторист ва ёрдамчи ишчининг бир соатлик таъриф ставкаси, сұм/соат;

π_e – ёрдамчи ишчиларнинг сони, киши.

3.2. Двигател қувватини сарфланиши ва уларни аниқлаш

Эксплуатацион харакатларнинг салмоқлиси бўлган ёқилғи ва мойлаш материалларига бўлган харажатлар асосан технологик жараённинг энергия талаб қилиш даражасиги ва двигателни конструкцион тузилишига тўғри пропорционал, яъни

$$C_{\text{эм}} = g_e N_e \Pi_k \tau (1 + K_\Theta) \quad (4)$$

бунда g_e – двигательни ўртача юкланишадаги солиштирма ёқилғи сарфи, кг/квт.с;

N_e - двигательни самарали қуввати, квт;

Π_k - ёқилғи ва мойлаш материалларининг комплекс нархи, сұм/кг;

Техник тизимдаги машина-трактор агрегатлари учун амортизация ажратмаси-хар бир соат ишлашига тўғри келадиган миқдори унинг таркибиға боғлиқ бўлиб, қуидаги аниқланади:

$$C_a = \frac{C_{\delta_m} P_m}{T_m} + \frac{C_{\delta_m} P_m}{T_m} + \frac{C_{\delta_c} P_c}{T_c} \quad (5)$$

бунда P_m , P_c - меъёрий амортизация ажратмаси, (т) трактор (м) машина, с (тиркама) коэффициенти;

Тракторнинг баланс нархини аниқлашда бир мунча қўшимча харажатларни вауларнинг миқдорини двигателни қувватига нисбатан олинишини ҳисобласак, у вақтда:

$$C_{bt} = \alpha_t \beta (\alpha' + b' N_e + c' G_t) \quad (6)$$

бунда β - ишлаб чиқаришни рентабеллигини ҳисобга олуучи коэффициент;

α_t - машинани хұжаликка келтиришида бўладиган ҳаракатни ҳисобга олуучи коэффициент, $\alpha_t = 1, 17....$

α', b', c' - статистик ахборотларни энг кичик квадрат оғиши методидан фойдаланиб олинган тенгламанинг коэффициентлари бўлиб, уларнинг ўлчов бирликлари, сўм, сўм/квт; сўм /т белгиланади. Агрегат ўз функциясини бажариши учун ушбу тенгсизлик бажарилиши лозим:

$$R_m = P_{kp} \leq \eta_m \quad (7)$$

бунда R_m – ишчи машинанинг технологик жараёнини бажаришдаги қаршилиги, кН;

P_{kp} – энергетик воситасини илмоқдаги кучи, кН;

η_m – ишчи машинанинг фойдали иш коэффициенти.

Юқоридаги (7) ифодада кўрсаътилган параметрларнинг қийматлари тракторнинг қувват баланси формуласидан келиб чиқади:

$$N_e = [N_m + \sum N_b + N_f + N_\delta \pm N_\alpha \pm N_\omega \pm N_j \pm N_{kp}] \frac{1}{\xi_q} \quad (8)$$

бунда N_e – двигателнинг самарали қуввати, квт;

N_m – куч узатувчи тизимда бўладиган қувват сарфи;

N_b – трактор қуввати узатиш валидан олинган қувват миқдори;

N_f – трактор ўз массасини ҳаракатга келтириши учун сарфланган қуввати;

N_δ – етакчи фидиракларнинг (занжир) сирпанишида йўқотиладиган қувват;

N_α – горизонтал текисликдан қиялик бўйлаб ҳаракат қилинганда сарфланадиган қувват;

N_ω – ҳаво қаршилигини енгиш учун сарфланган қувват;

N_j – инерция кучини енгишга кетган қувват;

N_{kp} – қишлоқ хұжалиги ишчи машинани қаршилигини енгиш учун кетган қувват;

ξ_q – трактор двигателини юклаш коэффициенти.

Тракторнинг куч узатувчи қисмларида сарфланган қуввати қуидагиформуладан аниқлаш мумкин:

$$N_m = \left(N_e - \frac{N_e}{\eta_B} \right) (1 - \eta_{tp}) + \frac{N_B}{\eta_B} (1 - \eta_B) \quad (9)$$

бунда η_{tp} , η_B – күч узатувчи тизимнинг ва қувват узатувчи валнинг фойдали иш коэффициенти.

Мураккаб техник тизимларда ўрим-йигиши технологик жараёнларни бажаришда тракторнинг қувват узатувчи валидан фойдаланилади ва сарфланайтган қувват мөкдори ўсимлик тури, ҳосилдорлиги, агрегати ҳаракат тезлиги ва қамров кенглигига боғлиқ бўлиб у қуйидагича аниқланади:

$$N_B = (N_{xb} + N_y \xi \vartheta(V_p) B_p) \quad (10)$$

N_{xb} , N_y – агрегат салт юрганда унинг бир метр қамров кенглигига тўғри келадиган қувват сарфи, квт/м ва технологик жараённи бажарилишидаги қиймати, квт. с/кт;

ξ – пахта теримидағи куракларни очилиш формуласи ва уларни тўлиқ териб олиш коэффициенти.

Энергетик воситаси ўзини массасини енгиб, ҳаракатланиши учун сарфланадиган қувват мөкдори:

$$N_f = (f_0^1 + f_v^1 V_0^2) (G_t + G_\delta) V_p \cos \alpha \quad (11)$$

бунда G_t , G_δ – тракторнинг (эксплуатацион) фойдаланишдаги ва қўшимча юк (балласт) ни массаси, г;

f_0^1 – трактор ҳаракатлашишига кўрсатилаётган қаршилик коэффициенти;

f_v^1 – ҳаракат тезлиги ($V = 5$ км/с) ошиш натижасида тракторга қаршилик мөкдорини қўпайишини ҳисобга олиш коэффициенти, Кн/т.м²

Энергетик воситаси технологик жараённи юажаришида ишчи машинани тортишга кўрсатилаётган қаршиликни енгиш жараёнида унинг етакчи ғилдираклари тупроқ билан биргаликда сирпанади ва унинг мөкдори қаршиликка боғлиқ. Сирпаниш натижасида юқотилаётган қувват ушбу ифодадан аниқланади:

$$N_\delta = \left(N_e - \frac{N_B}{\eta_B} \right) \eta_{tp} \delta_0 \quad (12)$$

δ_0 – етакчи ғилдиракларни тупроқ билан нормал тишлашиш ҳолатида бўладиган сирпаниш коэффициенти.

Киялик бүйіч ҳаракатланаётган агрегат маълум бир масофини босиб ўтиши билан биргаликда у горизонтал нисбатан қандайдыр баландликка хам күтарилади ва құшымча энергия сарфини талаб қиласы:

$$N_{\alpha} = (G_t + G_m + G_{\delta})gV_p \sin \alpha \quad (13)$$

Агрегатнинг бир хил текис ҳаракат қила олмаслиги туфайли шаклланадиган энергия кучини енгиш учун кетган қувват микдори қуидаги аниқлаш мүмкін:

$$N_j = 0,5P_j V_p \quad (14)$$

g – жисмнинг эркін тушиш тезліниши, m/c^2

α – майдоннинг қиялик даражаси;

P_j - инерция кучи, кН

Ишчи машина томонидан күрсатилаётган қаршиликни енгиш сарфланадиган қувватини қуидаги аналитик күринишда ифодалаш мүмкін:

$$N_{kp} = [(f_0 + f_V V_p^2)(G_m + K_r Q_r) + K_0 \alpha B_p + \epsilon \alpha B_p V_p^2] V_p \quad (15)$$

K_r - транспорт воситасини юк күтариш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти;

Q_r – тиркама-транспорт воситасини юк түтариши, т.

Юқорида келтирілген қувват баланси формуласига унинг ҳар бир ҳадининг қийматларини келтирсак ва агрегатни тезлигини у орқали ифодалаб топсак учинчи даражали тенглама пайдо бўладики, уни ечишга кардано формуласидан фойдаланиш орқали эришамиз, яъни

$$V_p = \sqrt[3]{\frac{-q}{2} + \sqrt{\left(\frac{p}{3}\right)^2 + \left(\frac{q}{2}\right)^2}} \cdot \sqrt[3]{\frac{-q}{2} - \sqrt{\left(\frac{p}{3}\right)^2 + \left(\frac{q}{2}\right)^2}} \quad (16)$$

$$q = 2\left(\frac{D}{3}\right)^2 - \frac{D_1 D}{3} + D_2 \quad P = \frac{D^2}{3} + D_1$$

Технологик жараёнларнинг агротехник талабларидан келиб чиқиб, агрегатнинг ҳаракат тезлиги маълум даражада чегараланган қийматда бўлишини тақозо этади:

$$[V_p] = V_0 + \frac{\Delta}{B_p} (17)$$

V_0 – ишчи машинанинг ҳаракат тезлиги бўлиб, унда қамров кенглигини ишнинг сифатига таъсири билинмайди, м/с;

Δ - агрегатнинг қамров кенглигига боғлиқ равишда ўзгарадиган тезликни ҳисобга олувчи коэффициент, м.м/с.

Агрегатнинг ҳаракат тезлигини ўзгариши ўз навбатида смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти миқдорини оишиш ёки камайишига олиб келади ва унинг қиймати қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади:

$$\tau_{d(v)} = \frac{1}{1 + \frac{V_p B_p K_x}{V_x L}} (18)$$

$t_x = K_x B_p / V_x$ – бир салт ҳолатда агрегатни бурилиб олишига сарфланган вақт, с;

$K_x K_v$ – технологик жараён хусусиятларини ва салт бурилиш тезлигини ҳисобга олувчи коэффициентлари;

F – пайкал майдони, м²

Смена вақтидан фойдаланиш коэффициентининг ҳар бир технологик жараёни бажаришдаги қиймати ушбу ифодадан аниқлаш мумкин:

$$\tau = \frac{\tau_{nz}}{\sum_{i=1}^n \frac{1}{\tau_i} - (\pi - 1)} (19)$$

τ_{nz} – агрегатни жараён бажаришига тайёрлашга кетган вақтни ҳисобга олувчи коэффициент.

Экиш ва йиғиб олиш жараёнларни бажараётган агрегатни боиб ўтадиган ўртача йўли қуйидагича топилади:

$$L_t = \frac{G \gamma_1}{U B_p \theta \xi} \quad (20)$$

бунда G – уруғ идиши, пахта тўпланадиган бункер ва транспорт воситаси кузовини хажми, м³.

Ушбу қийматларни (1) га қўйиб келтирилган харажатни янги аналитик ифодасини топамиз:

$$C_{PP} = [C_{t+} C_b \\ \pi_b + g_e N_e \Pi_k \tau (1 + K_\theta) + C_{bt} (P_t + H_t + E) / T_T + C_{bm} (P_m + H_m + E) / T_m + C_{bc} (P_c + H_c + E) / T_c] \frac{1}{w_u} \quad (21)$$

Ушбу (м) формулани таҳлили шуни кўрсатадики келтирилган харажатларни энг кам миқдорига эришишини таъминлайдиган агрегатни параметрлари ва иш режимларини аниқ бир шароитни ҳисобга олган холда

ўлчамларини ҳамда агрегатдан фойдаланишна техник-иктисодий күрсаткичларини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари олинган натижалар айнан шу агрегат учун иш бажариш ва ёқилғи сарфи бүйича техник меъёрларни белгилаш имкониятини беради.

Назорат саволлари:

1. Оптималлик мезони ва унинг аналитик күринишидаги таркиби?
2. Двигател құвватини сарфланиши ва уларни аниқлаш?
3. Мақсад функциясини ечилиш алгоритми?

Фойдаланилған адабиётлар:

1. Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson . USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.
3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Обидов А. Машина-трактор паркidan фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

4-мавзу: Серуnumли мұраккаб аナンавий ва хорижий қишлоқ хұжалик техникалари техник сервиси: муаммолари ва истиқболлари

Режа:

4.1. АСМ ни ислоҳ қилиш натижалари, муаммо ва истиқболлари; маркетинг, фирмавий техник сервис, лизинг, дилерлик хизматлариуларнинг асосий вазифалари.

4.2. Қишлоқ хұжалик машиналарининг “яшаш цикли”, техникаларнинг бузилиш ва ейилиш омиллари.

Таян иборалар: Фирмавий техник сервис, лизинг, дилерлик хизматлари, яшашциклы, қишлоқ хұжалик техникалари, техникалар тизими менежменти.

4.1. АСМ ни ислоҳ қилиш натижалари, муаммо ва истиқболлари; маркетинг, фирмавий техник сервис, лизинг, дилерлик хизматлариуларнинг асосий вазифалари

Республикамиз аграр секторида янгидан шакилланиб келаётган “Қишлоқ хұжалик техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис” фанини ўрганишга киришиш олдида биз биринчи галда таълим бериш услубиётини танлаб олмиз керак бўлади.

Маълумки аナンавий ўқув жараёнида биз кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига суюниб самарага эришишга харакат қиласиз. Бунинг учун педагог (ўқитувчи) маълум тажрибага эга бўлиши талаб этилади.

Ноананавий ўқув жараёнида эса аниқ лойихалаштирилган дастурига асосан самарали натижага эришишимиз мумкин. Ноананавий ўқитиш жараёнида бугунги қунга қадар амалиётда педагогик таълим технологиясининг 33 та тури маълум.

Педагогик технологияларнинг турлари мохияти, афзalликлари ва камчиликлари билан қизиқувчилар бўлса мендаги маълумотлардан фойдаланишларингизни тавсия этаман. Жумладан мен учун муаммоли ўқитиш технологияси анча самарали ҳисобланади. Ундан кенг фойдаланишни тавсия этаман.

Энди бугунги мавзуни ўрганишга киришамиз. Олий таълим тизимидағи туб ислохатлар натижасыда илгари қишлоқ хұжалигини механизациялаш факультетида ўқитиб келинганд “Машиналар ишончлилиги ва таъмирлаш” фани “Қишлоқ хұжалик техникалари тизими менежменти” фани таркибида хам техник сервис тизими каби шаклланди. Бу фан бой тарихга, назарий ва амалий билимларға эга. Уларни келгуси авлодга түлиқлигича етказишиңиз биз педагоглар зыммасига юқлатылған.

Биламизки, хар қандай қишлоқ хұжалигида ёки бошқа соҳаларда фойдаланилаётган техникалар объектив ва субъектив омиллар таъсирида үзларининг дастлабки эксплуатацион кўрсаткичларини тобора пасайтириб боради.

Йўқотилған ресурсни тиклаш учун маълум сармоялар сарфлаш ва уларни тежашни талаб қилинади, - бу ушбу фаннинг олтин қоидасидир.

“Қишлоқ хұжалик техникалари тизими менежменти” фанига оид органайзерлар биз томондан ишлаб чиқылған, ушбу фанни ўқиши жараёнида улар билан биз хали кенгроқ танишиб борамиз. Амалий машғулотларда янги органайзерлар устида ишлашга оид кўнималар ҳосил қиласизлар.

Республикамизда ананавий таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, бугунги кунда эса уни хорижий таълим тизимлари билан уйғунлаштиришга қаратылған тадбирлар, келажақда АСМ га рақоботдош инженер кадрларни этиширишга имкон бериши шубхасиз.⁴

Хозирги кунда республикамиз хұжаликларида машинасозлик корхоналаримизда ишлаб чиқарылаётган замонавий техникалар билан биргаликда серунумли мураккаб қишлоқ хұжалик техникалари хам кенг импорт қилинмоқда. Улар ишончлилигини ва ресурсини ошириш техсервис базаларимиз олдига қўйилаётган мухим вазифалардан биридир.

Ўзимизда ва хорижий давлатларда чоп этилған ва кенг фойдаланилаётган ўқув адабиётлар тахлилиниң кўрсатишича [1-4] машиналар ишончлилигини ошириш, уларнинг ишлаш қобилиятыни ва

⁴Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson . USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.

ресурсини тиклашда фирмавий техник сервис маркетинг, дилерлик хизмат тизимини жорий қилиш энг истиқболли йұналишлардан ҳисобланади⁵

2 ва 3 – расмларда илм-фан, техника тарақиётининг ривожланиш структураси, ишлаб чиқариш ва таъмирланган махсулот бозорининг рақобатдошлигини ошириш омиллари күрсатилган.

XXI – асрнинг 2016 йилларига келиб махаллий ва хорижий илм-фаннынг үйғунлашуви асосида республикамиз аграр секторида яқин орада таркиб топган замонавий ишлаб чиқариш жараёни структураси янада модернизацияланмоқда (1, а - расм).

Таълим тизимиға янги түшүнчә ва иборалар ҳам кириб келмоқда. Шундан бири техникалар тизими менежменти ва маркетингдир.


Техникалар тизими менежменти – бу аграр секторида ишлаб чиқаришга кириб келаётган янги махаллий ва хорижий техникалардан оптималь фойдаланишни бошқариш тизими.

Техникалар тизими маркетинги – бу хұжаликларда фойдаланилаётган махаллий ва хорижий техникаларга доир бозор талабларини ўрганиш ва уларни мақбуллаштириш, бузилган машиналарни таъмирлаш, ейилган деталларни тиклаш самарадорлигини асослаш тизими бўлиб, улар аграр секторида техникалардан янада самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Бу тадбирлар таълим тизимини янада такомиллаштиришга, хорижда тўпланган тажрибаларни ўқиш жараёнимизга кенг жорий қилишга янги имкониятлар очиб бермоқда.


Rolf steinhilper.Remanufacturing (The uetimate Form of Recyycling). 1998. – PP. 7-11.⁵

а)



б)





1-расм. Республикализ аграр секторида шакланаётган замонавий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёниниг структураси:
а – замонавий структура; б- модернизацияланган янги структура.



Республикамиз АСМ даги тикланаётган маҳсулот бозорининг рақобатдошлиги ва самарадорлигини оширувчи тизимлар туркуми.

Республикамиз АСМ хозирги кунда II-чи босқичга қадам қўймоқда. Эски махаллий техникаларимиз чет эл техникаларига нисбатан кам ракобатдошликка ва кам харидоргирлик кобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Кейинги йилларда бу қалоқликнинг олдини олишга қаратилган

ишилар амалға оширилмоқда. «Кейс» компаниясынинг дон комбайнлари ва пахта териш машиналарининг, Германияның «Магнум» трактори, «Лимкен» фирмасининг икки ярусли плуглари бунга исботдир.2 ва 3,4- расмларда техсервис (ТС) фирмалы таъмирлаш (ФТ), маркетинг (МБ) ва лизинг (ЛБ) булимларининг вазифалари тақдим этилган.

Техник сервис бўлими вазифалари

- Техник хизмат кўрсатишдамеҳнатсарфиникамайтириш.
- Ишлабчиқарилаётгантекникаларга бўлганмуносабатларни ўзгартиришвадеталларнингиончлилигиниошириш (эски техникани 2 ва 3- чиқўлларга йўтказишина мала гашириш).
- Эҳтиёт қисимларга, материалларга ва техник воситаларга бўлган Эҳтиёжларни камайтириш (юқори самаралитаъмирлаш ва тиклаш технологияларини ишлаб чиқиш ҳисоби)

Фирмалитаъмирлаш бўлими вазифалари

- Сифатли техник сервис хизматини кўрсатиш.
- Ейилгандеталлар, бузилган агрегатларни тиклаш ва таъмирлаш.
- Таъмирланадиган машина ваускунанингюкорисифатлилигинитаъминлаш.
- Техникалардан фойдаланиш жараёнида уларни эҳтиётқисмлар билан кафолатлитаъминлаш.
- Исьемолчи томонида хизмат кўрсатиш турини ёркінтан лайолишлиги.

a)

Маркетинг бўлими вазифалари

- Хўжаликларни янги рақобатдош ва харидоргир техникалари билан
- Таъминлаш.
- Техникаларга техник сервис хизматини намуналиташкил килиш.
- Исьемолчиларда фойдаланишда бўлган техникаларни харид-сотиш

ишлириниташил этиш.

→ Таъмирлангантехникаларнисотишишлариниамалгаошириш.

б)

Лизинг бўлимивазифалари

→ Нархibalанд бўлганмураккабмахаллийёки чет эл техникаларини:

- қисқа муддатга;
- ўрта муддатга;
- узоқмуддатга

ижарағолибуларданкенгфойдаланишгаимконберади.

в)

Техник сервис тизимиning бош занжири механизаторлар билан доимо алоқада бўлган дилерлар бўлиб, улар уч йўналишда фаолият кўрсатадилар.


Дилерлар бўлимивазифалари

→ Техникаларни сотишишлариниамалгаошириш, уларнингбузилмасданишлашини, узоқмуддатишлашқобилиятиниошириш соҳасидаишларолиббориш.

→ Техник сервис ишлирини ташкил қилиш, техникаларни капитал тъмиглаш ишлирини олиб бориш.

→ Махаллийва чет эл хорижий техникаларидеталларинитиклаш, бузилганагрегатларнитаъмирлашустиданафолият кўрсатиш(улар универсал дилерларҳисобланади).

2- расм . Техник сервис, фирмали таъмирлаш, маркетинг, лизинг бўлими вазифалари.



3- расм . АСМ даги замонавий техник сервис тизимининг асосий бўлимлари.

Юқоридаги серқирра ва мураккаб масалаларни сифатли, юқори савияда хал килиш ишлари, шубҳасиз, малакали кадрлар етиштиришга бориб тақалади.


Миллий таълим тизими ислоҳ қилиниши кадрлар етиштириш тармоғига жиддий ўзгартиришлар олиб келди.

Илгари Олий таълим тизимида 1998 йилга кадар асосан инженер-механиклар етиштирилган бўлса, хозирги кунда Миллий дастур асосида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлаш структурасига эгамиз.

Агар соҳамиз йилдан-йилга такомиллашиб, мукаммаллашиб бормоқда. Бу соҳага маркетинг, техник сервис, фирмавий таъмирлаш, лизинг, дилерлик тизимлари хам кенг жалб қилинмоқда (2-расм).

4.2. Қишлоқ хұжалик машиналарининг “яшаш цикли”, техникаларнинг бузилиш ва ейилиш омиллари

Хар бир мутахассис илм-фан ривожланиш босқичларини чуқур англаб олмасдан замон талаблари даражасида хұжалик юритиши қийин кечади, чунки хар қандай ишлаб чиқариш тамоиллари сингари техник тизим ҳам үз “яшаш циклига” әга [5] (3-расм).



4-расм. Машинаниң “яшаш цикли”: ОА-машинаниң лойихалаш даври; АВ-уни ўзлаштириш даври; ВС-уни ишлаб чиқариш даври; ДЕ-ишлаб чиқаришдан түхтатиши даври; ДД¹ – машиналарни модернизациялаш ҳисобига унинг ресурсини янада ошириш даври.

3-расмга күра хар қандай замонавий махаллий ёки хорижий техникалар фойдаланиш жараёнида унинг таркибидаги конструктив ва ноконструктив элементлар бузилади, емирилади, уларда техник сервис тизими хизматига эхтиёж тобора ошиб бориш тенденциясига әга.

Машинаниң “яшаш циклига” назар ташлар эканмиз, онгимизда унинг инсон фаолияти учун нақадар мухим омил эканлигини сеза бошлаймиз. Барча машиналар хар хил металл ашёлардан ясалади. Улар нафақат республикамиз учун, бутун ер курамиз учун ҳам чекланганлигини англаб ва

ундан мақбул фойдаланиш кераклигини хис этамиз. Тўлик ресурсинидан фойдаланилмаган хар бир конструктив элемент учун ишлаб чиқариш корхоналарида ясаш ёки тиклаш учун кўп меҳнат ва сармоялар сарф қилинган. Уларни энг мақбул усуллар ёрдамида қайта тиклаш ўрнига тўғридан –тўғри чиқитга чиқариб юбориб ёки янгиларига алмаштириб фойдаланиш халқ бойлигини бехуда шамолга совуришдек харакат эканлигини хар бирмутахассис чукур англаб етиши зарур. Ҳатто бирор янги машина ёки янги конструктив элементни лойихалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам биз инженерлар, конструкторлар, технологиялар, корхона раҳбарлари тежамкорлик омилини биринчи ўринга қўйишимиш лозим. Акс холда кутилган самараага эриша олмаймиз.

Техникалар мавжуд экан биз доимо техник сервис тизимини тобора такомиллаштириб ва мукаммаллаштириб боришимиз керак. Бунинг учун республикамиз АСМ да барча шароитлар мавжуд.

Ҳатто хориждан импорт қилинган энг замонавий қишлоқ хўжалик техникаларининг бузилган ёки чегаравий ейилган деталларнинг ўрнини босадиган конструктив элементларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган ўзаро хамкорликда фаолият юритувчи, ишлаб чиқариш жараёнини локализациялашга имкон берадиган техник сервис базаларига хам эгамиз. Жумладан илгари АҚШ фирмаси томонидан “Кейс – 2022” ва “Джон-Дир” машиналари эҳтиёт қисмларини локализацияловчи ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти проф. Р.Д.Матчоновнинг монографиясида кенг ёритилган.

Хорижий давлатларда хам юқори унумли ва мураккаб машиналари таркибидаги энг муҳим конструктив элементларни тиклаш ишлари индустрιал тарзда йўлга қўйилган. Бунга [1-2] адабиётларда ўрин олган маълумотлар асос бўла олади.

Техник сервис ишлари тузатиш, созлаш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш сўзлари синоними бўлиб ўлкамизда таъмирлаш ва тиклаш жараёни республикамизда хам индустрιал тарзда йўлга қўйилган. Тўғри фирмавий таъмирлаш, лизинг, дилерлик хизмати турлари республикамиздаэндитаркиб топмоқда.

Улардан оқилона фойдаланиш халқ хұжалигимиз учун катта техник-иктисодий самара бериши аниқ.

Назорат саволлари:

1. Хорижий плугдаги асосий нұқсон турлари, ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ёритилсін?
2. Плуг ишчи қуролларига таъсир этувчи кучлар схемаси таҳлил қилинсін?
3. Лемехларни оддий ва “үзи чархланар” усулларда тиклаш тартиби ёритилсін ва улар схематик тасвирлансін?
4. Бузилған плуг ишчи қурилмаларини тиклаш шахобчасининг технологик планировкаси таҳлил қилинсін, ускуналар таркиби ёритилсін?
5. Занжирли ва ғилдиракли тракторлар ва автомашиналар юриш қисмларидаги нұқсон турлари ва уларни тиклаш усуллари ёритилсін?
6. Покришкаларни тиклаш бўлимининг технологик планировкаси таҳлил қилинсін ва ундаги асосий технологик ускуналар тури кўрсатилсін?

Адабиётлар рўйхати:

1. Р.Д. Матчанов Хлопкоуборочнә машины (1929-2010 г.г.) – Тошкент, 2011. – с. 333-338.
2. Rolf steinhilper. Remanufacturing (The uetimate Form of Recyycling). 1998. – P. 27-58.
3. Hein P.Bloch and Fred K.Geitner. Machinery Componenent. Maintenance and Repair. 2005.-P. 258-369.
4. Hein P.Bloch and Fred K.Geitner. Machinery Componenent. Maintenance and Repair. 2005.-P. 197-536.
5. И.А. Аширбеков, И.Г. Горлова. Машиналар ишончлилиги ва техник сервиси. Тошкент, 2011. – Б. 450.
6. Аширбеков И.А. Таъмирлаш-техник сервис корхоналарида ишлаб чикаришни ташкиллаштириш ва режалаштириш. – Тошкент, 2010. - 252 б.

7. Аширбеков И.А.ва бошқалар.Анализ современного состояния и рекомендации по использованию технического сервиса в Узбекистане.Сборник трудов ТИИИМСХ // Повышение технологического уровня процессов механизации, эксплуатации и ремонта сельскохозяйственной техники.-Ташкент, 1996. -с.18-23.

IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Машиналарнинг техник ҳолатини ўрганишда диагностика усулларидан фойдаланиш

Ишнинг мақсади: қишлоқ хұжалик ишлаб чиқармишида ишлатилаётган техникаларнинг техник ҳолатини замонавий диагностика усул ва жиҳозларидан фойдаланиб аниқлаш имкониятлари борасида түшунча бериш.

Масалани қўйилиши: техник ташхиснинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши деталларни тайёрлашда, таъмирлашда техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Бугунги кунда ташхислаш усуллари ўзининг амалийлиги билан машиналарга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш объектларида кенг қўлланиб келинмоқда. Энг оддий механик ташхислашдан бошлаб мураккаб-электрон комплекс ташхислаш ускуналари яратилганки, улар машиналарни носозликлар сабабли туриб қолишиларини 1,5...2 марта, таъмирлаш ҳаражатларини эса 1,3...1,5 баробар камайтиришга олиб келган бўлса, двигателларнинг ишлаш муддатларини 5000 мотосоатга оширди. Сўнгги йилларда механик ташхислаш ускуналарида мавжуд бўлган камчиликлар (катта меҳнат сарфи, агрегатларни, механизмларни қисман бўлсада бўлакларга ажратиш зарурияти) туфайли янги динамик усуллардан, электрон жиҳозлардан фойдаланиш асосида ривожланиб бормоқда.

Ташхисланаётган машинанинг техник ҳолатини белгиловчи параметрлари (босим, ҳарорат, босимнинг тушиши-кўтарилиши, тебраниш, айланиш частотаси, меъёрдан ошиши ёки камайиши ва уларнинг ўзгаришини электр ўлчагичлар, датчиклар) ёрдамида аниқлаш ва таҳлил қилиш, ташхислаш амалининг самарадорлигини янада оширди.

Ташхислаш қишлоқ хұжалигида фойдаланиладиган трактор, қишлоқ хұжалик машиналари, комбайнлар, автомобиллар, чорвачиликдаги комплекс жиҳозларнинг техник ҳолатини аниқлашда қўлланилади. Уларнинг техник ҳолати кўрсаткичлари-параметрлари қийматлари рухсат этилган четлашиш қийматлари билан солиширилади ва холоса қилинади.

Техник ташхислаш тизими ва кетма-кет назорат қилиш, деталларни тайёрлаш давридан то машиналарни йиғиш ва улардан фойдаланиш ва таъмирлашгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Бунда, ҳар бир босқичда алоҳида, бир-бири билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилади ва биринчи босқич кўрсаткичи иккинчи босқич учун асос вазифасини ўтайди.

Деталлар ишлабчиқараётган завод ва таъмирлаш обьектларида техник ташхислашнинг асосий вазифаси деталларни талаб даражасида тайёрланиши, механизм-агрегатларнинг йиғилиши ва чиниқтирилиши сифатини аниқлаш, ташхис параметрлари қийматларининг қўйилган талабга мослигини назорат қилишдир.

Янги ёки таъмирдан чиқсан машиналарни баҳолашнинг кетма-кетлиги қуидагича бўлади: **биринчи** даврда – механизм ва алоҳида олган узелларнинг техник кўрсаткичларининг назорати; **иккинчи** даврда – машина агрегатлари (двигател, трансмиссия, юритиш тизими, бошқарув тизими ва ш.к.)нинг техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар қийматларининг назорати; **учинчи** даврда эса машинанинг яхлит техник ҳолати кўрсаткичлари назорат қилинади ва шу кўрсаткичлар асосида тайёрлананаётган ёки таъмирланган машинанинг техник сифат кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда улар машинанинг техник паспортига бошланғич қийматлар сифатида киритилади.

Ташхисланаётган машина параметрларининг чиниқтиришдаги ва ундан фойдаланиш давридаги динамикаси техник тавсифланишда муҳим аҳамият касб этади.

Машинадан фойдаланиш даврида ўтказиладиган ташхислаш, биринчи навбатда, унинг техник ҳолатини талаб даражасида энг кам вақт ва маблағлар сарфи асосида ушлаб туришга қаратилган. **Ташхислаш машинани чиниқтиришида, ундан фойдаланиши даврида, техник хизмат кўрсатиши, таъмирлаш ва саклашга қўйиш-чиқаришида ўтказилади.**

Машинани чиниқтиришида ўтказиладиган ташхислашда деталларнинг ишқаланиш сабабли бир-бирига мослашуви, машинадан фойдаланиш имкониятини кўрсатадиган параметрларининг қийматлари назорат қилиниб, ўлчаб борилади ва машинанинг техник паспортига бирламчи ахборот

сифатида киритилиб, улардан кейинги босқичларда ўтказиладиган режали ташхислаш учун асос сифатида фойдаланилади.

Машинадан ишлаб чиқаришда фойдаланиш давомида механизатор узлуксиз ҳар сменада ташхис ўтказиб боради. Бунда, у агрегатда, машинада пайдо бўлган овозлар миқдорини, тебраниш қийматларини назорат қиласди. Машинанинг техник паспортида келтирилган тавсиялар асосида мойлаш материалларининг куйиб, сарфланишини, узатувчи тасма ва занжирларнинг таранглигини, юриш механизмларини кўриб чиқиши, назорат ўтказиши назарда тутилади.

Ҳар кунлик техникхизмат кўрсатишдаги ташхислашда машинанинг ўз функциясини бажариш имконияти аниқланади.

Режали-оғоҳлантирувчи техник хизмат кўрсатишларда (ТХК-1, ТХК-2, ТХК-3) эса ташхислаш ўтказилиб, машинани навбатдаги ТХК гача бўлган муҳлатда уни ишончли ишлаш қобилияти аниқланади.

Мавсумий ТХК да ўтказиладиган ташхислаш машинани кузги-қишки ёки баҳорги-ёзги мавсумда ишлашга тайёрлигини аниқлайди.

Буюртмали ташхис қўйиш агрегатда пайдо бўлган носозлик белгилари (куватининг камайиши, агротехник талабларнинг бажарилмай қолиши, нотаниш шовқин, даврий уринишлар, деталларнинг ортиқча қизиб кетиши ва ш.к.) туфайли ўтказилади. Бундай ташхис техник носозлик пайдо бўлган жойни, сабабини ҳамда жорий таъмирлаш заруриятини белгилаб беради.

Машинанинг қолдиқ имконияти-ресурси ТХК-3 ўтказилишида аниқланади ва таъмирлаш тури ҳамда таъмирлашлар оралигини узайтириш чора-тадбирларини белгилайди. Таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлайди. Капитал таъмирлаш заруриятини аниқлаш мақсадида двигателнинг кривошип-шатун механизми, ҳалқа-поршен гуруҳи ва куч узатувчи-трансмиссиянинг умумий техник ҳолатлари аниқланиб, хulosा қилинади. Булардан ташқари, машинанинг қолган-агрегатлари-қисмлари (электр тизими, асосий двигательни ишга туширадиган юритувчи двигатель, гидротизим, занжирдаги, фидираклардаги емирилишлар даражаси)нинг ҳам техник ҳолатлари ўрганилиб чиқилади.

Қишлоқ хұжалиги ишлари бўлмаган пайтлардаги машиналарни сақлашга қўйишида ўтказиладиган ташхислашдан кўзда тутилган мақсад

машиналарнинг сақланиш даврларида уларнинг техник ҳолатларини йўқотмасликларини таъминлашdir.

Машиналарни техник ташхислаш амали МТП нинг техник тайёргарлик даражасини аниқлашда, машиналарнинг экологик ва хавфсизлик талабларига қанчалик жавоб бера олишини белгилаш мақсадларида ҳам қўлланиши мумкин. Агарар соҳа ишлаб чиқаришининг барча босқичларини техник ташхис қўядиган (турғун, харакатдаги ва кўчиб юрадиган) жиҳозлар билан қуролланиши МТП бор бўлган хўжаликлардаги барча оддий ва мураккаб техник воситалардан мақсадли фойдаланишга, уларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Диагностика-ташхис қўйиш усули икки гурухга: киши сезги органлари орқали субъектив ва объектив-ўлчов асбоблари ёрдамида амалга ошириладиганларга бўлинади (1-чизма). Ташхис параметрларини ўлчаш турига қараб тўғридан-тўғри ва ёрдамчи параметрлар орқали амалга ошириладиган бўлади.

Субъектив ташхислаш, асосан, кишининг сезги органлари орқали: эшитиш, кўриш, сезиш, ҳис этиш, ушлаб кўриш, ҳидлаш каби қобилияtlаридан фойдаланиб амалга оширилади.

Эшитиш орқали двигателда пайдо бўлган шовқин, товушларни чиқадиган жойи, трансмиссия тизимидағи шовқин-турткиларни, бирималар орасидан ўтиб кетаётган катта босимли ҳавони ва ш.к.ни аниқлаш мумкин.

Кўриш орқали ёқилғи-мойлаш материалларининг сизиб чиқиш, томиш жойларини, совитувчи суюқликларнинг оқиш жойларини, чиқиб кетаётган, ишлатилиб бўлинган газлар рангини, сапун (мой қуйиладиган жой)дан чиқаётган тутунни, деталларнинг айланишидаги носозликни, куч узатмалар тасмасини, занжирларнинг таранглик даражасини, ўрилмай қолинаётган экинлар ҳажмини, сомон таркибидаги дон микдорини, кесув узунлигини ва ш.к.ни ўрганиб, белгилаш мумкин.

Ушлаб кўриш, сезиш органлари ёрдамида қўйидагиларни аниқлаш мумкин: деталларнинг меъёрдан ортиқ қизишини, механизм, агрегатларда пайдо бўлган тебранишларни, суюқликларнинг ёпишқоқлигини, суюқлигини ва бошқаларни.

Кишидаги ҳид билишқобилиятидан механизмлардан чиқадиган тизимда пайдо бўлган ҳид, куйиндилярни, бензин ва мойлаш материалларининг оқиб чиқишини, аккумулятордаги электролитнинг қайнаши сабабли чиқадиган ҳидни ва бошқаларни аниқлашда кенг фойдаланилади.


Объектив усул машина, механизм ва деталларнинг техник ҳолатини аниқлаш мақсадида ташхис қўйишда, назорат ўтказишида диагностик асбоб, жиҳозлар ёрдамида амалга оширилади.

Ташхислаш ўзининг моҳияти бўйича вазифали-детал механизм ва машинанинг ўз вазифасини бажариш хусусияти ва ҳолатини ифодалайдиган параметрларни ташхислашда ҳамда қўрли (ресурсли) дейилиб, ундан асосан ташхисланаётган машиналарнинг қолдиқ қўрини-қолдиқ имкониятларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Ташхислаш жараёнини *физик хусусияти* ёки ташхислаш усулини қўллашдаги жараён турига қараб уларни энергетик, пневмогидравлик, иссиқли, тебранма-эшитувчанли, спектр-ёзувчанли, оҳанрабо-электрли, оптикали каби турларга бўлиш мумкин.

Келтирилган бу усуллар тизимдаги маълум бир физик жараённи назорат қилишга қаратилади.

Маълум бир физик жараёнда фойдаланиши бүйича ташхиснинг тавсифланиши, бу ҳар бир усулни түлиқроқ техник тавсифланишига ва унинг имкониятларини очишга олиб келади. Физик жараён үзининг физик қийматини вақт бирлигіда үзгариши билан характерланади. Энергетик



жараённи назорат қилишда физик қийматлар сифатида-куч, қувват; пневмогидравлик усулида-босим; иссиқлида-харакат; тебранма-эшитувчанлида-такрорланиш тезлиги, тебраниш күлами (амплитуда) ва ш.к.дан фойдаланилади.

1-чизма. Машина-механизмларни ташхислаш усуллари.

Диагностик параметрларни ўлчаш мөхиятига кўра бевосита ва билвосита усулларга бўлинади.

Бевосита-тўғридан-тўғри назорат қилиш усулида таркибий параметрлар ҳолатини ўлчаш бевосита ўлчаш орқали амалга оширилади, масалан, подшипниклардаги тирқишини, куч узатувчи тасма ва занжирларнинг таранглик даражасини, деталларнинг ўлчамларини ва бошқалар. Қўллашнинг осонлиги туфайли бу усулдан ташхислаш жараёнларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Усулнинг самарадорлиги, айниқса, ўлчанадиган, назорат ва ростланадиган диагностик параметрлар, механизм, узеллар машинанинг сиртида жойлашганлигига юқори бўлади. Буларга қуйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин: механизмларни ҳаракатга келтирадиган узатмалар, комбайнларнинг кесиш аппаратлари, юритиш тизими, бошқарув жиҳозлари, электр ва ёритиш тизимлари ва х.к.

Машина, агрегатларнинг ички қисмида жойлашган механизм, деталларнинг техник ҳолатларини ифодалайдиган параметрларни ўлчаш (масалан, кривошип-шатун механизми ва деталлари, подшипниклар.) машина ёки механизмларни очиш қисмларига бўлишни тақозо этади. Бу эса вақт ва маблағ сарфининг ошишига олиб келади.

Билвосита усулидамашиналарнинг техник ҳолатини ифодаловчи таркибий параметрларни ўлчаш учун датчиклар, диагностик асбоб агрегатларнинг ташқи қисмига, уларни ечмасдан-қисмларга бўлмасдан ўрнатилади. Бу усул машинанинг техник ҳолатини кўрсатувчи физик параметрларни бевосита ўлчашга асосланган. Масалан, босим, босимнинг ўзгариши, ҳарорат ва унинг ишчи қисмда ўзгаришини, газ сарфи, ёқилғи ва мойлаш материаллари сарфи, машинани ташкил этувчи қисмларидаги тебранишлар, двигател қувватнинг ошиши натижасида вужудга келадиган тезланиш қиймати ва б. Бу тизимларни назорат қилиш ундаги механик миқдорлар ўзгаришини электрон диагностик асбоб ва қурилмалар ёрдамида электр ўзгаришига ўтказиш орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан машинанинг диагностик параметрларини аниқлайдиган бир нечта усулларни кўриб чиқамиз.

Босимни ўлчаш. Босим микдори P , босимнинг ошиши dp/dt , босимнинг камайиши ΔP агрегатнинг ёки тизимнинг техник ҳолатига ва унинг функционал вазифаларининг талаб даражасида бажарилишига ўз таъсирларини ўтказади.

Бунда фойдаланиладиган усулнинг физик моҳияти шундан иборатки, ҳар бир тизимда, агрегатнинг ҳаракатланувчи қисмлари оралиғида маълум бир диагностик параметрларнинг оптимал қийматлари (P , dp/dt , ΔP) назорат қилинаётган машина, тизимнинг конструкцион тузилиши ва русуми бўйича аниқланади.

Машина ва агрегатлар ўз функцияларини бажариш даврида, яъни эксплуатация қилиш давомида уларнинг техник ҳолатлари ишчи қисмларнинг ейилиши, ҳаракатланувчи детал, механизмлар оралиғига қўйилган тирқишининг ўзгариши, ёқилғи ва мой сузгич (филтр) ларнинг ифлосланиши, ростланадиган жойларнинг бузилиши каби сабаблар туфайли ўзгариб боради. Бу юқорида келтирилган диагностик параметрлар қийматларининг ошиши ёки камайишига олиб келади. Масалан, двигател мойлаш тизимидағи босимнинг ўзгаришига тирсакли вал бўйинчалари ва подшипникларнинг емирилиши сабаб бўлади, бу боғлиқликни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$i_m = S(a/P_m)^{1/m}, \quad (1)$$

бунда i_m – тирсакли вал бўйинчасидаги емирилиш;

S – вал бўйинчаси ва подшипник емирилиши сабабли оралиғидаги тирқишининг ошиши;

a – доимий коэффициент;

m – тирсакли валнинг айланиш сонига боғлиқ бўлган даражада кўрсаткичи.

Мойлаш тизимида босимнинг эксплуатация давомида ўзгариши бошланишидан $P_m = 0,2\ldots 0,7$ тирсакли валнинг номинал айланиш частотаси бўйича унинг охирги, $[P_m] = 0,1\ldots 0,15$ МПа рухсат этилган қийматигача ўзгаришига қараб тизимдаги деталлар (тирсакли вал бўйинчаси ва подшипниклар) нинг техник ҳолатини аниқлаш мумкин.

Хар бир двигател тури бүйича уларнинг мойлаш тизимидағи номинал, рухсат этилган ва сўнгти чегараси бўлган босим қийматлари тизимдаги мой босимга мой сузгич ва насоснинг таъсирини ўтказмасдан унинг – босимнинг миқдори бўйича, подшипникларнинг техник ҳолатини баҳолаш мумкин.

Шундай қилиб, двигателнинг мойлаш тизимидағи босимнинг ўзгариши бўйича сирпанувчи подшипниклар, вал бўйинчалари, мой сузгич ҳамда мой насосининг умумий техник ҳолатларини билиб олиш мумкин.

Ички ёнув двигатели цилиндрларида сиқиши тақтининг тугашидаги босим миқдори цилиндрда жойлашган поршен ва ҳалқаларнинг техник ҳолати (босим ҳалқаларининг техник ҳолати, газ тақсимлаш механизмидағи клапанларнинг ўз жойларига қанчалик зич ўтирганлиги)ни кўрсатади. Цилиндрдаги максимал ва ўртача индикатор босимининг миқдори ИЁД нинг қувват кўрсаткичларини ифодалайди. Двигателни ёқилғи билан таъминлаш тизимида цилиндр ичига форсунка томонидан пуркалиб бериладиган ёқилғи босимининг ўзгаришини шу тизимда жойлашган ёқилғи насосидаги плунжер-гилза жуфтлигининг техник ҳолати ўзгариши билан баҳолаш мумкин.

Трактор гидротизими техник ҳолатининг кўрсаткичлари: тизимдаги суюқлик босими, насоснинг иш унуми, суюқликнинг сизиб оқиши; саклаш клапанининг ишлаш босими. Ана шу параметр-кўрсаткичлар қийматларининг ўзгариши бу тизимнинг умумий техник ҳолатини баҳолаш имкониятини беради.

Ички кесимда жойлашган ишчи жисм-деталлар ҳароратининг ўзгариши бўйича ташхис қўйиш усули. Ишчи жисм-деталларнинг ҳароратига машина, механизмларнинг иш кўрсаткичлари ва техник ҳолатини аниқлашда муҳим омил сифатида қаралади. Масалан, сиқиши тақтининг охирида цилиндр ичидаги газларнинг ҳарорати дизел двигателини ишга тушириш (осон ёки қийин) сифатини аниқлайди. Чиқиб кетаётган қолдиқ газларнинг ҳарорати цилиндр ичидаги жараённинг боришидан хабар беради. Советиш тизимидағи ҳарорат кўрсаткичлари қийматлари бўйича совитгич (радиатор) деворлари, двигател блоки ва поршен каллакларининг ҳар хил тузлар қотишимлари билан қопланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Булардан ташқари кўпчилик механизм ва тизимларга ташхис қўйишда советиш тизимида,

мойлаш тизимида, гидротизимдаги ҳароратнинг берилған қийматларда ушлаб туришни назорат қилиш зарур.

Ишни бажариш учун намуна. ИЕД тирсакли валининг тезланиш күрсаткичи бўйича ташхис қўйиш. Ушбу усул тирсакли валнинг айланиш давомида пайдо бўладиган тезланиш миқдори бўйича двигателнинг умумий техник ҳолатини аниқлашни назарда тутади.

Айланма индикатор моменти двигателнинг динамик режимида қуидаги аниқланади:

$$M_i = M + J \frac{d\omega}{dt}, \quad (2)$$

бунда, M_i – двигателнинг айланма индикатор моменти, Н·м;

M – моментнинг механизмларни ҳаракатга келтиришда бўладиган механик ишқаланишларни енгиш учун сарфланган миқдори, Н·м; J – двигателнинг келтирилган инерция моменти, Н·м·с²;

$d\omega/dt$ – тирсакли валнинг бурчак тезланиши, рад/с².

Агар двигател энг кам ёқилғи сарфи бўйича салт ишлаб турган бўлса ва биз ёқилғи сарфини (берилишини) ричаглар ёрдамида максимал даражага келтирсак, тирсакли валнинг айланиш тезлиги ω шиддатли ошиб боради.

Тўлиқ ёқилғи сарфидаги тирсакли валнинг айланиш тезлиги ёқилғи насосида мавжуд бўлган регулятор ёрдамида назорат қилинади. Шу режимда ҳосил бўлган энергия, индикатор иши, инерция кучлари қаршилигини енгиш ва механик ишқаланишларга сарф бўлади.

Юқорида келтирилган моментлар тенгламаси асосида қувват тенгламасини ёзиш мумкин:

$$N_e = \frac{(M_i - M)\omega}{1000} = \frac{J\omega}{1000} \frac{d\omega}{dt}, \quad (3)$$

бунда, ω – тирсакли валнинг бурчак айланиш тезлиги, рад/с.

Агар двигател турлари учун келтирилган инерция моментини доимий деб ҳисобласак, у ҳолда:

$$N_e = C \frac{\omega d\omega}{dt}, \quad (4)$$

бунда, C – двигательнинг аниқ тури учун бўлган доимий коэффициент.

Юқоридаги қувват тенгламасидан кўриниб турибдики, тирсакли валнинг бурчак айланиш тезланишининг ўзгариши орқали двигательнинг эффектив қувватини аниқлаш мумкин.

Двигательнинг ҳар бир цилиндр ишлашини баҳолаш учун двигательнинг айрим цилиндрларига ёқилғи бермаслик орқали (уларни ишламасликларини таъминлаш) уни ишлатиб, қувватини ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Двигательнинг тормозсиз, бир текис ишламайдиган режимида:

$$J \frac{d\omega}{dt} = n_u M_{i1} - M = (n - n_y) M_{i1} - M, \quad (5)$$

бунда, n – двигател цилиндрларининг умумий сони;

n_u, n_y – ишлаётган ва ўчирилган цилиндрлар сони;

M_{i1} – битта цилиндрнинг айланма индикатор моменти, Н·м.

(3.8) ни ихчамлаш туфайли тормозсиз, двигател тирсакли валининг айланиш тезланишини аниқлаш мумкин:

$$\frac{d\omega}{dt} = \frac{C}{J} P \frac{n \cdot \eta_m - n_y}{n (1 - \eta_m)}, \quad (6)$$

бунда, P – механик ишқаланиш туфайли босим пасайиши, МП a .

Доимий коэффициент қийматини қуидагича топсак бўлади:

$$C = \frac{9550 \vartheta_u n}{30 \tau_T}, \quad (7)$$

бунда, v_u – цилиндрнинг ишчи ҳажми, л;

ϑ_m – двигател механизмларининг фойдали иш коэффициенти;

τ_T – двигател такт кўрсаткичи (коэффициенти).

Шундай қилиб, (7) тенглама ёрдамида цилиндрларнинг нотекис ишлашини ва двигательнинг индикатор қувватини тирсакли валнинг сокин айланиш сони n_1 дан то номинал айланиш сони n_e гача ўтган вақтни давомийлик бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткич бўйича ёки тамойил асосида ишлайдиган диагностик асбоб (ИМД-Ц) (ДИПС-КИ-13940) лар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан фойдаланиш йўлга қўйилган [4].

Назорат саволлари:

1. Детал, механизм ва машиналарнинг техник ҳолатини ташхислаш усулларини айтиб беринг.
2. Ташхис қўйишининг бевосита параметрларини аниқ бир механизм мисолида тушунтириб беринг.
3. Ташхислаш усуллари таҳлилини келтиринг.
4. Тирсакли валининг тезланиш кўрсаткичи бўйича ташхислаш методини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.
3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Образцов А.С. Системный метод: пременение в земледелии. М, “Агропромиздат”, 1990, 303с
5. Обидов А. Машина-трактор паркидан фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

2-амалий машғулот: Янги техникаларни синаш ва техник меъёрларни белгилаш асослари

Ишдан мақсад: Технологик жараёнларни бажараётган машина-трактор агрегатлари учун илмий асосланган техник меъёрларни аниқлаш методикаси бўйича билим ва амалий кунукма шакллантириш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, маҳсулотлар етиштиришда технологик жараёнларни бажараётган агрегатларнинг бажарадиган иш меъёрини тўғри белгилаш шу соҳанинг тараққиёт даражасини аниқлашда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида машина ва механизмлардан кенг фойдаланиш, ўз навбатида, қўл меҳнати билан бажарилаётган технологик жараёнларнинг камайишига олиб келади. Натижада маҳсулотнинг таннархидаги қўл меҳнатининг салмоғи қисқаради.

Бажарилаётган технологик жараён турларига қараб иш миқдорини майдон бирлиги (m^2 , га), ҳажм бирлиги (л, m^3), масса бирлиги (кг, ц, т) билан ифодалаш мумкин. Қабул қилинган вақт бирлигига кўра ёки иш унуми соатли, сменали, мавсумли, йиллик каби ўлчовларда бўлади.

Технологик жараёнларни бажаришда уларнинг турларига боғлиқ маълум ҳолат ва воқейликлар мавжуд бўлиб, агрегатнинг конструктив қамраш кенглиги ва тезлигига ўз таъсирини ўтказади.

Агрегатнинг пайкалдаги ҳаракати тўғри чизиқли деб қаралса-да, аслида ундей бўлмай, у ҳақиқатда маълум бир эгри чизиқ бўйича ҳаракат қиласи. Натижада, маълум қабул қилинган вақтда босиб ўтиши лозим бўлган масофадан камроқ масофани ўтади, тўлиқ масофани босиб ўтиш учун эса яна қўшимча вақт талаб қилинади. Бундан ташқари тракторнинг етакловчи ғилдиракларининг (занжирининг) сирпаниши (буксование) ҳам агрегат тезлигини ΔV_n миқдорга камайишига олиб келади.

Агар агрегат ишлаш вақтида (смена, кун) ишчи машина ёки тракторга ТХК учун вақт сарфланган бўлса, унда бу вақт йўқотилишининг иш унумига таъсирини ифодалайдиган коэффициент τ_t таниқланади:

$$\tau_t = (T_i - T_t) / T_i \quad , (1)$$

бунда, T_t – агрегатнинг ишлаши давомида ТХК учун сарф бўлган вақт, соат;

τ_t – агрегатнинг техник ҳолатига боғлиқ бўлган T_i вақтдан фойдаланиш коэффициенти.⁶

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олсак бунда агрегатнинг техник иш меъёри ифодасини оламиз:

$$W_c = C_T \cdot B_k \cdot \beta \cdot V_H \cdot \varepsilon_v \cdot T_c \tau_t , \quad (2)$$

бунда, T_c – агрегат ишини давомийлиги, 1 соат;

W_c – агрегатнинг бир соат давомидаги иш унуми, га/соат;
м³/соат; т/соат.

(2) формуладан кўриниб турибдики, агрегатнинг техник иш унуми унда мавжуд бўлган техник имкониятлардан қанчалик фойдаланиш мумкинлиги даражасини ҳисобга олган ҳолдаги иш унумидир.

Агрегатнинг ҳақиқий (эксплуатацион) иши меъёри деб технологик жараён ижро этилаётган шароитда, маълум вақт ичида бажарилган фойдали иши ҳажсига айтилади. Бу ерда, асосан, агрегатнинг ишлиши учун ажратилган вақтдан қанчалик даражада фойдали иш бажарилишига сарфланиши ҳисобга олинниб, смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти $\tau(2)$ формулага киритилади. Унинг сон қиймати ишни тўғри, илмий асосда ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади:

$$W_{cm} = C_T \cdot B_k \cdot \beta \cdot V_H \cdot \varepsilon_v \cdot T_{cm} \cdot \tau$$

ёки $W_{cm} = C_T \cdot B_u \cdot V_u \cdot T_u , \quad (3)$

бунда, B_u , V_u , T_u – агрегатнинг мос ҳолда ҳақиқий: қамраш кенглиги, иш тезлиги ва смена давомида фойдали иш бажаришга сарф бўлган вақти;

W_{cm} – агрегатнинг сменадаги ҳақиқий (эксплуатацион) иш унуми, га/см;
т/см; м³/см; ткм/см; м/см.

Иш бирлигига сарф бўлган ёқилғи миқдори ва агрегатнинг иш унумини двигателнинг эффектив қуввати орқали ҳисобласак, у қуйидаги кўринишда бўлади:

⁶Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the. (pp 4-6).

$$\Theta = \frac{G \cdot K}{0,36 N_e \tau \eta} = \frac{g_e K}{0,36 \tau \cdot \eta}, \quad (4)$$

бунда, G – агрегат томонидан ўртача бир соатда сарф бўлган ёқилғи миқдори, кг/соат; g_e – двигател қуввати бирлигига сарф бўлган ёқилғи миқдори, кг/кВт.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, бажарилган иш бирлигига сарф бўлган ёқилғи миқдори g_e , двигателнинг иқтисодий такомиллашган даражаси ва ишчи машинанинг солиштирма қаршилигига тўғри пропорционал, яъни бу икки кўрсаткичнинг қийматлари ошгани сари ёқилғи сарфи ҳам ошиб боради ва аксинча, смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти ҳамда тракторнинг ФИК га тескари пропорционалдир. Ёнилғи сарфини камайтириш учун албатта смена вақтидан самарали фойдаланиб кўпроқ иш бажаришга ҳаракат қилиш лозим. Иложи борича технологик жараённи бажаришда юқори ФИК эга бўлган трактордан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Айрим илмий изланишлар натижасидан маълум бўлишича, агрегат бир смена давомида тахминан 8... 30% вақтни тўхташга ва салт юришга сарфларэкан. Кичиккыймати оддийвакаттақиймати мураккабагрегатларнинг бажаришларигатўғрикелади.

Меъёрларни жадваллар шаклида берилиши учун бошланғич маълуматлартехнологик жараённинг турига қўра тажрибали ходимларга эга бўлган илмий ташкилотлар ва норматив станциялари томонидан тайёрланади. Муайян шароитга мос маълумотлар танлаш ушбу жадвалга қўра, ҳар бир хўжаликка, минтақага аниқлаш мумкин.

Умумий стандарт усули сифатида кўп йилдан буён механизациялашган дала ишларига техник меъёрлар қўйиш методикаси ишлаб чиқилган бўйича фойдаланиб келинмоқда.

Уларнинг, меъёри миқдорий қийматига таъсир этадиган омилларнинг (тупроқ тури, ер майдони ва узунлиги, майдон қиялиги ва баландлиги ва маҳаллий аҳамиятга молик бошқа кўрсаткичлар бўйича), ҳар бир фермер хўжалиги томонидан ўрганиш ва табиий ишлаб чиқариш шароитлари бўйича дала майдонларини паспортизациялаш, тизимлаштириш; ўзига хос тупроқ ва тупроқ унумдорлигига акс таъсир этмайдиган қурол, қурилмалар машиналар ёрдамида бажарилган ишга муайян энергияяга талаби, машинани қаршилик, кўрсатишини тупроқ ҳолатига таъсирини айниқса, хўжаликни шароит

талабларыга мос, (ўрим-йиғим ишлари бўйича) қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини аниқлаш.

Техник меъёрлар, стандартлар ишлаб чиқиш тартиби: бажарилган иш нормалари ва вақт меёйрлари (бир сменада ёки бир гектарга ишлов беришга) 7 соат, кун асосида фермер, ёки жамоа хўжалиги учун ишлаб чиқилган: Агрегатни тайёрлаш, вақти созлаш-техник хизмат кўрсатиш агрегатни дала келиши ва кетиши, пайкалдан пайкалга ўтишидаги вақт сарфи техник меъёрни ишлаб чиқаришда меъёрга киритилмайди ва бу сарфланган вақтга алохидат тўланади.

Техник меъёрни яъни агрегат бажариши зарур бўлган иш миқдори ва ёқилғи сарфи агрегат номини режимида ишлаганида сарфланадиган энергия миқдори бўйича аник шароида фойдаланиш ишга белгиланади. Ёрдамчи ишни бажарилиши учун техник меъёрлар, масалан: агрегатни бурилиши, соат юриши, бир пайкалдан бошқасига ўтишларида ҳисоблаш ва бўладиган ёқилғи сарфи меъёри маҳсус ёқилғи баклари ёрдамида, тажрибалар билан белгиланади. Айрим ҳолатларда муҳандислик ҳисоб-китоблар, вақт таҳлил қилиш, кузатишлар, куннинг давомини фотосуратлар кўра ўрганиш мумкин. Бунда энг муҳим жараёни бажарадиган машина-трактор агрегати соз бўлиши ва механизатор тажрибали бўлиши лозим. Тезкор хусусияти агрегатлардан фойдаланишда агротехника талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумий услари ёрдамида амалга оширилади.

Ерларни паспортизациялаш-сертификатлаш минтақавий тадқиқотчилар раҳномолигида турли соҳаларда ҳар бир фермер хўжалигыда мавжуд мутахасис агроном кучлари ёрдамида амалга оширилади. Кузатув-ўлчов усли. Олдинги икки усулларда хам вақт сарфини кузатувлар ёрдамида ўрганиш, вақтдан фойдаланиш коэффициенти миқдорини аниқлаш қиймати учун фойдаланилган эди. Айрим ҳолларда асосий омил-кузатиш ёрдамида техник меъёрни белгилашда Хронометраж усули анча аниқкка эга ва ижобий натижга беради. Шунинг учун бу усул кенг саноат ишлаб чиқаришни меъёрларини аниқлаш учун ишлатилади, бироқ ҳали қишлоқ хўжалигига асосий дастур сифатида ўз ўрнини топилмади. Шу билан бирга, механизациялашган ишлари учун техник меъёрларни аниқлашда бу усул анча арzon ва мураккаб жиҳозларни талаб қилмайди. Агрегатда тракторист билан бир қаторда кузатувчи техник меъёrlашни амалга ошириш учун кузатувчиқўлида хронометрик харита-планшет бўлиши ва ҳамда сонияларни кўрсатадиган соати бўлиши керак. Жараённи ўрганиш учун бир сменани иш мониторингини ўтказади. Планшетга иш вақти, тузатиш, турли узилишлар,

бурилишга сарфланадиган вакт, салт ҳаракат вақти, техник ва технологик түхташлар вақти, шунингдек сменада сарфланган ёқилғи мікдори аниқланади. Нихоят, у берилған смена учун кузатувлар бүйича ишончли натижаларни ошишга эришилади. Кенг кузатишлар ишлаб чиқариш мұхитида, камида сменада фермер хұжалигидаги иш тури учун энг типик амалға оширилади. Сония кузатиш қоидаларини ўзгартириш ва такомиллаштириш учун иш ташкил этиш бүйича хulosалар чиқаришга мунтазам тақрорлаш керак. Вактни сониялар бүйича сарфланиши ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни юқори савияда амалға ошириш, фойдаланилмай қолған захираларни очиб беради.

Ёқилғи сарфи меъёрнини аниқлаш. Ёқилғи сарфи меъёри мікдорига агрегатни иш бажариш меъёрига тасир этадиган омиллар хам ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга ёқилғи сарфига трактор двигатеои, унинг техник холати, тури, таъсир күрсатади, деб таъкидлаш лозим.

Агар формула билан ёқилғи сарфини аниқласақ, унда

$\square = A g_e / 10^3$ кт/га тенг бўлиб, турли двигателлар томонидан муайян ёнилғи сарфи маълумотларига эга бўлиши керак. Тракторларни турли режимларда ишлаганида бўладиган солиштирма ёнилғи сарфи завод маълумотларида кўрсатилади. Ёқилғи сарфи меъёрини $\Theta = G_p / W_c$ кг/га – формуласидан аниқлаш қулайроқ.

Билвосита усуслар ёрдамида техник меъёрни белгилаш.

Бу усульдан фойдаланишнинг афзаллиги бунда белгиланган меъёрлар аниқ шароитларда уларни бир-ъирига таққослаш ва аниқлаштириш имкониятини беради. Ўртacha шароитга белгиланган техник меъёрлар ҳамма шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ўртacha шароитда оғир ёки енгил бўлган технологик жараён учун маҳсус эксперемент-тажрибалар асосида техник меъёрлар белгилашни тақазо этади.

Техник меъёлашнингтурли усусларни баҳолаш.

Техник мпеъёрни тартибга солиш ва уни турли шароитда, улардан оқилона танлаш техник меъёрни ҳақийқийлигини таъминлашда, усусларини таққослаш мухим аҳамиятга эга.

Меъёрлаш усули биринчидан кам харжли, бажарилиши мутахассислар учун тушунарли бўлиши керак.

Давлат ва жамоа хўжаликлари учун етарлича даражаси меъёрлаш жамоаси, ташкилоти томонидан ташкил этилган ва меъёрларни аниқлаш берилған жадвал асосида қийинликларни тўғирилайди, чунки тайёр норматив

жадвалларни беради, уларни ишлатиш осон ва тушунарли бўлган ва у мутахассислар ва механизаторлар, бухгалтерия ходими, фермер хўжаликлари учун ҳам фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга бир жойда, давлат ва жамоа хўжаликлирида ушбу жадвални қўллаш, ишлаб чиқариши комплекс механизациялаш машина ва жихозларни аниқлаш учун технологик харитасини тузиш ерларни паспортлаш-сертификациялаш учун тайёргарлик ишларини амалга ошириш, табиий ва меҳнат муҳтини ривожлантириш керак.

Норматив усули - асосий усул сифатида тасдиқланган ва ишлаб чиқаришда амалга ошириш учун қабул қилинган. Назорат-эксперемент усули аниқ натижаларни бериб, меъёрлар яққол намоён бўлади. Ўлчагич агрегати ўзиюрар шассига ўрнитилгван бўлса, у жуда оддий бўлади. Кадрлар малакасини ўсиши билан бир қаторда бу усул тобора кенгроқ қабул қилинади, деб фикр юритиш мумкин.

Статистик усули дифференция қилишни тақозо этади. Бунда фақат статистик маълумотлар асосида меъёрлар белгиланади. Бироқ ҳеч қандай ўлчов ишлари бажарилмайди.

Хронометрик усули, ҳеч асбоблар ва мураккаб жихозларни талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам техник меъёрлашда вақт сарфини аниқ ўлчаш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Бу усул хўжаликлар учун техник меъёрлар аниқланмаган ҳолатларда қўллаш мумкин. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни амалга оширишучун олоҳида мутахassis хронометрик кузатув ўтқазадиган шахс керак.

Назорат саволлари:

- 1.Техник меъёрлашнинг моҳиятини очиб беринг
- 2.Техник меъёрлаш усулларининг таҳлилини келтириг
3. Хронометриккузатув методи бўйча техник меъёрлаш технологиясини келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
- 2.Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.

3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Обидов А. Машина-трактор паркидан фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

3-амалий машғулот: Қишлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланилган машиналар тизими параметр ва күрсаткичларини анықлаш

Ишдан мақсад: Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштиришда ишлатиладиган техник тизим параметрларини оптималлаштириш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу туфайли маҳсулот бирлигига сарф бўлган харажатлар миқдорини энг кам қийматигаэришиш усуллари бўйча билим ва амалий кўникма шакллантириш.

машина-трактор агрегатларини оптимал параметрларини анықлаш кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз таркибиға қуйидагиларни олади: машиналар турини танлаш, рационал таркибини ва ишлашидаги тезлик режимларини анықлаш ҳамда машина-трактор агрегатларини амалда тузиш. машина-трактор агрегатларини тўғри тузиш машина-трактор агрегатлардан самарали фойдаланшининг энг асосий шартларидан биридир.

машина-трактор агрегат қуйидаги талабларга жавоб берииши керак:

- механизациялашган технологик жараёнларни минимал харажатлардабажариб, агротехник талабларни қаноатлантириши;
- машина-трактор агрегатнинг тортиш ва тезлик хоссаларидан тўлиқроқ фойдаланган ҳолда машиналарнинг рационал ишлашини таъминлаши;
- агрегатларнинг юқори иш унумдорлигини таъминлаган ҳолда бажарилган иш бирлигига ёқилғи сарфи ва эксплуатацион харажатларнинг минимал бўлиши;

- агрегатта техник ва технологик хизмат күрсатишинингқулай бўлишини таъминлаши.

Агрегатларни ҳисоблашда қуйидаги шароитларни ҳисобга олиш зарур:

- бажарилиши лозим бўлган механизациялашган ишнинг тури, агрегатнинг иш шароити, берилган операцияни бажаришга қўйиладиган агротехнологик талаблар;
- энергетик воситаларнинг хоссалари;
- машина – жиҳозларнинг тортишга қаршилиги;
- машинанинг ҳаракати жараёнида қаршилигининг тебраниш характеристикаси;
- тезлик режими.

Агрегатни ҳисоблаш усуллари. Агарда агрегатнинг таркибида бир нечта ишчи машиналар бўлса, уларнинг сони икки хил усулда танлаб олинади:

- a) тажриба усули; b) ҳисоблаш усули.

Тажриба усулида, машиналарни ишлаб чиқарувчи заводларнинг кўрсатмаси (инструкцияси) га кўра ёки маҳсус адабиётлардаги статистик маълумотлар асосида агрегат тузилади ва кейинчалик иш жараёнида тезлик режимларига, двигател қувватидан фойдаланиш даражасига, иш унумдорлигига ва ёқилғи сарфига кўра текширилади. Агарда юқоридаги кўрсаткичлар оптимал миқдорларидан катта фарқ қиласа, у ҳолда, агрегатдаги машиналар сони қайтадан аниқланади. Бу усулда агрегатларнинг таркибини аниқлаш кўп вақт талаб қиласи, оптимал ечимга эришиш қийинлашади.

Ҳисоблаш усули қуйидаги хилларга бўлинади: чизма (график); чизма—аналитик; аналитик; математик усуллар ёрдамида электрон машиналарида ҳисоблаш. Ҳисоблаш усулларида, аввало, агрегат таркибининг оптимал варианти аниқланиб, кейинчалик ишлаб чиқаришда текширилади.

Машиналарнинг аниқ иши шароитини ҳисобга оладиган, агрегатдаги машиналарнинг сонини аниқлайдиган ҳисоблаш усули энг аниқ усулдир.

Чизма усуліда иш шароитини акс эттирадиган тайёр чизмалардан фойдаланиб, агрегаттарнинг таркибини ҳисоблаш мүмкін. Бунда машиналар миқдори, узатма, ҳаракатланиш тезлиги, ёқилғи сарфи (баъзан сменалик иш унумдорлиги) чизмадан олинади.

Чизма-аналитик усул. Агарда агрегатнинг тортиш қаршилигини ҳисоблашдан сўнг, агрегатнинг таркибини аниқлаш учун керак бўлган маълумотлар чизмадан фойдаланган ҳолда олинадиган бўлса, бундай усул чизма - аналитик усул дейилади.

Эксплуатацион амалиётларда аналитик усул кенг кўламда қўлланилади. Шунинг учун бу усул анча муфассал ўрганишни тақозо этади. Кейинги вақтларда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) дан фойдаланилмоқда. Бунда маҳсус тузилган дастур асосида аниқланади.

Агарда агрегатнинг таркиби факат формулалар ва норматив маълумотлар ёрдамида ҳисобланса, бу агрегатни аналитик усулда ҳисоблаш дейилади. Агрегатнинг таркибини аниқлаш қўйидаги масалаларни ечишни тақозо этади:

- дастлабки маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш;
- агрегат таркибига кирувчи трактор, КХМ ва жиҳозларни танлаш;
- тракторнинг узатмаси (асосий ва захирасини) ва агрегатнинг юриш тезлигини танлаб олиш;
- агрегатдаги ишчи машинанинг сонини аниқлаш;
- тиркагичнинг фронти ҳисобланиб, тиркагич танлаш (тури ва маркаси);
- агрегат таркибининг тўғри тузилганлиги ва унинг кўрсаткичларини текшириб кўриш;
- МТА амалда тузилади, яъни машиналар тиркалади ёки осилади. Ишчи органлари керакли тартибда ўрнатилади; йўналтирувчи қурилма (маркер, из кўрсаткичлар)нинг ўлчамлари ҳисобланиб, ўз жойларига ўрнатилади.

Тракторнинг тежамли иш режими, одатда, тортиш қуввати энг юқори қийматга эга бўлган узатмага мос келади. Шу узатмани асосий иш узатмаси сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Асосий иш узатмаси билан бир қаторда захира узатма (юқори ва пасткилари) аниқланади.

Бундай қилиш, айниқса, агрегат нотекис майдонда ва тупроқнинг тез ўзгариб турадиган ҳолатида ишлагандага мувофиқ бўлади.

Тракторга рационал юк тушиши (энг тежамли иш узатмалари) чегараси, оптималь иш тезлигининг чегараси ва тортиш қаршилиги тракторнинг (потенциал) тортиш тавсифномасидан топилади. Ишлайдиган машиналарнинг технологик рухсат этилган тезликларининг чегарасини ҳамхисобга олиш керак. Асосий ва захира узатмалари сифатида қайси бир узатмаларни танлаш, ҳисоблаш асосида белгиланади. Бунинг учун рухсат этилган тезликлар чегарасига мос келадиган ҳар бир узатмада агрегат таркиби ҳисобланади, тракторнинг юкланиш даражаси аниқланади ва агрегатдан фойдаланишининг (эксплуатацион) күрсаткичлари ҳисоблаб топилади.

Асосий иш узатмаси тезликни қўшимча чегаралайдиган технологик талабларни ҳисобга олиб танланади. Масалан, етакловчи юриткичларнинг тишлишиши, агрегатнинг ағдарилиб кетмаслиги ва ишлов бериш қобилияtlари.

Трактор кувватини фақат ишчи машинани тортиш учун сарфланадиган тиркама агрегатларнинг таркибини ҳисоблашда иккита вариант қўлланилади: биринчисида агрегатнинг энг катта қамраш кенглиги (В) аниқланади, иккинчисида эса агрегатдаги ишчи машиналарнинг сони аниқланади.

1) Энг катта қамраш кенглиги бўйича (қиялик $i = 0$) ҳисоб қуидаги формула ёрдамида бажарилади.

$$B = \frac{P_u - R_t}{K}, \quad (1)$$

бунда, R_t – тиркагичнинг қаршилиги, кН;

K -ушбу типдаги агрегатнинг солиштирма қаршилиги, кН/м.

Агрегат таркибидаги машиналар сони n (кичик томонга яхлитлаб, бутун сон олинади) қуидагича аниқланади:

$$n = \frac{B}{B_k} , \quad (2)$$

бунда, B_k – битта машинанинг конструктив қамраш кенглиги, м.

Тиркагичнинг талаб қилинадиган фронти (эни) – B_t қуидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

$$B_t = B_k (n-1) \quad (3)$$

Агрегатнинг тортиш қаршилиги R_a (кН) унинг аниқланган таркибидан ҳисобланади:

$$R_a = K B_k n + R_t \quad (4)$$

Тиркама ер ҳайдаш агрегатларида қуидаги күрсаткічлар аниқланади:

a) плугнинг битта корпусига түғри келадиган тортиш қаршилиги:⁷

$$R_k = K_o B_k a \pm q_k C \frac{i}{100} \quad , \quad (5)$$

бунда, a – ҳайдашчуқурлиги, м;

B_k – плуг корпусининг қамрашкенглиги, м;

q_k – бир корпусга түғри келадиган плугнинг оғирлиги, кН/корпус;

i – майдоннинг қиялик даражаси, %;

C – плуг корпусидаги тупроқ оғирлигини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициенти. $C \approx 1,1 \dots 1,4$; ($a=22 \dots 25$ см бўлганда). Плугнинг бир корпуси қаршилиги ҳисоблангандан сўнг плугда мумкин бўлган корпуслар сони аниқланади:

$$n_k = \frac{P_u \eta_u}{R_k} \quad , \quad (6)$$

бунда, η_u – тракторнинг берилган узатмадаги номинал тортиш кучидан фойдаланиш коэффициенти.

б) Ҳисобланган таркибадаги плугнинг тортишга қаршилиги:

$$R_n = G_n f_n + K_o B_k a n_k + \varepsilon a n_k B_k v_u^2 \quad , \quad (7)$$

бунда, G_n – плугнинг массаси, т;

f_n – плугнинг тортишга қаршилик күрсатишиш коэффициенти, кН/т;

v_u – агрегатнинг ишчи тезлиги, м/с.

Осма, тортув-юритмали ва юк ташийдиган (транспорт) МТА ни ҳисоблашда агрегатдаги машиналарнинг сонини ва қамраш кенглигини

⁷Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.

үзгартириб бўлмайдиган пайтларда двигателнинг юкланиш даражаси ва агрегатнинг харакатланадиган иш тезлиги аниқланади:

харакатланадиган иш тезлиги:

$$V_u = \frac{3,6 N_{u \max} \eta_{um}}{R_a} , \quad (8)$$

бунда, $N_{u \max}$ – трактор илмоғидаги максимал тортиш қуввати, кВт;

η_{um} – трактор тортиш қувватидан оптималь (энг самарали) фойдаланиш коэффициенти ($\eta_{um} = 0, 85...0, 95$ бўлганда двигател тежамли ишлайди).

Агрегат иш тезлиги V_u ни қабул қилишда технологик жараённи бажаришда тавсия этилган тезликни $[V]$ ҳисобга олиш ва ушбу тенгсизлик $V_u \leq [V]$ бажарилишини таъминлаш лозим.

Агрегатнинг иш тезлиги V_u аниқлангандан сўнг, двигателнинг ҳақиқий юкланиш коэффициенти ξ , иш унумдорлиги ва механизациялашган иш бирлигига тўғри келадиган ёқилғи, меҳнат ва маблағ сарфи аниқланади ҳамда агрегатнинг тўғри тузилганлиги ҳақида хулоса қилинади.

Агрегатнинг таркибида, агар ҳар хил ишчи машиналар аралаш (комбинацияланган) бўлса ва тракторнинг қуввати факат тортишга сарф бўлса, тортиб ишлайдиган агрегатларнинг таркибини аниқлашда аввал агрегатнинг:

a) энг катта қамраш кенглиги B_{max} ҳисобланади:

$$B_{max} = \frac{(P_u - G \cos \alpha) \eta_u}{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n} , \quad (9)$$

бунда, K_1, K_2, \dots, K_n – агрегат таркибига кирувчи биринчи, иккинчи ва n -чи хилдаги тегишли машиналарнинг солиштирма тортиш қаршилиги, кН/м;

б) агрегатнинг ҳаракатида биринчи технологик операцияни бажарадиган машиналар сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$n_1 = \frac{B_{max}}{B_1} , \quad (10)$$

бунда, B_1 – агрегат таркибига кирувчи биринчи хилдаги машинанинг қамраш кенглиги, м;

в) агрегатнинг биргина харакатида биринчи ва иккинчи технологик операцияларни бажарадиган машиналар орасидаги нисбат m (бутун сонгача яхлитланади):

$$m = \frac{B_1}{B_2} , \quad (11)$$

бунда, B_2 – иккинчи хилдаги машинанинг қамраш кенглиги, м.

г) агрегатнинг ҳаракатидаги иккинчи технологик операцияни бажарадиган машиналар сони:

$$n_2 = m n_1 \quad (12)$$

д) аралаш-тортиш агрегатнинг тортиш қаршилиги унинг таркибиға боғлиқ бўлиб, қуидагича аниқланади:

$$R_a = n_1 B_1 K_1 + n_2 B_2 K_2 + \dots + n_n B_n K_n \quad (13)$$

Тортув-юритмали агрегатларни ҳисоблаш қуидаги тартибда бажарилади:

а) агрегатнинг умумий тортиш қаршилиги:

$$R_a = R_1 + R_2 , \quad (14)$$

бунда, R_1 – агрегатнинг тортишга қаршилиги, кН;

R_2 – машинанинг ишчи органларини ҳаракатга келтиришдаги қаршилик, кН.

б) машинанинг тортишга қаршилиги (майдонда қиялик α мавжуд бўлса):

$$R_1 = K B + G_\mu \sin \alpha , \quad (15)$$

бунда, G_μ – ишчи машинанинг оғирлиги, кН.

в) машинанинг ишчи органларини ҳаракатга келтириш учун кўрсатилган қаршилик:

$$R_2 = \frac{0,159 N_e \cdot \eta_{tp} \cdot i_{tp}}{r_k n \eta_b} = \frac{0,159 N_e}{V_u \cdot \eta_e} , \quad (16)$$

бунда, N_e – қувват узатиш вали (ҚОВ) даги қувват, кВт;

η_b – ҚУВ нинг фойдали иш коэффициенти ($\eta_b \approx 0,95$);

n –двигател тирсакли валининг номинал айланиш частотаси, c^{-1} ;

КАЛИБРЛАБ ҮФИТЛАШ

Ерга калибрлаб үфит сочиш жуда қийин жараён ҳисобланади чунки бу жараёни бажариш учун аниқ үлчаш механизмларига асосланған жиҳозлардан, агрегат ва машиналардан фойдаланиш зарур бўлади. П. X. Соутелл ва Ж. Самуел (Гуелп Университети, Онтарио) лар үфитларни калибрлаб сочишни баҳолашнинг уч хил усулини ишлаб чиқишида юқоридаги 9 – жадвалда уларнинг қилган ишлари график кўринишида берилган. Улар калибрлашда асосий омил сифатида үфит ҳажми ва намлигини танлаб олишди. Улар ҳакиқий калибрлаш 128-195% гача етишини аниқлашди. Улар шуни аниқлашдики үфитларни калибрлашда асосий муаммо үфитларнинг уваланиб кетиши я`ни ўз ҳажмининг ўзгариши эмас үфитлаш машинасининг үфитга кўрсатаётган техник та`сиридир. Улар калибрлаш машиналари ишини таҳлил қилишда үлчаш воситаларида ҳажм бирликларидан фойдаланишди , $\text{кг}/\text{м}^3$ [$\text{лб}/\text{фт}^3$] ва бошқалардан.

Таҳлил натижалари шуни қўрсатдики кичик ҳажмли ўги`итлаш машиналари учун қуруқ ва энгил үфит тури энг мақбули ва аксинча оғ`ир ҳажмли үфитлаш машиналари учун суюқ кимёвий препаратлар энг мақбули ҳисобланади.

Үфитлар ишлаб чиқарувчилар одатда асосий э`табор берадиган техник хусусиятлар Фиг. 9.12 да кўрсатилган. Бундай таҳлил жараёни фанда ``шведча баҳолаш`` дея ном олган. Машина иши миқдори эса 270 кг/ҳа эсдеб қабул қилинган. Ўтказилган таҳлил шуни қўрсатганки машина айнан шундай миқдор суратида ишласа юқори самарадорликга эриша олган.

Сувсиз аммиак жуда қийин калибрланади. Унга ма`лум миқдорда суюқлик қўшса калибрлаш жараёни осон кечади. Сув қўшганга нисбатан бошқа турдаги суюқлик билан аралаштириш яхши самара беришини таҳлил жараёнлари ҳам кўрсатиб берди.




Fig. 9.12 Application pattern for fertilizer broadcaster.

Суюқ ўғитларни калбрлаб сепишда махсус техник тавсифдан фойдаланиб ёндошиш керак чунки суюқ калибрлаб сепиш машиналари ўғитларни узок масофага ҳам сепа олиш хусусиятларига эга. Асосий тезлиги сепиш ме`ёридан, ҳолатидан келиб чиқиб танланади. Масалан қуида калибрлаш жараёнинг тезлик – вақт билан bog'лиқ ҳисоблашлари келтирилган.

Суюқ ўғит стандарт тарқатиши бўйича олинган. Битта контенрда . 1.5 кг ўғит бор шундан 30 % эритма унинг колбадан чиқиш вақти 36 секунд. Қанча оғ`ит сепгач тезлиги 7 км/с бўлган машина 1 м қатор интервал билан 6 қаторга қанча вақтда ва қандай миқдорда сепади.

Фактор	Бекарор, паст оқим	Филдирак диск ўлчами	Парма спирали ўлчами
Механизм оғишининг ўртача қиймати	25.5 17.7-31.6	17.1 8.1-22.5	11.0 5.7-16.7
Қатор оғишининг ўртача қиймати	13.1 2.2-20.2	8.0 5.4-14.0	8.4 2.3-13.9
Умумий иш бажаришдан оғиш қиймати	24	18	12

Юк ташийдиган МТАниҳисоблаш.

Умумий ҳолда бир нечта бир хил тиркама ва яримтиркамалардан ташкил топган агрегатнинг тортиш қаршилиги R_a (кН) қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_a = n_n G_n (f_n + \sin \alpha) , \quad (17)$$

бунда, n_n – трактор-транспорт агрегати таркибидаги тиркамалар сони;

G_n – юк ортилган битта тиркаманинг умумий оғирлиги, кН;

f_n – тиркаманинг ғилдираши қаршилик коэффициенти.

Юк ортилган тиркаманинг умумий оғирлигини қуидагилар ташкил этади:

$$G_n = G + Q, \quad (18)$$

бунда, G – юк ортилмаган (бўш) тиркаманинг оғирлиги, кН;

Q – тиркамага ортиладиган юкнинг оғирлиги, кН.

Транспорт агрегатлари учун тракторнинг юкланиши бўйича энг катта қаршилик кўрсатиши, бу унинг турган жойидан қўзғалишига (айниқса, қиялик бўйича) ва текис бўлмаган йўлларга тўғри келади.

Агрегатнинг энг катта қияликда тўхтаб турган жойидан қиялик бўйлаб қўзғалиш вақтидаги қаршиликни енгисх учун тракторнинг номинал тортиш кучи аниқлангандан сўнг узатма қутисидан ишчи тезлик танланади:

$$P_u \geq G_n (f_n a_n + \sin \alpha) + G [f(a_t - 1) + \sin \alpha], \quad (19)$$

бунда, a_t , a_n – тегишли трактор ва тиркаманинг жойидан қўзғалишида уларнинг ҳаракатланишига қаршиликни ошиш коэффициентлари ($a_t = 1, 84 \dots 2,48$; $a_n = 1,5 \dots 1,87$).

Танланган пастки узатмада ғилдиракларни тишлашиш кучи (P_{cmax})нинг етарли бўлиши қуидаги формуладан фойдаланиб текширилади:

$$P_{cmax} - G(f a_t + \sin \alpha) \geq G_n (f_n a_n + \sin \alpha) \quad (20)$$

Тиркамали тракторнинг энг катта (максимал) тишлашиш кучи P_{cmax} агрегат ҳаракат қилаётган йўл юзасининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, қуидагича ифодаланади (1.10-чизма):

а) ғилдирак билан тупроқнинг тишлашиши қониқарли бўлган ҳолатда:

$$P_{cmax} = G_t \mu, \quad (21)$$

бунда, G_t – етакловчи ғилдиракларига тушадиган тракторнинг оғирлиги, кН; μ – тишлашиш коэффициенти (1.4.-жадвал).

б) агар агрегат ҳаракат қилаётган йўл юзасининг силлиқлиги (деформацияланиши) сабабли тракторнинг ғилдирагидаги уринма кучидан тўлик фойдаланиш имконияти, яъни ғилдирак билан тупроқнинг тишилашиши қониқарсиз, етарли бўлмаса, у ҳолда $P_{c\max}$ қуидагича топилади:

$$P_{c\max} = \frac{\mu G(L-a)\cos\alpha}{L-\mu r_k} \quad (23)$$

в) агар агрегат таркибида ярим тиркамалар бўлса, уларниг оғирлигини маълум бир қисми тракторнинг илмоғига тушишини назарда тутсак, у ҳолда $P_{c\max}$ қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$P_{c\max} = \left(G_t + \frac{L+L_n}{L} G_k \right) \mu , \quad (24)$$

бунда, L – тракторнинг базаси, м;

L_n – тиркама илгагидан тракторнинг етакловчи ғилдираклари ўқидан ўтган вертикал текисликкача бўлган масофа, м;

G_k – яримтиркамадан тракторнинг илмоғига тушадиган оғирлик, кН.

Юк ортилган тиркаманинг энг катта (максимал) оғирлигини $G_{n\max}$ тишилашиш кучи $P_{c\max}$ қийматини ҳисобга олган ҳолда қуидагича топиш мумкин:

$$G_{n\max} = \frac{P_{c\max} \eta_u}{f_n + \sin\alpha} \quad (25)$$

Агрегат таркибида бўлиши мумкин бўлган тиркамаларнинг сони:

$$n_n = \frac{G_{n\max}}{G_n} , \quad (26)$$

Технологик жараёнларни бажариш учун тузилган МТА ларидан самарали фойдаланишнинг бош мезони агрегатнинг энергетик ресурсидан, яъни двигателнинг номинал эффектив қувватидан – N_e , тракторнинг илмоғидаги кучидан – P_u ва тракторнинг максимал тортиш қувватидан N_{umax} фойдаланиш коэффициентларининг сон қийматлари билан баҳоланади.

Тракторнинг илмоғидаги тортиш кучидан фойдаланиш коэффициенти қуидагича аниқланади:

- агрегат ишлаётган майдонда қиялик (**i**) мавжуд бўлса:

$$\eta_u = \frac{R_a}{P_u - G \sin \alpha} ; \quad (27)$$

- агар агрегат ишлайдиган майдонда қиялик мавжуд бўлмаса, яъни ер майдони горизонтал (**i** = 0) бўлса, у ҳолда η_t - нинг қиймати:

$$\eta_u = R_a / P_u \quad (28)$$

Агрегатнинг турига ва технологик жараёнлар хусусиятларига қараб η_u нинг қиймати 0, 75 ... 0, 95 гача ўзгариши мумкин.

Тракторнинг илмоғидаги максимал тортиш қувватидан $N_{u\max}$ фойдаланиш коэффициенти ($\eta_{u\max}$) нинг сон қиймати бажарилаётган технологик жараёнларнинг турларига, агрегатнинг массасига ва ишлаш майдонининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, қуидагича аниқланиши мумкин:

$$\eta_{u\max} = \frac{V_u R_a}{P_u V_h} = R_a \varepsilon_v / P_u = \eta_t \varepsilon_v \quad , \quad (29)$$

бунда, V_u, V_h – агрегатнинг ишчи ва назарий тезлиги, м/с;

ε_v – трактор етакловчи филдираклари (занжири)нинг сирпаниши натижасида агрегат тезлигининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Мавжуд технологик жараённи бажаришда тракторнинг қуввати ишчи машинани тортишга кўрсатган қаршилигини енгиш учун ва унинг ишчи органлари ишлаши учун сарф бўлса, у ҳолда двигателнинг эффектив қувватидан N_e фойдаланиш коэффициентини η_e қиймати билан агрегатнинг тўғри тузилганлиги баҳоланади ва қуидаги формуладан топилади:

$$\eta = \frac{N_u + N_e}{N_e} = \varepsilon_v (\eta_{um} + \eta_e) \quad , \quad (30)$$

бунда, η_e – қувват узатаётган механизмларнинг фойдали иш коэффициенти.

Агар технологик жараён бажарилаётган майдон горизонтал бўлмай, маълум қияликка **i** га эга бўлса, у ҳолда двигател қувватининг маълум бир қисми қиялик туфайли пайдо бўлган қўшимча қаршиликни енгишга сарф бўлади. Бу ҳолат агрегатни тузишда албатта ҳисобга олиниши керак /1/.

ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТГИЧЛАР

Қишлоқ хўжалик техникаларини мақбул бошқариш учун машиналар тизимининг барча иқтисодий кўрсатгичлари очиб берилган бўлиши керак.

Кўплаб корхоналар каби фермаларда машиналар ишлаб чиқаришнинг бирдан бир қуроли бўлиб, фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишни таққоза этади.

1.Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.

Машиналар тизимини иш унуми шу пайтда фойдали бўладики, қачонки у маҳсулотлар ва жараёнларнинг баҳосини ошириб, бунда фойдаланиш тизимини баҳоси юқори бўлиши керак.

Оптималь иқтисодий мақсад бу маҳсулотларнинг энг паст баҳоси ҳисоблансада, лекин бунда фойдани минималга келтириш бизнеснинг ҳақиқий мақсали ҳисобланади ва фермада бу ишларни минимал баҳоси тизими билан бундай бўлиши шарт эмас.

Худди шундай бизнеснинг умумий фойдаси биринчи навбатда индивидуал машина даражасида бўлиши шарт.

Бу ҳолат индивидуал машинани ўзининг мумкин бўлган минимал баҳосидан бошқача ишлашига мажбур этади.

Машиналарни яхши бошқариш, машиналар тизимидағи индивидуал ишларни шундан бир-бирига ростланган ва жамланган бўлишини талаб этилади, бунда уларнинг иш унуми қишлоқ хўжалиги фаолиятини учун энг юқори фойда келтиради.

Машиналар тизимининг иқтисодий кўрсатгичлари бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган долларда ўлчанади.

Масалан, маккажӯҳори ўриш машинанинг баҳоси 120 \$/га, соя ва бошоқли дон етиштиришда 40 \$/т, мол гўшти етиштириш 75 цент/кг ва ҳоказо.

Бу терминларда тизимнинг максимал иш унуми шундай бўладики, бунда бир бирлик маҳсулотнинг таннархи энг паст бўлади.

Иқтисодий фаолиятнинг 3 компоненти қуидагилар ҳисобланади:

1. Машинанинг иш унуми; 2. Қуввати; 3. Операторнинг фойдали иши.

Айрим ҳолларда бу кўрсатгичлар «самарадорлик» деб нотўғри кўрсатилган, агар турли нисбатдаги иш кнумларига асосланган охирги баҳо бўлганда буф икр тўғри бўлган бўларди.

Нолли баҳолаш машиналар тизимининг иқтисодий салоҳиятини бирдан-бир назарий чегараси ҳисобланади, чунки тизимнинг самарадорлигини процентда аниқловчи ҳеч қандай усул йўқ, чунки иқтисодий ўлчамларнинг физик омилларини чиқиш ва кириш нисбатлари мавжуд эмас.

Машинанинг ўлчамлари, қуввати ва меҳнат тафсифларининг микдорлари вақт бирлигida ҳисобланади. Иш унумининг бу уч кўрсатгичи иқтисодий кўрсатгич бўлиши учун уларнинг сонини вақт бирлигига нисбати ҳар бирининг вақт бирлигидаги баҳосига бўлиш керак бўлади.


Масалан: тизим 5 т пичан / соат машина баҳоси билан 10 \$/соат иш бажарди. Бунда тракторларга 1,5 киши-соат 8 \$/соат баҳо билан ва 1,1 киши-соат 7 \$ /соат талаб этилади.

Тизимнинг иқтисодий кўрсатгичи:

Например, система, машина производит 5t фураж / час с машиной стоимостью \$ 10 / час. Система требует 1,5 человека-часов и 1,1 часа для тракторов на \$ 8 и \$ 7, соответственно. Экономические показатели системы:

$$5,94 \frac{\$}{t} = \frac{\$10}{hr} \times \frac{1 hr}{5 t} + \frac{\$8}{ht} \times \frac{1.5 hr}{5 t} + \frac{\$7}{ht} \times \frac{1.1 hr}{5 t}$$

Агрегат воситалари, қувват, инсон меҳнати ва бошқариш қишлоқ хўжалик машиналари тизимининг қисмларига киради. Ушбу қисмларнинг иқтисодий кўрсатгичлари кейинги уч бобда кўриб чиқилади.



Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда машинанинг иш унуми ўлчовларига унинг тезлиги ва ишнинг сифати киради. Тезлик муҳим ўлчов ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалигидаги мавсумга ва оби-ҳавонинг салбий таъсирига боғлиқ бўлган ва ўз вақтида бажариш талаб этиладиган ишлар жуда кам соҳаларда мавжуддир.

Ишни тўлиқ бажариш сифатнинг бир қисми бўлиб, у машинанинг маҳсулотни исроф қиласдан харакатланиб ишлаш қобилияти ҳисобланади. Чунки кўпчилик қишлоқ хўжалиги материаллари мўрт, кўплари тез бузиладиган ҳисобланади. Машинанинг фойдаланиш ҳисобига маҳсулотларни исроф бўлишини кўпайиши ёки сифатини пасайиши машинанинг иш унумини яна бир муҳим томони ҳисобланади.

Машинанинг операторлари ишларни тўлиқ ва қисқа муддатларда бажарилиши кераклиги тўғрисида яхши билсаларда, улар қишлоқ хўжалик экинларини ва тупроқни зарарлантирганликлари учун иқтисодий жарималар солинишини кўп ҳолларда эътиборсизликка йўл қўядилар.

Машинанинг фойдаланиш кўрсатгичларини баҳолашда сифат ва миқдорларни алоҳида ҳисобга олиш керак.

Машинанинг иш тезлигини баҳолаш вақт бирлигига сон кўринишида хабар берилади. Кўп ҳолларда даланинг қишлоқ хўжалик-экинлар кўриниши майдон га/соат, ўрим-йигим машиналарини иш унуми айрим ҳолларда ц/соат, тонна/соат, зичлагич-йиғгичларда тойларсони/соат кўринишида тақдим этилади.

Иш унумининг бу кўрсатгичлари машинанинг қувват кўрсатгичлари дейилади.

Сигим, фақат вақт майдонида кўрсатилса, қоидага биноан, машинанинг ҳақиқий кўрсатгичи, айниқса, йиғим-терим машиналари учун етарли кўрсатгич ҳисобланмайди.

Фарқлар, ҳосилдорлик ва фойдаланиш шароитларида бир машина бир соат қувватда кичик майдонга ишлов бериши мумкин, лекин бир соат қувватда, худди шундай бошқа даладаги машинага нисбатан катта массага эга бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда ҳақиқий солиштирма сигим масса/соат бўлади.

Оғирлик ва масса тушунчасини машина қуввати ва ҳосилдорлик деб тушуниш мумкин. Массани жисмнинг моддаси сифатида қаралади, у жисмнинг тезланишига қаршилик кўрсатади ва Ернинг массасига тортилади. Агар жисм тўхтатиб қолинмаса Ернинг маркази томон жуда тез тезланиш олади. Мана шу тўхтатиб қоладиган куч жисмнинг массасига teng бўлади.

Масса ва оғирлик орасидаги нисбат қуйидагicha топилади:

$$F = m \cdot AC$$

Бу ерда F = жисмга таъсир этувчи куч; m = жисмнинг массаси; AC = масофа бирлигига олинган тезланиш m/c^2 .

Ернинг тортиш гравитацияси томонидан ҳосил қилинган тезланиш ва масса оғирлик кучини (g) ташкил қиласи. Денгиз сатҳида тезланиш 32,2 фут/ c^2 оддий бирлик тизимида ва $9,807 \text{ м}/c^2$ СИ тизимида ҳисобланади. Оҳирлик кучи (g) денгиз сатҳидан кўтарилиган сари камайиб боради. Жисмнинг оғирлиги ричагли тарозида ўлчанса, жисмнинг оғирлиги ернинг

турли жойларida турлича бўлади. Шундай қилиб СИ тизими масса бирлигини ўлчашда фойдаланилади.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари эса килограмм, центнер (100 кг) ва тонна (1000 кг) умумий савдо-сотик бирлиги сифатида қабул қилинган. Бу массалар одатда уларни оғирлигини пружинасиз тарозиларда ўлчаш йўли билан аниқланади ва легалли савдоларда фойдаланилади. Анъанаеий тизимда дон миқдори сигим билан (бушел) аниқланади. Кейинги пайтларда бушел маҳсулот миқдорини оғирлиги кўрсатилган фунтда ҳосилдорликка ва унинг намлигига дифференцил ҳолатда аниқланмоқда.

Айрим маҳсулотлар ва кўпгина озуқалар центнерда ўлчанади, центнер (100 фунт АҚШда, 112 фунт Англияда) ва тонналарда (2000 фунтов АҚШда, 2240 фунт Англияда).

Комбайнлар, картошка йиғишириш комбайнлари, ва шунга ўхшаган машиналар талаб этиладиган маҳсулотларни кераксиз чиқиндилардан тозалаганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсус солиштирма қувват тушунча киритиш керак бўлади.

Шу билан бирга тайёрланган маҳсулотларни оғирлиги бўйича ҳисботларда ҳамма материал маҳсус сигимларда ишлов берилади. Шунинг учун ўтказувчанлик қобиляти тушунчаси киритилади.

Мисол: комбайнни ўтказувчанлик қобиляти бир килограмм соат деганда умумий тайёрланган массага дон, сомон, чори, бегона ўтларни киритиш керак.

Ўтказувчанлик қобиляти солиштириш учун ҳамма вақт ҳам доимий база ҳисобланмайди, чунки экинлар намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ўтказувчанлик қобилятининг қувватини баҳолаш ҳисботида материални намлиги билан бирга кўрсатилиши керак.

Машина қувватининг ҳисобига майдон ёки масса ва вақтнинг ўлчамлари киритилади. Агар бирлик ўлчамга эътибор қаратилса, ҳисб-китоблар нисбатан оддий бўлади. Бунда қувватнинг ўлчов бирлиги қисқача гектар (га) ва акрлардан иборат.

Мисол тариқасида машина қувватининг уч тури - майдон салоҳияти, материаллар сиғими ва ўтказувчанлик қобилияти аниқланади.

Комбайннинг қамраш кенглиги 5 м (16,4 фут), тезлиги 1,5 м/с (4.9 фут/с) эканлиги аниқланган. Дон бункерига бир минут вақт ичида 50 кг (110 lb) дон йиғилған ва 60 кг (132 lb) чиқиндилар (сомон, чори ва б.) машинанинг орқа томонидан тўкиб кетилган.

Машинанинг имкониятлари:

1. Майдон салоҳияти

$$2,7 \frac{\text{га}}{\text{соам}} = \frac{1,5 \text{ м}}{\text{с}} \times 5 \text{ м} \times \frac{1 \text{ га}}{100000 \text{ м}^2} \times \frac{3600 \text{ с}}{1 \text{ га}}$$

$$[6,64 \frac{\text{га}}{\text{соам}} = \frac{4,9 \text{ ft}}{\text{s}} \times 16,4 \text{ ft} \times \frac{\text{a}}{43,56 \text{ ft}} \times \frac{3600 \text{ s}}{\text{соам}}]$$

2. Материаллар истеъмоли

$$3000 \frac{\text{кг}}{\text{соам}} = \frac{50 \text{ кг}}{\text{мин}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соам}}$$

$$[6600 \frac{\text{lb}}{\text{соам}} = \frac{110 \text{ lb}}{\text{мин}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соам}}]$$

3. Ўтказувчанлик қобилияти

$$6,6 \frac{\text{м}}{\text{соам}} = \frac{110 \text{ кг}}{\text{мин}} \times \frac{\text{м}}{1000 \text{ кг}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соам}}$$

$$[7,26 \frac{\text{T}}{\text{соам}} = \frac{242 \text{ lb}}{\text{мин}} \times \frac{\text{м}}{2000 \text{ lb}} \times \frac{60 \text{ мин}}{\text{соам}}]$$

Хисобланган назарий қувватлар самарали қувватдан фарқ қиласди. Маълумки, машиналар тўхтовсиз ишлай олмайди ёки қамраш кенглиги бир хил бўлмайди. Демак машиналарнинг самарали ёки ҳақиқий қуввати уларнинг назарий ёки бор бўлган имкониятидан бирмунча кам бўлади.

САМАРАЛИ ВАҚТ

Самарали вакт машинанинг ишни бажаришдаги самарали ишлаган вақтини умумий кетган вақтга нисбатини фоизларда аниқланған қийматига айтилади.

Хар сафар машина далага ишлов бермаганда у вақтини бекорга сарфлаган ҳисобланади. Бу ҳолат сотиб олинған машина вақтини ҳақиқатда бекорга сарфланған деб баҳоланиши керак бўлади.

Қуйидаги жадвалда турли қишлоқ хұжалиги корхоналаридаги машиналарнинг қуввати ёки машина жиҳозларига кетган сарфларни аниқлашда ҳисобга олиниши керак бўладиган жойлардаги иш турлари билан боғланған ишчи кучлари, вақт элементлари рўйхати кўрсатилган.

1. Хўжалик саройида машинани тайёрлаш (машинани тозалаш, сақлашга тайёрлаш ва қўшимча ишлар);
2. Далага бориш ва қайтиш вақти;
3. Машинани дала шароитида иш олдидан ва кейин тайёрлаш вақти (кунлик техник хизмат, ташиш учун тайёрлаш ва ҳ.);
4. Даладаги назарий иш вақти (машинани мақбул харакат тезлиги ва қамраш кенглигига ишлатилганда)
5. Ўқ ариқлар, ҳосили йўқ жойларни кесиб ўтиш вақти (машина механизмлари ишлаб турган ҳолатда)
6. Материалларни машинага ортиш ёки тушириш вақти (агар харакатланаётганда бу ишлар бажарилмаса)
7. Машинани тўхтатиб бажариладиган иш учун кетган вақт (машинани трактордан ажратиш киради)
8. Техник хизмат кўрсатиш вақти (ёқилғи қуиши, мойлаш, занжир ва тасмаларни таранглаш ва ҳ., агар бу ишлар харакатланаётган пайтда бажарилмаса, бунга кунлик хизмат кўрсатиш киритилмайди) ;

9. Алмаштириш вақти (далада ишдан чиққан машина қисмларини алмаштириш ёки янгилаш)
10. Операторнинг шахсий вақти;

1.1 – жадвал. Далада ишлатиш самарадорлиги ва иш тезликларини чегаралари

Ишлар тури	Машина ва ускуналар	Далада ишлатиш самараси, %	Ишлатиш тезлиги, км/соат
Тупроққа ишлов бериш	Плуглар	88-74	5-9
	Дискли борона	90-77	6-10
	Тишли борона	83-65	6-12
Култивация қилиш	Култиватор, Чуқурюмшатгич	90-75	6-9
	Чопиқ култиватори	90-68	3-9
	Роторли култиватор	88-80	9-20
Уруғ экиш	Сеялка	78-55	7-10
	Картошка эккич	80-55	9-12
Үриб-йиғишиш	Үт-үргич	95-80	5-9
	Үт ағдаргич	89-62	6-9
	Йиғгич-зичлагич (түртбурчакли)	80-65	5-10
	Йиғгич-зичлагич (айланы)	50-40	5-19
	Озуқа комбайни	76-50	6-10
	Маккажүхори тергич	70-55	3-6
	Үргич,	85-75	6-10
	Картошка йиғгич	90-50	3-6
	Пахта териш машинаси	90-65	3-5
Турли хил	Пуркагич	80-55	7-10
	Аппликатор	65-55	6-9
	Поя майдалагич, шхүргич	85-65	6-10
	Үғит сепгич	90-60	6-10

Вақт элементларининг айримларини машинанинг иш вақти ҳисобига ёпиш мүмкін. Операторнинг шахсий вақти (10) жуда үзгарувчан бирлик бўлиб, қоидага кўра, машинанинг иш самараси билан боғлиқ бўлади, шунингдек, кўп ҳолларда унга эътибор берилмайди, машина вақтини бекорга сарфлаши деб қаралади.

Худди шундай, 1, 2 ва 3 кўринишдаги вақtlар кўп ҳолларда кўриб чиқилмайди. Қолган 4-9- элементлар дала самарадорлигига киритилган.

Қисман, дала самарадорлиги 4- ўриндаги вақтни 4-9 ўринлардаги келтирилган вақтларга нисбатини ҳисобланади. Аниқ машинаучун дала самарадорлигининг қийматлари доимий бўлмасдан бир – биридан фарқ қиласи.

1.1-жадвалда умумлаштирилган қишлоқ хұжалиги машиналарининг дала самарадорлигини оралиқлари келтирилган.

Самаравали майдон салоҳати учун ўрнатилган фаолият самарадорлигини қўйидаги самаравали фаолият тегламаси билан аниқлаш мүмкин:

$$C = \frac{S_{we}}{c} (1.1)$$

Бу ерда: C = самаравали майдон салоҳияти, га/соат; S = тезлик, км/соат (мил/соат); w = номинал иш кенглиги, м (ft); e = дала самарадорлигини фойдали коэффициенти; c = доимийлик 10 [8,25]

Маълумки, ернинг анъанавий ўлчами үзгармайди. Америкалик фермерлар метрик машиналар билан акра бирлигидаги майдонда ишлагандуюқоридаги тенглама қўйидагича ифодаланиши мүмкин $a/\text{соат} = \frac{S_{we}}{4}$ кўринишида нормал метрик машинага тўғри келади.

Самаравали материаллар истеъмоли учун 1.1 тенгламанинг суратига ҳосилдорликни қушиш орқали олиш мүмкин. Агар ҳосилдорлик ц/га

бўлиши керак бўлса, машинанинг ўтказувчанлик имконияти т/соатда ифодаланади ва б.

$$M = \frac{S_{we} \cdot v}{c} \quad (1.2)$$

Бу ерда M = материаллар истеъмоли т /соат, v = т /га.

СИ тизимида вақтни ошириш иккинчи бўлиб, SI tizimida taklif vaqt oshirish ikkinchi vamaинанинг тезлиги м/сек бирлигига берилиши керак Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги машинасининг тезлиги м/соат асосида анъанавий оддий бирликда берилади.

Тезликни м/сек билан ҳисоблаш учун км/соат тезликни 3,6 га бўлинади.

Меърида ишлаётган машина учун (бузилмасдан ва фавқулотда тўхтаб турмасдан)

дала қувватини аниқроқ математик тасдиқи – даланинг самарадорлиги бебайтилиши мумкин.

Юқорида келтирилган коэффициентларнинг (ε_v , η_u , η) қийматлари маълум даражада агрегатнинг қамров кенглиги (β) ва смена вақтидан (τ) фойдаланиш коэффициентлари ҳамда ишни бажаришдаги сифат кўрсаткичлари билан узвий боғланган ҳолда технологик жараённи баҳолашда бевосита ҳисобга олинади. Ушбу кўрсаткичлар билан бир қаторда агрегатнинг иш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти η_{um} қийматини ҳам ҳисобга олиш лозим:

$$\eta_{um} = \eta_{um} \beta \tau \quad (31)$$

Бу ерда коэффициентлар қийматлари юқори бўлиши лозим бўлиб, уларнинг миқдори ишни қандай даражада ташкил этилганига боғлиқдир. Булардан ташқари, бир технологик жараённи бир неча тракторлар базасида тузилган агрегатлар ёрдамида бажарилиши мумкин бўлса, у ҳолда уларнинг энг юқори самара берадиганини танлаш лозим.

Бундай танлов, биринчи навбатда, уларнинг иш унумдорликлари, ёқилғи ва меҳнат сарфлари ҳамда эксплуатацион харажатларнинг миқдор кўрсаткичлари таққосланиб, солиштирилиб, сўнг ўтказилади.

Агрегатни амалда тузиш учун трактор ва ишчи машина маҳсус тайёрланган, текис майдончага олиб келинади. Тиркама агрегат

бўлса, ишчи машинани (плугни) уланадиган нуқтаси тракторнинг тортиш илмоғига нисбатан қанчалик баланд ёки паст бўлишини аниқлайди. Тракторни ҳаракат йўналишидаги симметрия чизифини ишчи машинанинг ўртасидан ва унинг оғирлик марказидан ўтишини таъминлаш керак. Акс ҳолда, технологик жараён бажарилишида ишчи машина тракторни ўнгга ёки чапга буриш моментига эга бўлади. Натижада ишчи машинанинг иш органлари (масалан, плугнинг дала тахтаси) ни ҳамда тракторнинг юргизгич тизимидағи деталларини муҳлатдан олдин емирилишларига сабаб бўлади.

Ишлаш жараёнида агрегатнинг тўғри тузилганлигини баҳолашда агротехник талабларни қондириш даражалари, масалан, шудгорлашда, плугнинг биринчи ва охирги корпусларининг бир хил чуқурликда ишлов беришлари, ағдарилган тупроқнинг бир хил баландликда бўлиши ва плугнинг бўйлама симметрик ўқда бир текис, тебранмасдан ҳаракат қилиши каби кўрсаткичларга таянилади.

МТА ни тузиш ва ишга тайёрлаш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- трактор, қишлоқ хўжалик машинасини ва тиркагични ишга тайёрлаш;
- трактор, қишлоқ хўжалик машиналари ва тиркагичдан агрегат тузиш;
- агрегатни йўналтирувчи қурилмалар ва қўшимча мосламалар билан жиҳозлаш;
- агрегатни синаб кўриш ва ишлаш жойига кўчириш учун тайёрлаш.

Гузилган агрегатлар бажариладиган ишларнинг юқори сифатли бўлишини, техник ва технологик хизмат қўрсатишнинг қулайлигини таъминлашлари лозим.

Тиркама агрегатларни тузишда машина ва жиҳозлар тиркагич фронти бўйича жойлаштирилади, тортиш узунлиги танланади, горизонтал ва вертикал текисликларда тортиш чизифининг йўналиши белгиланади ҳамда йўналтирувчи қурилмалар ўрнатилади. Агрегат тузилганда тортиш чизифи агрегат марказининг ҳаракат чизигига тўғри келиши лозим. Машиналар тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан симметрик жойлашгани маъқул.

Агрегатдаги машиналар икки қатор бўлса, олдинги қаторга кўп қисми, орқа қаторга ками жойлаштирилади. Ишчи машиналар тиркагичга ва тракторга улангандан кейин иш органларининг ўрнатилиши текширилади ва ростланади.

Чигит экадиган сеялкаларга маркерлар ўрнатилади. Чигит экиш сеялкалари уч ғилдиракли тракторларга осилади. Маркер қулочининг узунлиги (X_m) қуидаги ифодадан аниқланади:

$$X_m = B_k - \frac{m(n-1)}{2} \quad , \quad (32)$$

бунда, B_k – сеялканинг конструктив қамров кенглиги, м;

m – ғўза қаторлари орасидаги масофа, м;

n – экиш агрегатидаги эккичлар сони, дона.

Агрегатнинг тўғри ҳисобланганлиги, иш тезликларининг тўғри танланганлиги, тортиш кучидан фойдаланиш даражаси уни ишлатиб кўриш йўли билан текширилади. Двигателнинг етарли юкланиш билан ишлаганлиги тахоспидометр ёрдамида тирсакли валнинг айланиш частотаси бўйича ҳам аниқланиши назарда тутилади.

Назорат саволлари:

1. Тупроққа ишлов берадиган ва экинларни ўриб-йигиб оладиган агрегатларнинг қаршиликларини аниқлашдаги тафовутларни изоҳлаб беринг.
2. Нима сабабдан транспорт агрегатларининг жойидан қўзғалишидаги қаршилиги ҳаракатга келгандан кейинги қаршилигидан бир-икки баробар катта бўлади?
3. Агрегатларнинг оптимал ўлчами ва қўрсаткичларини аниқлаш ус-уларини келтиринг.
4. Самарали кўраткичга эга бўлган агрегатни амалда тузиш технологиясини изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
- 2.Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.
- 3.Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
- 4.Обидов А. Машина-трактор паркидан фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

4-амалий машғулот. Энергетик воситаларидан фойдаланишда бўладиган харажатларни замонавий математик дастурлаш усули ва АКТ фойдаланиб аниқлаш

Ишдан мақсад: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги техник тизимнинг оптималь таркибини иқтисодий кўрсаткичлар бўйича аниқлаш билимига ва амалий қўнимасига эришиш.

Машина-трактор агрегатидан фойдаланилганда бўладиган эксплуатацион харажатларнинг иш бирлигидаги миқдори технологик жараённи бажариш учун агрегатларни танлашда асосий иқтисодий мезон (критерия) бўлиб хизмат қиласи ва шу кўрсаткичнинг минимал миқдорига эришишга характеристикаларни аниқлашади.

Сотиб олинган хар қандай қишлоқ хўжалик машинасига, трактор, автомобил ва турли жихозларлардан фойдаланилганда амортизация ажратмалари, техник хизмат кўрсатиш, ёқилғи маҳсулоти харажати, механизаторга бериладиган маблағ, техникани сақлашга қўйиш ва сақлашдан чиқариш каби ишларни бажаришда маблағнинг сарф бўлишини талаб қиласи. Машина-трактор агрегатидан фойдаланилганда амортизация ажратмаси C_a ўз навбатида икки мақсадда биринчидан, янги олинган машина

ўзини сотиб олишга кетган маблағни хизмат қилиш муддатида йифиб бериши, яъни 8-10 йил муддат ўтганда яна янги машина сотиб олиш учун замин яратиш учун ва буни реновация ажратмаси дейилади, бу кўрсаткични қиймати қуидагича аниқланади:

$$C_a^l = \frac{C_p}{M \cdot T_o}, \quad (1)$$

бунда C_a^l – реноватция (қайта тиклаш) ажратмаси, сўм/соат;

C_p – машина, трактор, ... ларни хўжалик рўйхатида турган нархи, сўм; T_o – машинанинг йиллик юкланмаси, соат.

M – машина, трактор, автомобиль ва жиҳозларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Машинадан фойдаланишда табиий емирилишлар натижасида унинг техник иқтисодий кўрсаткичлари, ресурси техник ҳужжатида келтирилган кўрсаткичлардан пасайиб боради [5], натижада машинани техник ресурсини тиклаш бўйича тўлиқ таъмирлаш зарурияти пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам уни тўлиқ таъмирлашга кетадиган маблағ жамғармаси яратилиб борилади. Унинг хўжаликда турган нархидан ҳар йили маълум бир миқдорда ажратма олинади. яъни:

$$C_2^{11} = \frac{C_p \cdot H_m}{100 \cdot T_o}, \quad (2)$$

бунда C_2^{11} – машинанинг тўлиқ (капитал) таъмирлашга ажратилган маблағ миқдори, сўм/соат;

H_t – тўлиқ таъмирлашга ажратма миқдори, %;

Ҳисоб- китоб юритишда, аксарият вақт ҳар икки ажратма C^l ва C^{11} бир аналитик ифода ёрдамида топилади:

$$C_a = \frac{C_p \cdot H_a}{100 \cdot T_o}, \quad (3)$$

бунда H_a – машинани қайта тиклашга ва тўлиқ таъмирлашга ажратма миқдори, %;

Агар технологик жараённи бажараётган агрегатнинг таркиби трактор, тиркама ва ишчи машиналардан иборат бўлса, унда, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида ажратма миқдори аниқланади ва уларнинг йифиндиси қуидагича бўлади:

$$C_a = \frac{C_p^m \cdot H_a^m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_p^m \cdot H_a^m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_p^l \cdot H_a^l}{100 \cdot T_{10}^l}, \quad (4)$$

бунда C_p^m, C_p^m, C_p^l – ўз навбтида трактор, машина ва тиркамани хўжалик рўйхатидаги нархи, сўм;

H_a^m, H_a^m, H_a^l – трактор, ишчи машина ва тиркама учун амортизация ажратма миқдори, %;

$T_{10}^m, T_{10}^m, T_{10}^l$ – трактор, ишчи машина ва тикаманинг йиллик (норматив) меъёрий ишлаш соатлари, соат;

Таъмирлаш ва техник ҳизмат кўрсатиш учун йил давомида агрегатга бўладиган бир соатли маблағ сарфини қуидагича режалаштириш керак:

$$C_{pmxx} = \frac{C_p^m \cdot P_m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_p^m \cdot P_m}{100 \cdot T_{10}^m} + \frac{C_p^l \cdot P^l}{100 \cdot T_{10}^l}, \quad (5)$$

бунда P_t, P_m, P^l – тракторга, ишчи машинага ва тиркамага техник ҳизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлашга ажратма миқдори, %;

Технологик жараённи бажаришда агрегатга ҳизмат кўрсатадиган механизатор ва ёрдамчи ишчиларга ҳақ тўлаш бажарилаётган ишнинг мураккаблигига, фойдаланаётган агрегат таркибидаги трактор гурухига ва механизатор ва ёрдамчи ишчиларнинг моҳирлик даражаси (разряд) кабикўрсаткичлар асосида шаклланади, яъни

$$C_x = C_x^m + C_x^e + \sum C_x^k, \quad (6)$$

бунда C_x^m – агрегатга ҳизмат кўрсатаётган механизаторга бериладиган маоши, сўм;

$C_{\text{ж}}^{\text{ж}}$ – ёрдамчи ишчига бериладиган иш ҳақи, сүм;

$\sum C_{\text{ж}}^{\text{ж}} = C_{\text{ж}}^{\text{мк}} + C_{\text{ж}}^{\text{ек}}$ – агрегатта ҳизмат күрсатаётган механизатор ва ёрдамчи ишчиларга бериладиган құшимча иш ҳақи [5].

Масалан, ерни шудгорлаш технологик жараённини Орион 630 трактор базасида тузилған агрегат билан бажарайпмиз. Намунавий технологик харитадан биламизки бу агрегатта фақат битта механизатор ҳизмат қилади, яғни $n_m = 1$ га тенг. 1.14 жадвалдан [5] шудгорлашни бажаришгам механизаторни олтинги разряди бўлиши керак. Олтинги разрядли механизаторгата ғиббүйича бир соат ишлашига бериладиган маоши қўйилади. Жараённи бажараётган механизаторга ишни қисқа муддатда, юқори сифатли бажаргани, норма-смен меъёрдан ортиклиги каби ижобий ҳолатларда механизаторга құшимча ҳақ берилиши мумкин. Құшимча ҳақнинг миқдори асосий иш ҳақининг 50% гача бўлиши назарда тутилган.

МТА фойдаланишда бўладиган ёқилғи сарфи ёқилғининг бир суткадаги миқдорий сарфини куннинг давомийлигига бўлиш орқали аниқлаш мумкин, яъни:

$$C_{\text{ж}} = \frac{Q_{\text{сут}}}{T_{\text{см}} \cdot K_{\text{см}}} \cdot \Pi ,$$

бунда $C_{\text{ж}}$ – жараённи бажаришда бир соатда мойлаш материалларига бўлган маблағ сарфи сүм/кг;

$Q_{\text{сут}}$ – бир суткада сарфланган ёқилғи миқдори, кг/сут;

$T_{\text{см}}$ – смена вақти, соат;

$K_{\text{см}}$ – сменалик коэффициенти;

Π – 1 кг ёқилғи ва мойлаш материалларини умумий нархи, сүм/кг;

$$\Pi = \Pi_{\text{ж}} \cdot G_u + \Pi_m G_u \cdot \gamma / 100 ,$$

бунда $\Pi_{\text{ж}}$, Π_m -бир кг ёқилғи ва мойлаш материалларини нархи, сүм/кг;

G_u - агрегатнинг бир соатда ўртача сарфланган ёқилғи миқдори кг/соат;

γ - ёқилғига нисбатан олинадиган мойлаш материалларининг сарфланадиган миқдори, % [3], 108 б, жадвал 140.

$$\gamma = (\gamma_1 + \gamma_2 + \dots + \gamma_n) / 100$$

бунда γ_1 , γ_2 , γ_n -асосий ёқилғи билан бир вактда сарфланадиган мойлаш (дизел мойи, авто-трактор мойи, солидол, трансмисия мойи, үт олдиришдаги карбратор двигатели учун бензин) материаллари. Уларнинг миқдорлари трактор ва унга ўрнатилган двигателга боғлиқ, %.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштириш мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли хұжаликда мавжуд бўлган машина-трактор агрегатларидан йил давомида бирдай фойдаланиб бўлмайди. Масалан, эккичлар фақат уруғ экишда, ўриб-йигиб олинадиган машиналар ҳам ўриб-йигиб олиш даврида фойдаланилади. Қолган пайтларда уларни сақлашга қўйилади ва ишлаш мавсуми бошланишидан олдинроқ сақлашдан чиқарилади. Бу жараёнларни бажариш учун эса маълум маблағ сарфини тақазо этади/16/.

Машиналарни сақлашга кетадиган маблағ сарфи қўйдагича режалаштирилади:

$$C_c = C_p \Psi / 100 T_{io}$$

бунда C_c – сақлашга сарфладиган маблағ миқдори, сўм;

C_p – машинани хұжалик рўйхатида тураладиган нархи, сўм;

Ψ – машинани сақлашда бўладиган харажат миқдори, % [5] 358 б. 2-жадвал;

T_{io} – машинани йиллик меъёрий ишлаш соати [3] 111-112 б. 1.51-1.52 жадвал.

Технологик жараёнларни бажараётган ҳар бир агрегат турига аниқланган сақлашдаги маблағ сарфи технологик харитага ёзилади.

Эксплуатацион харажатларнинг йифиндиси C_s (сўм/соат) қўйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$C_s = C_a + C_{ttxk} + C_x + C_e + C_c ,$$

бунда C_a – амортизация ажратмаси, сўм;

C_{ttxk} – агрегатни жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун ажратма миқдори, сўм;

C_x – механизатор ва ёрдамчи ишчига бериладиган иш ҳақи, сўм;

C_{e} – ёқилғи-мойлаш материаларини олиш учун маблағ сарфи, сўм;

C_{c} – машинани сақлашга қўйиш сарфи, сўм;

Агрегат ишлаганда бажарилган ишнинг бирлигига сарфланган эксплуатацион харажат C_u миқдори бир соатда бўлган харажатни агрегатни бир соатли иш унумига W_c бўлиш орқали аниқланади:

$$C_u = C_e / W_c, \text{ сўм/га; сўм/т; сўм/м}^3.$$

Бажарилган ишнинг тўлиқ ҳажмига сарфланган эксплуатацион харажат иш бирлигига кетган харажатни ишнинг тўлиқ ҳажмига Ω_ϕ – кўпайтириб топилади, яъни:

$$\sum C = C_u \cdot \Omega, \text{ сўм.}$$

Маҳсулот (пахта, дон) етиштиришда механизацияланган жараёнларни бажариш учун кетган маблағ миқдори қўйидаги ифодадан топилади:

$$\sum_{i=1}^n C = C_1 + C_2 + C_3 + \dots + C_n$$

бунда $\sum_{i=1}^n C$ – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда бўладиган жами харажатлар йиғиндиси, сўм;

$i, i_1, i_2, \dots n$ – маҳсулот етиштиришда бажариладиган механизацияланган ишлар;

$C_1, C_2, C_3, \dots C_n$ – ҳар бир технологик жараённи (ишни) бажаришда сарфланган эксплуатацион харажатлар, сўм.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда (етиштиришда) бўладиган эксплуатацион харажатларни олинган маҳсулот ҳажмига нисбати аниқланади ва унинг сон қиймати маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бир-бирига нисбатан таққослаш ва ишлаб чиқаришни самарадорлик миқдорини (рентабеллиги) кўрсатади:

$$C_y = \frac{\sum_{i=1}^n C}{\sum U},$$

бунда C_y – етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бирлигига сарфланган маблағ, сўм/центнер;

ΣU – етиштирилған (пахта, дон, ...) маҳсулотнинг түлиқ ҳажми, центнер.

Етиштирилған маҳсулот бирлигига сарфланған ёқилғи мойлаш материаллари ишлаб чиқаришдаги энергия сарфи аниқлашда фойдаланилади:

$$C_y^{\ddot{e}} = Q_{\ddot{e}} / U \text{ёки } C_y^{\ddot{e}} = \frac{C_{\ddot{e}}}{U} ,$$

бунда $C_y^{\ddot{e}}$ - маҳсулот бирлигига сарфланған ёқилғи миқдори кг/ң ёки маблағ миқдори сүм/ң.

Назорат саволлари:

1. Мехнат сарфини камайтириш омилларини айтиб беринг.
2. Технологик жараённи бажаришда бўладиган эксплуатацион харажатларни номма-ном айтиб, аналитик кўринишда ёзиб беринг.
3. Технологик жараённи бажариш учун агрегат танлаганда меҳнат сарфи асосий кўрсаткич бўла оладими?
4. Техник тизимнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Farm Power and Machinery Management” eleventh edition, Donnel Hunt, David Wilson .USA, 2016, University of Illinois, Urbana-Champaign.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines 2nd Edition, Ajit K. Srivastava Michigan State University Carroll E. Goering University of Illinois Roger P. Rohrbach North Carolina State University Dennis R. Buckmaster The Pennsylvania State University, Copyright 2006 by the.
3. Тошболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатларини системали моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари, Тошкент, “Фан ва технология”, 2013й, 215б.
4. Обидов А. Машина-трактор паркidan фойдаланиш, Тошкент, “Тафаккур қаноти”, 2013, 380б.

5-амалий машғулот: Қишлоқ хұжалик машиналари ишчи курилмаларини тиклаш усуллари

Мавзунинг мақсади: талабаларга қишлоқ хұжалик машиналари ишчи курилмаларининг ейилиш сабаблари ва уларни тиклш усуллари түғрисида янги билимлар бериш.

Энсиз бўлиб қолган лемехлар (эни 92 мм дан камайган) маҳсус тумшиқ пайвандланади, сўнgra уни ҳам ўзи чархланар қилиб тикланади. Лемехларни бу усулда фақат ихтисослашган корхоналарда тиклаш мумкин.

Лемехнинг тобланган қисмининг қаттиқлиги 300 НВ дан ошмаслиги керак.

Янги лемехнинг биринчи марта чўзилиши эни бўйлаб кўпи билан 108мм-гача ейилишига йўл қўйилади. Лемех тифи ўтмаслашганда унинг ишлайдиган томони кенглиги 5-7 мм ли фаска ясад 25-40⁰ бурчак остида камида 1 мм қалинликкача чархланади.

Лемехлар эни бўйлаб 108 мм дан кам ейилганда ўзининг орқа томонидан металл ҳисобига темирчилик усулида чўзилиб, нормал шаклга келтирилиб, тикланади. Лемех елкасининг кўпи билан 2 мм, тифиниг (иш сиртидаги) қавариқлиги 4 мм гача тоб ташлашга йўл қўйилади.

Ағдаргичлар кам углеродли пўлатдан тайёрланади. Ейилган ағдаргич иш сиртининг шакли андоза билан текширилганда янги ағдаргичдан 6 мм дан ортиқ фарқ қиласлиги керак.

Синганжойлари (қисми) пайвандлаб уланади. Дастрлабағдаргич чети түғриланади.

Тирактахаси СТ-6 марка пўлатдан тайёрланади. У кам ейилганда металл эритиб қопланади, сирт тозаланиб тоблаб тикланади. Далавий тахтанинг ейилган томони ағдариб қўйиб ҳам ундан қайта фойдаланиш мумкин.

Дисксимон пичоқларнинг тифи ва ўзи ейилади ҳамда тоб тошлайди, подшипниклари ейилади, стойка ва валиклар деформацияланади.

Диск пичоқ тифининг 1,5-2,0 мм чуқурликда ва 15 мм гача узунликда кўпи билан уч жойидан эзилган бўлишига йўл қўйилади.


Диск 3 ммдан ортиқ тоб ташламаган бўлиши керак.

Дисклартиғини 0,5 мм қалинликда қилиб Т15К6 пластинали кескичлар билан чархланади. Деформацияланган вилка ва стойкалар маҳаллий қиздириб туғриланади. Тўғриланган стойка $800-850^{\circ}\text{C}$ (оч қизил ёки қизил ранг) гача қиздирилиб, сувга ботириб тобланади ва $500-550^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилиб, ҳавода совитиб бўшатилади.

Дисканинг ўқи ва радиал тепиши ҳамда стойканинг вилкага нисбатан ўқи силжиши 3 мм дан ортмаслиги керак.

Ғилдираклар конусавий подшипниклардаги зазор 0,2мм дан ортиқ бўлса, гайка билан ростланади, унинг тўғри ёки нотўғрилиги – унинг қизишига қараб ёки ғилдирак гупчагининг (ступица) бўйлама люфти бўйича текширилади. Ғилдираклар дарз кетиши, ечилиши, спицалари бўшаши ва узилиши мумкин.

Тирма тишлари квадрат (16x16) ёки полосавий (25x15) кесимли СТ-5 маркали пўлатидан тайёрланади.



3-расм. Тирма тишларининг характерли ейишиш жойлари (ЕЖ).

Үтмаслашған, ейилған ва әгилған тишлилар қиздирилған ҳолатда чүзіб, болғалаб ва темирчилик усулида түғрилаб тикланади. Тишлилар бир хил узунликта бўлиши керак. Тузилиб ва түғрилаб бўлинган тишнинг иш қисми $820\text{-}840^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилади ва $30\text{-}35^{\circ}\text{C}$ ли сувга ботирилиб тобланади. Тишнинг резбали қўриғи тобланмайди.

Лушилник-дискларимахсус мослама билан токарлик станогидан чархланади. Диск қавароқ томонидан T15K6 пластинали кескич билан 37° бурчак ясади диск тигининг қалинлиги $0,5\text{-}5,0$ мм етказиб чархланади.

Дискларнинг ейилишга чидамлилигини ошириш учун қавариқ томонига $0,4\text{-}0,6$ мм қалинликта ва $20\text{-}25$ мм кенгликта “Сормайт” қатлами эритиб қопланади (чўян электрод билан электрик импульс усулида қалинлаштириш ҳам мумкин). Эритиб қопландан олдин дисклар 33° бурчак остида чархланади. Эритиб қопланган дисклар ўзидан-ўзи чархланадиган бўлади.

Дарз кетган чўян деталлар дастлаб $600\text{-}750^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилиб, чўян чивиқ газ алангасида пайвандланади ва қуруқ кумга кўмиб аста совитилади.


Катоклардаги әгилған қозиқлар түғриланади, ейилған тишлилар эса темирчилик усулида чўзиб тикланади.

Култиватор панжараларини тиклаш усуллари 4-расмда тасвирланган.

Алмаштириладиган тиглар панжага парчинлар билан ёки пайвандлаб қотирилади.

Панжалар орқа томонига №1-“Сормайт” қаттиқ қотишимаси эритиб қопланиб тайёрланишлар ҳам мумкин. Шу сабабдан улар темирчилик усулида тикланмайди.

Фақат юмшатиши панжалари қиркувчи қирралари кўпи билан 1 мм қалинликта юқори томонидан чархлаб тикланади. 70 г маркали пўлатдан тайёрланган панжалар мойда тобланади.



4-расм. Култиватор панжараларини тиклаш усуллари: а-алмаштириладиган тиғлар қуиіб тиклаш; б-панжа туишуғига усткүйма пайвандлаб тиклаш; 1,2,3,4 ва 5-парчин михлар.

Эритиб металл қопланган панжаларнинг түмшүғи ейилганды ямоқ пайвандлаб тикланади (4,б-расм). Ямоқлар жаткалар ва косилкаларнинг яроқсиз сегментларидан ёки сеялкалар сошнигининг дискидан тайёрланади. Ямоқ панжага пайвандлаб ёпиширилгач, унинг чиқиб турған қисмiga орқа томондан №1-“Сормайт” қотишимаси 0,7-1,0 мм қалинликда газавий пайвандлаб қопланади, кейин қоплама тозаланади ва тиғи чархланади.

Култиватор ғилдиракларидаги нұқсонлар плуг ғилдираклари нұқсонларига үхшайды. Фарқи шундаки, култиваторларда сирпаниш подшипниклари сифатида ёғоч втулкалар үрнатылған. Бундай подшипникларда 2 мм гача тирқиши рухсат этилади. Втулкалар прессланған ёғочдан тайёрланади. Ғилдиракларнинг радиал ва ўқый тепиши 10мм гача КОН-2,8П, КПН-3 ва КПН-4 култиваторлари учун эса 6 мм гача бўлиши мумкин (булар Россияда кенг ишлатилади).

Комбайн агрегатлари ва узелларини таъмирлаш.

Қирқиши аппарати: булар мураккаб шароитда ишлагани учун пичоқ сегментларининг хамда бармоқлар вкладишларининг тиғлари тез үтмаслашади ва уваланади. **Шатун каллагидаги** тешик сирти, шатун

каллаги жағларидаги ва ўрнатиш рейкаларидаги тишлар коромислани маҳкамлаш шарнири ўтқазиладиганжай ейилади.

Пичноқ сегментидаги битта тиғида бештадан ортиқ тиш уваланган ёки эгилган ва ўтмаслашған бўлса (кертиқ тишлар баландлиги 0,3мм га камайганда) улар алмаштирилади.

Пичноқ вилқасининг тўғри чизиқлилиги 1м узунликдаги тирқиши 1мм дан ортиқ бўлганда пичноқ туғриланади.

Бармоқ вкладишлари ўтмаслашганда ёки шикастланганда мосламадан фойдаланиб алмаштирилади.

Жатка ва касилкалардаги синган ёки дарз кетган ёғочматериаллар алмаштирилади.

Мотавилода труба цапфаларининг подшипникларивабўйниейиладикураклариванурларисинади.

Ўсимликларни электравжлантириш технологияси – уруғ, тупроқ ва ўсимлиқдан ташкил топган мураккаб биологик тизимга мажмуйи ва босқичли электромагнит таъсир этишдан иборат.

Ўсимликларни электравжлантириш технологиясини суғориладиган ва суғорилмайдиган тоғолди, чўл, текислик ва яйловлардаги далаларда ҳамда иссиқхоналарда етитириладимган барча қишлоқ хўжалик экинлари, гуллар, ҳар хил декоратив ва доривор ўсимликлар, чўл ва яйлов ўтлари ҳамда мевали, манзарали ва ўрмон дараҳтларини ўстиришда қўллаш мумкин.


Баҳорда, ўсимликларни электравжлантириш технологиясини қўллаб экилган картошкадан янги қазиболинган ҳослдан уруғлик картошка сифатида фойдаланиб, ёзда ушбу технологияни қуллаб экилса ва ўстирилса унданкузги картошка ҳосили олиш мумкинлиги тажрибада исботланган.

Уруғни электравжлантириш, экишдан олдин ва экиш жараёнида амалга оширилади

Тупроқни электравжлантириш, уругни әкиш жараёнида, вегетаци даврида ғуза қатор ораларига ишлов беришда, шунингдек ўсимликларни касалликлардан ва зааркунандалардан химоя қилиш билан бирга амалга оширилади.




5 – расм. Электравжлантиргичнинг умумий күриниши.



